МУҲАММАДЁҚУБ ОСТАНАҚУЛОВ

ДАВЛАТ СЕКТОРИ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Тошкент – 2009

МУҲАММАДЁҚУБ ОСТОНАҚУЛОВ

ДАВЛАТ СЕКТОРИ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Тошкент
«Iqtisod-moliya»
2009

65,052
0760

М. Остонақулов. Давлат сектори ва бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2009, -132 б.

Мазкур китоб давлат сектори ва унда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масалаларига бағишланган. Мамлакат иқтисодиётининг секторлари, давлат бошқарув органлари функциялари, молиявий ҳисобот, оқимлар, операциялар ва трансфертлар, ҳодисаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг алтернатив методлари ва иқтисодий активлар ҳар томонлама таҳлил қилинган. Китобда давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг (ДСБҲХС) мақсадлари ва талаблари ёритилган.

Китобда ҳар бир мамлакатда давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ҳисоблаш методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари»га тўла мос келишига эришгунга қадар ўтиш босқичи сифатида давлат секторида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишни «Касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот» ДСБҲХСга мос келишига эришиш зарурлиги таъкидланган. «Касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот» ДСБҲХСга мос равишда давлат секторида бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтиш учун мамлакатда амалга оширилиши керак бўлган чоратадбирлар кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, «Касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот» ДСБҲХСга ўтиш ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан бири бўлганлигини ҳисобга олиб мазкур Стандартнинг мақсад ва талаблари ҳар томонлама тўла ёритиб берилган.

Тақризчи: **Ибрагимов А. К.** – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси мудири, и.ф.д., профессор

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.
Ушбу нашрнинг ҳеч бир қисмини муаллифининг олдиндан берилган ёзма розилигисиз электрон, механик ёки ҳозир маълум бўлган ёки кейинчалик ихтиро қилинган бошқа воситалар, шу жумладан, сканирлаш, фотокўчирма олиш ёки ёзиб олишнинг бошқа воситалари ёрдамида ёхуд ахборотни сақлаш ва излашнинг ҳар қандай тизимида тўлиқ ёки қисман таржима қилиш, қайта нашр этиш ва такрорлаш тақиқланади.

ISBN 978-9943-13-126-2

© Муҳаммадёқуб Остонақулов, 2009.
© «Iqtisod-moliya», 2009.

1. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ СЕКТОРЛАРИ

Мамлакат иқтисодиёти *(ДМС-2001[1] ҳамда миллий ҳисоблар тизими-1993 контекстида)*, умуман олганда, бешта секторга: (1) номолиявий корпорациялар сектори; (2) молиявий корпорациялар сектори; (3) давлат бошқарув сектори; (4) уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар сектори; ва (5) уй хўжаликлари секторига бўлиниши мумкин.

Номолиявий корпорациялар сектори бозорда сотишга товарлар ишлаб чиқариш ва номолиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида ташкил қилинган структураларни (тузилишларни) ўз ичига олади.

Молиявий корпорациялар сектори бозорда молиявий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган структураларни (тузилишларни) ўз ичига олади.

Давлат бошқарув сектори ўз фаолиятининг асосий тури сифатида давлат бошқарув органларининг функцияларини бажарадиган структураларни (тузилишларни) ўз ичига олади.

Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар сектори уй хўжаликларига нобозор товарлар етказиб берадиган ёки хизматлар кўрсатадиган барча нотижорат ташкилотлар - резидентларни ўз ичига олади. Бу секторга, асосан, давлат бошқарув органлари томонидан назорат қилинадиган ва молиялашти-

---

[1] Матнда «Давлат молия статистикаси бўйича қўлланма - 2001» атамаси ўрнига «ДМС-2001» атамаси ишлатилади.

SAMARQAND IQTISOBIY VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 440281

риладиган барча нотижорат ташкилотлар-резидентлар киритилмайди.

Уй хўжаликлари сектори бирга яшайдиган, ўзларининг даромадларини ва мулкини қисман ёки тўла бирлаштирган ҳамда товарлар ва хизматларнинг айрим турларини биргаликда ўзларининг эҳтиёжига ишлатадиган жисмоний шахсларнинг унчалик катта бўлмаган гуруҳларини ўз ичига олади.

Ҳар бир сектор бир қанча институционал бирликларни ўз ичига олади. *Институционал бирлик*[1] ўз номидан активларга эга бўла оладиган, мажбуриятлар қабул қила оладиган, иқтисодий фаолият ва бошқа структуралар (тузилишлар) билан операцияларни амалга ошира оладиган иқтисодий структурани (тузилишни) ифодалайди.

Институционал бирликлар сифатида *(ДМС-2001 ҳамда миллий ҳисоблар тизими-1993 контекстида)* юридик шахсларнинг ёки жамоатчилик ташкилотларининг қуйидаги тўртта тури: (1) корпорациялар; (2) квазикорпорациялар; (3) нотижорат ташкилотлар; ва (4) давлат бошқарув органларининг бирликлари (давлат бирликлари) тан олинади.

Корпорациялар — бу бозорга сотиш учун товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш мақсадида ташкил этилган юридик шахслар. Давлат бошқарувларига тегишли ёки уларнинг назорати остидаги корпорациялар давлат корпорациялари деб аталади. Корпорацияларнинг асосий фаолиятини характерига қараб барча корпорациялар, ёки номолиявий корпорация-

---

[1] Матнда «субъект» атамаси ўрнига «институционал бирлик» атамаси фойдаланилади, бундан «иқтисодий субъект» атамаси мустасно.

лар секторига, ёки молиявий корпорациялар секторига киритилади.

Квазикорпорациялар (ДМС-2001 ҳамда миллий ҳисоблар тизими-1993 контекстида) – бу корпоратив корхоналар ҳисобланмайдиган ва бошқа қонунчиликда кўзда тутилган ташкилот шаклида ташкил этилмаган, лекин «ДМС-2001 ҳамда миллий ҳисоб тизими-1993» контексти бўйича корпорация каби фаолият кўрсатаётган структуралар (тузилишлар). Давлат квазикорпорацияси қонун бўйича тегишли бўлган институционал бирликдан ажратилган институционал бирлик ҳисобланади. Бунга мисол қилиб маданият соҳасида аҳолига пуллик хизмат кўрсатадиган давлат босмахоналари ва ташкилотларини олиш мумкин.

Нотижорат ташкилотлар (ДМС-2001 ҳамда миллий ҳисоблар тизими-1993 контекстида) – бу товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш мақсадида ташкил этилган юридик шахслар ёки жамоатчилик ташкилотлари. Лекин мазкур юридик шахсларни ёки жамоатчилик ташкилотларини ташкил этган, назорат қиладиган ёки молиялаштирадиган институционал бирликлар учун бу нотижорат ташкилотлар даромад, фойда ва бошқа молиявий наф манбаи бўлмаслиги керак. Нотижорат ташкилотлар бозор ёки нобозор ишлаб чиқариш билан шуғуланиши мумкин. Агар нотижорат ташкилот бозор ишлаб чиқариш фаолияти билан (масалан, олий ўқув юрти талабалардан ўқитгани учун ҳақ олса) шуғулланса, у ҳолда бундай нотижорат ташкилот ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятидан олган ҳар қандай фойдани, ёхуд ўзининг келажакдаги операцияларини таъминлаш учун, ёхуд ўзини ташкил этган, назорат қиладиган ёки молиялаштирадиган институционал бирликларга эмас, балки улар-

дан фарқ қиладиган бошқа институционал бирликларга ўтказиб бериши лозим. Бундай нотижорат ташкилотлар ўз фаолиятлари характерига мувофиқ, ёки номолиявий корпорациялар секторига, ёки молиявий корпорациялар секторига киритилади.

Давлат бошқарув органлари бирликлари (давлат бирликлари) (ДМС-2001 ҳамда миллий ҳисоблар тизими-1993 контекстида) – бу ўз фаолиятининг асосий тури сифатида давлат бошқарув органларининг функцияларини бажарадиган институционал бирликлар. Давлат бошқарув сектори барча давлат бирликларини ва давлат бирликлари томонидан назорат қилинадиган ва, асосан, молиялаштириладиган барча нобозор нотижорат ташклотларни ўз ичига олади.

Давлат бошқарув органлари функциялари[1] Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика бошқармаси томонидан босиб чиқарилган. Давлат бошқарув органлари функцияларининг асосий бўлимлари (ДМС-2001 контекстида) қуйидагилардан иборат:

1) умумий тайинланишга оид давлат хизмати;
2) мудофаа;
3) жамоат тартиби ва хавфсизлик;
4) иқтисодий масалалар;
5) атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
6) уй-жой ва коммунал хизматлар;
7) соғлиқни сақлаш;
8) дам олиш, маданият ва дин;
9) маориф;
10) ижтимоий ҳимоя.

[1] Руководство по статистике государственных финансов 2001 года/Статистическое управление – (2-е изд.), USA, 2001, стр. 95.

2. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

Бухгалтерия ҳисоби маълум бир институционал бирлик тўғрисида молиявий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш ва молиявий ҳисобот шаклида институционал бирликнинг молиявий ҳолатига қизиқувчи фойдаланувчиларга маълумотни етказиб беришни амалга оширадиган маълумот тизими ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби барча фойдаланувчиларни институционал бирлик фаолияти тўғрисидаги маълумотга бўлган эҳтиёжини энг кам сарф-харажатлар билан қондирилишини таъминлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса маълумотдан фойдаланувчиларнинг институционал бирлик тўғрисидаги маълумотларни олиш учун қилган харажатлари уларнинг олган маълумотларидан фойдаланиб, тегишли қарорларни қабул қилишдан кўрган иқтисодий нафидан кам бўлиши керак. Бухгалтерия ҳисоби қарорларни қабул қилиш учун унинг маълумотларидан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда юритилиши лозим. Демак, бухгалтерия ҳисоби иқтисодий қарорларни қабул қилишда маълумотдан фойдаланувчиларга энг юқори иқтисодий наф келтирадиган муайян институционал бирлик тўғрисидаги молиявий маълумот билан таъминлаш каби ҳаётий муҳим вазифани бажаради.

Бухгалтерия ҳисоби институционал бирлик фаолияти ва қарорларни қабул қилувчи шахслар орасида боғловчи бўғин бўлиб ҳисобланади. *Биринчидан*, бухгалтерия ҳисоби институционал бирлик фаолиятини кейинчалик фойдаланиш мақсадида у тўғрисида маълумотларни рўйхатга олиш йўли билан ўлчайди. *Ик-*

кинчидан, маълумотларни улар керак бўлган вақт ичидагина сақлайди, сўнг наф келтирадиган маълумотга айлантириш учун унга ишлов беради. Институционал бирлик фаолияти ҳақида маълумотлар бухгалтерия ҳисоби тизими учун дастлабки маълумот - «хом ашё» бўлса, қарорларни қабул қилувчи шахслар учун иқтисодий наф келтирадиган маълумот эса бухгалтерия ҳисобининг якуний маълумотидир.

Институционал бирлик фаолияти бўйича молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга мавжуд ва бўлғуси: инвесторлар; ходимлар; кредиторлар; мол етказиб берувчилар; савдо кредиторлари; ҳукумат ва унинг органлари ҳамда жамоатчилик киради.

Институционал бирлик фаолияти бўйича молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар икки гуруҳга бўлинади: (1) ички фойдаланувчилар; (2) ташқи фойдаланувчилар.

Институционал бирлик фаолияти бўйича молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин: (1) институционал бирликни бошқарадиганлар; (2) институционал бирликдан ташқарида бўлиб, унда бевосита молиявий манфаатга эга бўлганлар ва (3) институционал бирлик фаолиятида билвосита молиявий манфаатга эга бўлганлар.

Институционал бирликдан ташқарида бўлиб, унда бевосита молиявий манфаатга эга бўлганлар: (1) мавжуд ва бўлғуси инвесторлар; (2) мавжуд ва бўлғуси кредиторлар ва (3) харидорлар.

Институционал бирлик фаолиятида билвосита молиявий манфаатга эга бўлганлар: (1) солиқ органлари; (2) тартибга солувчи органлар; (3) статистика органлари ва (4) аудиторлар, маслаҳатчилар, истеъмолчилар гуруҳлари ва бошқалар.

Институционал бирлик фаолияти бўйича молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун асосий масъулият институционал бирлик раҳбари зиммасига юкланади. Институционал бирлик раҳбари қарорларни қабул қилиш, назорат ўрнатиш ва мажбуриятни бажариш учун ёрдам берадиган қўшимча бошқарув ва молиявий маълумотларидан бевосита фойдаланганлиги сабабли молиявий ҳисоботда акс эттирилган маълумотдан у ҳам манфаатдор. Институционал бирлик раҳбариятининг ва ташқи молиявий маълумотдан фойдаланувчиларнинг маълумотга бўлган талабларига тўла жавоб беришини таъминлаш мақсадида раҳбарият молиявий ҳисоботга қўшимча маълумот шакли ва мазмунини белгилаши мумкин.

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисоби принципларини халқаро миқёсида бир шаклга келтириш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича халқаро стандартлар ишлаб чиқилиб чоп этилган ва ҳамма жойларда татбиқ этиш ва риоя қилиш учун тавсия этилган.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича халқаро стандартларнинг асосий мақсадига эришиш учун: (1) вазифаларни бажариш учун талаб этиладиган молиявий маълумот; (2) маълумот тизимини тузиш принциплари ва (3) молиявий ҳисобот элементлари белгиланиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг мақсади барча фойдаланувчиларга қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган молиявий аҳвол, фаолият натижалари ва молиявий аҳволдаги ўзгаришлар ҳақида маълумот тақдим этишдир. Шу асосда тузилган молиявий ҳисобот кўпчилик фойдаланувчиларни маълумотга бўлган умумий талаб-

ларини қониқтириши лозим. Аммо, молияви
фойдаланувчиларни улар томонидан иқтисод
ларни қабул қилиш учун зарур бўлган барча
билан таъминлаш имкониятига эга эмас, чу
қат бўлиб ўтган ҳодисаларнинг молиявий на
нигина акс эттиради ва, шунингдек, молияв
ган маълумотларни ҳам ўз ичига олади. Моли
бот институционал бирлик раҳбарияти фаоли
беради ёки раҳбариятга ишониб топширилга
лар учун жавобгарлигини акс эттиради. Моли
лумотлардан фойдаланувчилар қарорларни қа
мақсадида институционал бирлик раҳбарияти
унинг жавобгарлигига баҳо беради.

Молиявий ҳисобот унинг маълумотлари
даланувчилар томонидан қабул қилинадига
дий қарорлар, институционал бирликнинг пу
лари ва уларнинг эквивалентларини топиш
тириш, шунингдек, бу жараённинг барқарор
вақтида амалга оширилиши имкониятини б
талаб этади. Фойдаланувчилар институциона
нинг пул маблағлари ва уларнинг эквивале
топиш қобилиятини баҳолаши учун инсти
бирликнинг молиявий аҳволи, фаолият нати
молиявий аҳволидаги ўзгариш ҳақида тегиш
мотларга эга бўлиши керак.

Институционал бирликнинг молияви
тўғрисидаги маълумот асосан бухгалтерия б
берилади. Институционал бирлик фаолияти
тижалари ҳақидаги маълумотлар асосан фоі
рарлар тўғрисидаги ҳисоботда келтирилади
туционал бирликнинг молиявий аҳволидаги
лар молиявий ҳисобот таркибидаги хусусий
даги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда бер

Молиявий ҳисобот таркибидаги ҳисоботлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади, чунки улар бир хил операциялар ва ҳодисаларни турли жабҳаларини акс эттиради холос. Молиявий ҳисоботнинг ҳар бир шакли бошқалардан фарқ қиладиган маълумотни беришига қарамасдан, ҳеч бири молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг тегишли эҳтиёжлари учун керакли бўлган барча маълумотни етказиб бера олмайди.

Молиявий ҳисобот, шунингдек, иловаларни, қўшимча материалларни ва бошқа маълумотларни ўз ичига олади. Масалан, у бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар моддалари ҳақида, фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондирувчи, қўшимча маълумотни акс эттириши мумкин. У, институционал бирликка таъсир этадиган таваккалчилик ва ноаниқликларни, шунингдек, бухгалтерия балансида келтирилмаган ҳар қандай ресурслар ва мажбуриятларни (фойдали қазилмалар захиралари каби) ёритиши мумкин. География ва саноат сегментлари ҳамда институционал бирликка нархлар ўзгаришининг таъсир этиши ҳақидаги маълумот ҳам қўшимча маълумот сифатида берилиши мумкин.

Белгиланган вазифаларни бажариш учун молиявий ҳисобот ҳисоблаш принципи асосида тузилиши зарур. Ҳисоблаш принципи мезонларига мувофиқ даромадни қачон ҳисобга олиш ва уни қачон ҳисоботларда акс эттириш кераклигини белгилайди. Ҳисоблаш принципига мувофиқ, товарлар сотилишидан олинган даромад, харидор ушбу товарларнинг эгаси бўлганда, яъни эгалик қилиш ҳуқуқи билан боғлик бўлган барча таваккалчиликлар ва мукофотлар унга ўтган пайтда ҳисобга олинади. Сотувчи ўз мажбуриятларини бажармагунча, даромад хисобга олинмаслиги

лозим. Ҳисоблаш принципида касса методини эмас, балки ҳисоблаш методининг қўлланилишини талаб қилади. Шунинг учун насияга товарларни сотиш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича тузилган шартномалар, одатда, пул маблағлари ҳақиқатда ҳисобварақка келиб тушган даврда эмас, балки ана шу хўжалик операциялари ёки хизмат содир бўлган пайтдагина даромад сифатида ҳисобга олинади.

Молиявий ҳисобот, одатда, институционал бирлик фаолият кўрсатади ва яқин келажакда фаолият кўрсатишни давом эттиради деган фараз асосида тузилади. Шундай килиб, фараз қилинадики, институционал бирлик тугатилиши ёки ўз фаолияти кўламини кескин қисқартириш ёхуд тугатишга оид нияти ҳам йўқ ва бунга эҳтиёжи ҳам йўқ. Агар бундай ният ёки зарурият пайдо бўлса, молиявий ҳисобот бошқа асосда тузилиши ва бунда молиявий ҳисобот тузишда қўлланилган асос ёритилиши зарур бўлади.

Молиявий ҳисоботда тақдим қилинган маълумотнинг асосий сифати бўлиб унинг фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши ҳисобланади. Бунда, фараз қилинадики, фойдаланувчилар хўжалик ва иқтисодий фаолият соҳасида, бухгалтерия ҳисоби соҳасида етарлича билимларга эга бўлиши, шунингдек, талаб қилинадиган даражада қунт билан ҳаракат қилиш истаклари бор деб қабул қилинади. Аммо, мураккаб саволларга тааллуқли, фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларни қабул қилиши учун ўринли бўлган маълумотни, фақат айрим фойдаланувчилар томонидан тушуниш мураккаб бўлганлиги сабабли молиявий ҳисоботдан чиқариб ташлаб бўлмайди.

Молиявий ҳисоботда келтирилган маълумот қарорлар қабул қилувчи фойдаланувчилар учун ўринли

бўлса, бу маълумот фойдали маълумот деб ҳисобланади. Фойдаланувчиларнинг қабул қилган иқтисодий қарорларига таъсир этиб, уларга ўтган, ҳозирги пайтда амалга оширилаётган ва келажакда содир бўладиган ҳодисаларни баҳолаш учун ёрдам берадиган ёки уларни тасдиқлайдиган, ёхуд аввалги баҳоларни тузатиш имкониятини яратадиган маълумот ўринли маълумот деб ҳисобланади.

Маълумотларнинг тавсифи ва муҳимлиги маълумотнинг ўринлилигига катта таъсир кўрсатади. Айрим ҳолларда фақат маълумотнинг тавсифи унинг ўринлилигини аниқлаш учун етарли бўлмайди. Масалан, янги сегмент ҳақидаги маълумот, ҳисобот даврида ушбу янги сегмент томонидан эришилган натижалар муҳимлилигидан қатъий назар таваккалчилик ва имкониятларни баҳолашга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Айрим ҳолларда маълумотнинг тавсифи ҳам, маълумотнинг муҳимлилиги ҳам катта аҳамият касб этади.

Муайян маълумотнинг берилмаслиги ёки унинг нотўғри талқин қилиниши бу маълумотдан фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорларни қабул қилишга ўз таъсирини кўрсатса ёки улар қабул қилган қарорни ўзгартириш эҳтимоли мавжуд бўлса бундай маълумот шундай вақтда муҳим бўлади. Маълумотнинг мухимлилиги муайян шароитда баҳоланадиган маълумотни бермаслик ёки унинг бузиб кўрсатилишига боғлиқ хато ёки модданинг миқдорига боғлиқдир. Демак, маълумотнинг муҳимлилиги маълумот фойдали бўлиши учун унинг асосий сифат тавсифи бўлмай, одатда, ҳисоб бошланишнинг нуқтаси сифатида кўрилади.

Маълумот фойдали бўлиши учун у ишончли ҳам бўлиши лозим. Маълумотда аҳамиятли хато ёки билиб қилинган бузиб кўрсатишлар бўлмаса, фойдаланувчи-

лар муайян маълумотга ҳаққоният билан тақдим этилган маълумот деб таяниши мумкин бўлса, бундай маълумот ишончли маълумот деб ҳисобланади.

Маълумот ўринли бўла туриб, ўз тавсифи ва тақдим этилиши бўйича шунчалик ишончли бўлмаслиги мумкинки, унинг эътироф этилиши кейинчалик нотўғри қарорларнинг қабул қилинишига олиб келиши мумкин.

Маълумот институционал бирликнинг молиявий ақволи, операциялар натижалари, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳаққоний ва холис тасаввур берса, бундай маълумот фойдали маълумот деб ҳисобланади. Шундай қилиб, масалан, бухгалтерия баланси операциялар ва бошқа ҳодисаларни ва уларни амалга ошириш натижаси бўлган, тан олиш мезонларига жавоб берадиган ҳисобот санасига институционал бирликнинг активлари, мажбуриятлари ва капиталини ҳаққоний ва холис акс эттириши лозим.

Маълумот операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг ҳаққоний тақдим этилиши учун операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг юридик шаклига мувофиққина эмас, балки уларнинг моҳияти, мазмуни ва иқтисодий ҳаққонийлигига мувофиқ равишда ҳисобга олиниши ва тақдим этилиши зарур. Операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг мазмуни ҳамма вақт ҳам уларнинг юридик шаклига ёки белгиланган шаклига мувофиқ келавермайди.

Молиявий ҳисоботда бериладиган маълумот ишончли бўлиши учун у тахминлардан холи бўлиши лозим. Молиявий ҳисобот маълумотнинг танлаш ва тақдим этилиши билан қарорларни қабул қилинишига ёки олдиндан белгиланган натижа ёки якунга эришиш мақсадида фикрни шакллантиришга ўз таъсирини

кўрсатса бундай маълумот бетараф маълумот деб ҳисобланмайди.

Қарорлар қабул қилишда эҳтиёткорлик қоидасига риоя қилиш активлар ва даромадлар қайтадан баҳоланмаслиги, мажбуриятлар ёки харажатлар эса етарли баҳоланмаслигига йўл қўймаслик мақсадида ноаниқлик шароитида баҳо чиқариш учун зарурдир. Эҳтиёткорлик (консерватизм) принципи бўйича чеклов қуйидагини тахмин қилади: агар концептуал принциплар ва фойдаланиладиган принципларга мувофиқ бир хилдаги икки имконият мавжуд бўлса, унда, у соф фойдага ёки активларни умумий суммасига камроқ бўлган ижобий таъсирини кўрсатадиган имкониятни афзал деб кўриш ва қўллаш керак. Агар даромадларни баҳолашда икки турлича бўлган имкониятга рухсат этилса, ҳисоботда у энг кам баҳода акс эттирилиши лозим. Агар, бухгалтерия ҳисобида даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарларни акс эттиришда икки турлича имкониятлардан қайси бирини қўллашни ҳал этишда асосли шубҳа пайдо бўлса, соф даромадга энг кам бўлган ижобий самарани акс эттирувчи сумма кўрсатилиши лозим.

Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида маълумот етарлича тўла ҳажмда тақдим этилган бўлиши керак.

Молиявий маълумот фойдали ва мазмунли бўлиши учун, бир ҳисобот давридаги маълумот бошқа ҳисобот давридаги маълумот билан қиёсланадиган бўлиши керак. Фойдаланувчилар институционал бирлик молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланаётган ҳисоб сиёсатидан, ана шу сиёсатдаги барча ўзгаришлардан ва шундай ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлишлари лозим.

Даромадлар билан харажатларнинг ҳисобот даврига мослиги шуни англатадики, мазкур даврда ушбу ҳисобот даврида даромадларни олишга асос бўлган харажатларгина акс эттирилади. Агар даромадлар билан харажатлар ўртасида бевосита боғлиқлиликни ўрнатиш қийин бўлса, харажатлар бирон-бир тақсимлаш тизимига мувофиқ бир нечта ҳисобот даврлари ўртасида тақсимланади.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳолаш қоидаси шундан иборатки, уларнинг таннархи ёки сотиб олиш қиймати асосий баҳоси ҳисобланади. Стандартларда кўзда тутилган айрим ҳолларда ҳақиқий баҳо сотиб олиш қийматидан фарқ қилиши мумкин.

Ҳисоб сиёсати бир даврдан иккинчи даврга изчил ўтказиб борилади деб ҳисобланади. Фойдаланувчилар институционал бирликнинг молиявий аҳволидаги ўзгартириш принципини белгилаш учун турли ҳисобот даврида уларнинг молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятига эга бўлишлари керак.

Ҳисобот маълумотининг асоссиз даражада кечиктирилиши билан у ўзининг иқтисодий аҳамиятини йўқотади. Маълумотни ўз вақтида тақдим этиш учун битимнинг ёки бошқа ҳодисанинг барча жиҳатлари маълум бўлгунга қадар ҳисоботга зарурат пайдо бўлиши мумкин, бу эса унинг ишончлилигига салбий таъсир этади. Бошқа томондан, агар ҳисобот барча жиҳатлар маълум бўлгунича кечиктирилса, ҳатто энг ишончли маълумот ҳам фойдаланувчиларга катта наф келтирмаслиги мумкин, чунки улар илгарироқ қарор қабул қилишга мажбур бўладилар. Маълумотларнинг аҳамиятлилиги билан маълумотларнинг ишончлилиги ўртасида мутаносибликка эришиш мақсадида иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдаланувчи-

ларнинг эҳтиёжларини қандай қилиб энг яхши тарзда қондириш масаласини ҳал этиш лозим бўлади.

Иқтисодий нафлар ва харажатлар орасидаги баланс сифатга оид тавсиф эмас, балки принцип бўйича чеклов ҳисобланади. Маълумотдан фойдаланиш натижасида олинадиган иқтисодий наф у маълумотни олиш учун маълумотдан фойдаланувчилар сарфлаган харажатлардан ошиқ бўлиши лозим.

Амалиётда, кўпинча, сифат тавсифлари орасида тенглик ёки ўзаро келишув бўлиши керак. Бундан мақсад тавсифлар орасида тегишли мувофиқликка эришишдир.

Молиявий ҳисобот операциялар ва бошқа ҳодисалар натижаларини, уларни умумий белгилари ва иқтисодий тавсифларига мувофиқ тоифаларга гуруҳлаштирган ҳолда акс эттиради. Бу тоифалар молиявий ҳисоботнинг элементлари деб аталади. Балансдаги молиявий аҳволни аниқлаш билан бевосита боғлиқ элементлар - бу *активлар, мажбуриятлар ва соф қиймат/капиталдир.* Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда фаолият натижаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган элементлар даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарлардир.

Молиявий ҳисобот элементларини баланс ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларда тақдим этиш маълум кичик тоифаларни яратишни талаб этади. Бу эса иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун фойдаланувчиларга маълумотларни фойдали бўлган ҳолда тақдим этиш учун имкон яратади.

Молиявий аҳволни аниқлаш билан боғлиқ элементларга активлар, мажбуриятлар ва соф қиймат/капитал киради. *Активлар* - аввалги даврларда содир бўлган ҳодисалар натижасида олинган ва институционал бир-

SAMARQAND IQTISOD
17 VA SERVIS INSTITUTI

лик томонидан назорат қилинадиган, улардан фойдаланиш натижасида келажакда иқтисодий наф олиниши кутиладиган ресурслардир. *Мажбуриятлар* - бу аввалги даврларда содир бўлган ҳодисалар натижасида пайдо бўлган институционал бирликнинг жорий қарзи бўлиб, бу қарзлар қайтарилиши институционал бирликнинг иқтисодий нафини ўз ичига олган ресурсларнинг камайишига олиб келади. *Соф қиймат/капитал* - бу барча мажбуриятларни айиргандан сўнг институционал бирликнинг ўз активларидаги бўлган улушидир.

Фойда - бу институционал бирликка таъсир этадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ҳодисалар натижасида институционал бирлик активларининг соф қиймати/капиталининг кўпайиши бўлиб, хусусий капиталга тўланадиган капитал бундан мустаснодир. *Зарарлар* - бу асосий фаолият ва барча операциялар, ҳодисалар натижасида институционал бирлик активларининг соф қиймати/капиталининг камайиши бўлиб, харажатлар ёки активларининг соф қиймати/капиталининг тақсимланиши натижасидаги камайиши бундан мустаснодир. Фойда фаолият натижаларини аниқлашда ёки бошқа кўрсаткичларни, яъни инвестиция олиб келган фойда, бир акцияга тўғри келадиган фойда кабиларнинг асоси сифатида фойдаланилади. *Фойдани аниқлаш билан бевосита боғлиқ элементлар* — бу даромадлар ва харажатлардир. *Даромадлар* - бу активларнинг келиб тушиши ёки кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайиши шаклида вужудга келадиган ва пировард натижада институционал бирлик активларининг соф қиймати/капиталини оширадиган иқтисодий нафларнинг кўпайиши, аммо акциядорлик капиталига таъсисчилар томонидан тўлана-

диган бадаллар бундан мустаснодир. *Харажатлар* - бу активларнинг сарфланиши ёки емирилиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайиши шаклида вужудга келадиган ва пировард натижада институционал бирлик активларининг соф қиймати/капиталини камайтирадиган иқтисодий нафларнинг камайиши, аммо акцнядорлик капиталининг таъсисчилар орасида тақсимланиши бундан мустаснодир.

Тан олиш - бу қуйида келтирилган элементларни тан олиш мезонига жавоб берадиган моддалардан бирини бухгалтерия баланси ёки фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритишдир. Тан олиш - моддани сўз билан ифодалаш ва уни пул қийматида акс эттириш, шунингдек ушбу суммани бухгалтерия баланси ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиришдир. Тан олиш мезонига жавоб берувчи моддалар бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олиниши акс этирилиши лозим. Тан олинмаган моддалар ҳисоб сиёсатини ёритиш, иловалар ва тушунтириш материалларида акс эттирилмайди.

Элемент таърифига мос бўлган модда қуйидаги мезонларга риоя қилинганда эътироф этилиши лозим:

(а) модда билан боғланган ҳар қандай кутилаётган иқтисодий наф институционал бирлик томонидан олиниши ёки йўқотилиши эҳтимоли мавжуд бўлиши керак,

(б) модда пул қийматида ифодалаш учун мақбул асосга эга бўлиши ва институционал бирлик учун аҳамиятли бўлиши лозим.

Олиниши кутилаётган нафнинг эҳтимоллилиги тушунчаси модда билан боғланган ҳар қандай кутилаётган иқтисодий наф институционал бирлик томо-

нидан олиниши ёки йўқотилишини эҳтимоллилик даражасини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу тушунча институционал бирлик ишлаётган муҳитни тавсифлайдиган ноаниқликни ифодалайди. Келгуси иқтисодий нафларга оид ноаниқликларни баҳолаш даражаси молиявий ҳисобот тузилишида мавжуд бўлган далиллар асосида амалга оширилади. Масалан, институционал бирликнинг дебитор қарзи тўланиши эҳтимоли пайдо бўлганда тескари далиллар бўлмаса, ушбу дебитор қарзларнинг актив сифатида тан олиниши ўринли ҳисобланади. Бироқ, катта ҳажмдаги дебитор қарзлар учун эса, маълум қисми қайтарилмаслиги эҳтимоли мавжуд, шунинг учун камайиши кутилаётган иқтисодий нафларни тасвифлайдиган харажат тан олинади.

Аниқлаш мезонлари тўртта миқдорий кўрсаткичларга асосланади ва тегишли тартибда ҳисобга олинган моддалар тушунарлилиги, аҳамиятлилиги, ишончлилиги ва, шунингдек, таққосланувчанлиги билан фарқ қилади деб фараз килинади:

1. Модда молиявий ҳисоботнинг элементи таърифига мос келиши лозим.

2. Модда аниқ ўлчаниши мумкин бўлган мос келувчи тавсифга эга.

3. Моддада мавжуд бўлган маълумотлар фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир этишга қодир.

4. Моддада мавжуд бўлган маълумотлар ишончли, бетараф ва текшириш қобилиятига эга ҳисобланади.

Баҳолаш - бу молиявий ҳисоботда акс эттириладиган элементларни пул суммаларини аниқлаш, тан олиш ва бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритиш жараёнидир. Бунинг

учун баҳолашнинг аниқ методини танлаб олиш талаб қилинади.

Молиявий ҳисоботда бир қатор турли методлардан фойдаланилади. Буларга бошланғич (тарихий) қиймат, қайта тиклаш қиймати, сотиш баҳоси (қоплаш қиймати), дисконтланган қиймат методлари киради.

Активлар уларни сотиб олиш вақтида тўланган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, ёхуд уларга таклиф этилган оқилона қиймати бўйича ҳисобга олинади. Мажбуриятлар қарз мажбуриятининг алмаштириш эвазига олинган тушум суммасида хисобга олинади, баъзи ҳолларда эса (масалан, фойда солиғи), ишларнинг одатий шароитини ҳисобга олган ҳолда, муайян мажбуриятларнинг қайтарилиши учун керакли бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларининг суммасида акс эттирилиши мумкин.

Активлар ҳозирги пайтда худди шунга ўхшаш актив сотиб олинганда тўланиши керак бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари бўйича акс эттирилади. Мажбуриятлар ҳозирги пайтда муайян мажбуриятнинг қайтарилиши учун талаб этиладиган пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини дисконтланмаган суммасида акс эттирилади.

Активлар уларни ҳозирги пайтда сотиб олинганда тўланиши зарур бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари бўйича акс эттирилади. Мажбуриятлар, уларни ҳозирги пайтда қайтарилиши талаб этилса, уларни тўланиши зарур бўлган пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини дисконтланмаган суммасида акс эттирилади.

Активлар улар воситасида келтирилиши мумкин бўлган пул маблағларининг бўлғуси соф тушумини дисконтланган суммаларида акс эттирилади. Мажбу-

риятлар муайян мажбуриятларнинг қайтарилиши учун зарур бўлган пул маблағларининг бўлғуси соф камайишини дисконтланган суммаларида акс эттирилади.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда баҳолаш асоси сифатида институционал бирликлар томонидан қабул қилинган энг кўп фойдаланиладиган баҳолаш - бу бошланғич (тарихий) қиймат ҳисобланади. Одатда, у бошқа баҳолаш асослари билан биргаликда ишлатилади. Масалан, захиралар, одатда, таннарх ёки соф сотиш баҳосидан энг паст баҳода ҳисобга олинади, бозорда айланадиган қимматли қоғозлар уларнинг бозор нархида, нафақа мажбуриятлари эса уларнинг дисконтланган қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Фойда олиш - тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан мақсад қилинган харажатларни қоплаш ва фойда олиш хисобланади. Бухгалтерия хисоби молиявий ҳисоботда қилинган харажатларини қоплаш ва фойда олишга эришишдаги муайян институционал бирликнинг ютуқларини баҳолаши ва акс эттириши лозим.

Соф фойда - иқтисодий фаолият натижасида институционал бирликнинг хусусий капиталидаги соф фойданинг кўпайишидир. Соф фойда суммаси даромадлар ва харажатлар орасидаги фарқ сифатида аниқланади. Агар иқтисодий фаолият натижасида институционал бирликнинг харажатлари даромадидан ошиб кетса, бу ҳолатда институционал бирликнинг иқтисодий фаолият натижаси *соф зарарни* ташкил этади.

Даромадлар - институционал бирликнинг асосий ва энг муҳим, доимий фаолияти турларини ташкил этадиган товарларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва фаолиятнинг бошқа турлари натижасида институционал бирлик активла-

рининг кўпайиши ёки бошқа турдаги яхшиланиши, ёки мажбуриятларнинг қопланишидир. Ушбу даромадларнинг энг оддий баҳоланиши - бу мазкур давр мобайнида олинган ёки олиниши мўлжалланган активлар қийматининг баҳоланишидир.

Харажатлар - институционал бирликнинг асосий ва энг муҳим, доимий фаолият турларини ташкил этадиган товарларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ва фаолиятнинг бошқа турлари натижасида институционал бирлик активларининг камайиши ёки бошқа турдаги фойдаланиши, ёки мажбуриятларнинг пайдо бўлишидир.

Харажатлар активларнинг соф қиймати/капитални ва институционал бирлик активларини камайтиради ва пассивларни кўпайтиради. Бирок, биргина харажатлар активларнинг соф қиймати/капитал ва институционал бирлик активларининг камайишига сабаб бўла олмайди. Активларнинг соф қиймати/капитал ва институционал бирлик активлари, шунингдек мулкдорлар томонидан капиталнинг қайтариб олиниши натижасида ҳам камайиши мумкин.

Даромадлар, ўз навбатида, активларнинг соф қиймати/капитални ва институционал бирлик активларини кўпайтиради. Бирок, ҳар қандай соф қиймати/капиталнинг кўпайиши ва институционал бирлик активларининг кўпайиши даромад бўлавермайди. Чунки, активларнинг соф қиймати/капитал ва институционал бирлик активлари, шунингдек, мулкдорлар томонидан капиталга қўшимча равишда улуш қўшиши натижасида ҳам кўпайиши мумкин. Активлар пул маблағларини қарзга олиш натижасида ҳам кўпаяди.

Активларнинг соф қиймати/капиталнинг ўзгариши сабабларини аниқлаш мақсадида институционал

бирлик рахбарияти ва бошқа манфаатдор шахслар ҳар бир даромад ва харажатлар учун алоҳида счёт очади. Ҳисобот даврининг охирида бу счётлар ёпилади ва якуний қолдиқлари фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга ўтказилади. Шунинг учун ушбу счётлар *вақтинчалик* ёки *номинал* счётлар деб аталади. Ҳар бир ҳисобот даврнинг бошига вақтинчалик счётларнинг қолдиқлари нолга тенг бўлиши керак.

Институционал бирлик активлари, мажбуриятлари ва активларнинг соф қиймати/капитали ҳақидаги маълумотлар *доимий* ёки *амалий* счётлар деб аталадиган счётларда бўлади. Доимий счётларнинг қолдиқлари бухгалтерия балансида акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг муаммоси харажатлар ва даромадларни ой ёки йил каби қисқа вақт даврига ўтказишда мавжуд бўлган қийинчиликлардан иборат, чунки қисқа муддат ичида соф фойдани хисоблаш шакшубҳасиз тахминий бўлади. Бухгалтерлар ушбу муаммони даврийлик ҳақидаги тахмин ёрдамида ҳал этишади. Ушбу тахмин институционал бирликнинг фаолият кўрсатишини бутун давридан кам бўлган ҳар қандай давр учун соф фойда тахминий бўлиши, аммо шу давр учун унинг баҳоланиши фойдали деб фараз қилишга асосланган дир.

Одатда, ҳисобот даври сифатида бир хил даврийлигидаги вақт, одатда, ўн икки ой қабул қилинади. Бундай ҳисобот даври молиявий йил деб номланади.

Фойдани хисоблашда ва молиявий ҳисоботни тузишда, бухгалтер икки муҳим фараздан келиб чиқиши керак:

Институционал бирлик фаолиятининг тугатилиши ҳақида ҳеч қандай белгилар мавжуд бўлмаса, бухгалтер институционал бирлик фаолияти чексиз равиш-

да узоқ давом этади деб фараз килиши керак. Институционал бирлик фаолиятининг узлуксизлиги тўғрисидаги фараз ёрдамида бухгалтер институционал бирлик фаолият кўрсатиш даврининг аниқланиши қийинчилигидан ташкил топган узлуксизлик муаммосини ҳал этади.

Даромадлар қайси даврда товарлар сотилган, хизматлар кўрсатилган бўлса шу даврга ўтказилиши керак, харажатлар эса даромадлар олиниши учун фойдаланилган ҳисобот даврига ўтказилиши керак. Мувофиқлик ҳақидаги тахмин ёрдамида бухгалтер қайси даромадлар ҳақиқатда муайян ҳисобот даврида ишлаб топилган, қандай қилиб уларни шу даврда олинган пул маблағларидан ажратиб олиш кераклиги, шунингдек, ҳисобот даври ичида қайси харажатлар ҳақиқатда қилинган ва қандай қилиб уларни пул маблағлари тўланганларидан фарқлашда пайдо бўладиган қийинчиликлардан иборат мувофиқлик муаммосини ҳал этади.

Айрим ҳолларда, даромадлар ва харажатлар орасидаги мувофиқликни аниқлаш жуда осон, айниқса, унчалик катта бўлмаган институционал бирликларда, ҳаттоки агар у ерда ҳисобнинг касса методи қўлланилганда ҳам, ушбу метод бўйича харажатлар ва даромадлар пул маблағларини тўланиши асосида тан олинади. Бироқ, аксарият ҳолатларда ундай эмас.

Мувофиқлик қоидасининг қўлланилиши ҳисоблаш методи бўйича ҳисоб юритишни ишлаб чиқишни талаб этди. Ҳисоблаш методи бўйича ҳисоб юритиш операциялар ва бошқа ҳодисаларни институционал бирликка молиявий таъсирини пул маблағлари олиниши ёки тўланиши даврида эмас, балки уларни ҳақиқатда содир бўлган даврида рўйхатга олиш имконини бера-

ди. Ҳисоблаш методи: (1) даромадлар ва харажатларни тан олишни ва (2) трансформацияларни (реформацияларни) амалга оширишни ўз ичига олади.

Даромадни тан олиш - даромаднинг олиниш вақтини аниқлаш жараёнидир.

Трансформация (реформация) қилиш - молиявий ҳисоботни тузиш учун зарур бўлган маълумотни олиш мақсадида хомаки балансдаги счётлар қолдиқларини ўзгартиришдир. Бухгалтерия балансида ҳисобот даври охирига институционал бирлик активлари, мажбуриятлари ва активларнинг соф қиймати/капиталини, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда эса - маълум давр ичидаги институционал бирликнинг барча даромадлари ва харажатлари ҳақидаги маълумотларни акс эттиради. Аксарият операциялар нафақат ҳисобот даврига, балки бир нечта даврларга тааллуқли бўлгани сабабли, трансформация қилиш жараёнига зарурият пайдо бўлиб қолар.

Трансформация (реформация) қилиш тегишли трансформация (реформация) қилиш бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирилади. Бу трансформация (реформация) қилиш бухгалтерия проводкаси битта ёки бир нечта доимий (баланс) счётларда ёзувлар ҳамда бир ёки бир нечта вақтинчалик (фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот) счётлардаги ёзувлардан иборатдир. Трансформация (реформация) қилиш муддатни узайтириш ёки ҳисоблаш шаклида амалга оширилади. *Муддатини узайтириш* - тўланган харажатлар ёки келиб тушган пул тушумини эътироф этиш муддатини кечиктиришдир. *Ҳисоблаш* — амалга оширилган харажатларни ёки ишлаб топилган, аммо рўйхатдан ўтказилмаган даромадларни эътироф этишдир.

Аввалдан тўланган харажатлар бир даврда пули тўланади ва бир неча келгуси даврларда тан олинади. Бундай харажатларга ижара ҳақи, таълим харажатлари, суғурта харажатларини киритиш мумкин.

Эскириш ёки асосий воситаларнинг эскиришига доир харажатлар – асосий воситаларнинг фойдали хизмат қилиш муддати ичида улар қийматини даврлар бўйича тақсимланишидир.

Эскириш хисобланганда эскириш суммасига харажатлар счётлари дебетланади ва жамғарилган эскириш счётлари кредитланади. Ушбу счётлар контрарсчёт деб аталади - ушбу счётниинг қолдиғи, бухгалтерия балансини тузишда, тегишли счётлар (ушбу вазиятда асосий воситалар счётлари) қолдиғидан айириб ташланади.

Контрарсчётлар ушбу вазиятда икки сабабдан кўлланилади: улар асосий воситаларнинг дастлабки қийматини сақлаб қолиш ва асосий воситаларнинг эскиришини ҳисоблаш имкониятини яратади. «Асосий воситалар» счётида хисобга олинган асосий воситаларнинг бошланғич (тарихий) қиймати ва «Асосий воситаларнинг эскириши» счётида ҳисобга олинган эскириш суммаси ўртасидаги фарқ ҳисобот даврига асосий воситаларнинг соф қиймати ҳисобланади, Ушбу қиймат, шунингдек, баланс ёки китоб қиймати деб ҳам аталади.

Ишлаб топилмаган даромадлар - бу ҳали харидорларга товарлар жўнатилмасдан ва хизматлар бажарилмасдан туриб, улардан бўнак сифатида олинган тушумдир. Бу мажбуриятлар счётидир. Ишлаб топилмаган даромадларга тааллуқли намунавий мисолларга чипталарни аввалдан сотиш, обуна ҳақини олдиндан олишларни киритиш мумкин.

Рўйхатга олинмаган (ҳисобланган) даромадлар - бу товарларни юклаб жўнатиш ёки хизматлар кўрсатиш натижасида ушбу ҳисобот даврида унинг ҳукуқи пайдо бўлган, аммо ҳали рўйхатдан ўтказилмаган даромадлардир.

Рўйхатга олинмаган (ҳисобланган) харажатлар - бу мазкур ҳисобот даврида мажбуриятлари пайдо бўлган ҳар қандай рўйхатга олинмаган харажатлар, аммо ушбу мажбуриятлар фақат келгуси ҳисобот даврларида қопланади.

Шундай қилиб тузатувчи (трансформациявий) ёзувлар қуйидаги ҳолларда зарур: (1) рўйхатга олинган харажатлар икки ёки ундан ортиқ даврларга бўлинади; (2) рўйхатга олинган даромадлар икки ёки ундан ортиқ даврларга бўлинади; (3) руйхатга олинмаган харажатлар мавжуд; ва (4) руйхатга олинмаган даромадлар мавжуд.

Молиявий ҳисоботлар ҳисоблаш принципига асосан тайёрланиши керак. Ушбу принцип молиявий ҳисоботга қуйидагича таъсир этади: (1) операция ва ҳодисаларни пул маблағлари тўланганда ёки олинганда эмас, балки улар ҳақиқатда рўй берган пайтида эътироф этилиши керак; (2) бу бухгалтерия балансида активлар сифатида акс эттирилган моддалар бўйича пул маблағлари ёки бошқа молиявий ресурсларни олиш ҳуқуқини беради; (3) бу бухгалтерия балансида мажбуриятлар сифатида акс эттирилган моддалар бўйича пул маблағлари тўлаш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини юклайди; (4) молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари ҳакидаги ҳисоботда даромадлар ва харажатлар қайси даврга тааллуқли бўлса ушбу даврда акс эттириш керак; (5) ҳисоблаш принципи мувофиқлик принципи билан мослаштирилади, яъни даромадлар, пул оли-

пиши вақтидан қатъий назар товарлар сотилганда ёки хизматлар қўрсатилганда эътироф этилади.

Ҳисоблаш принципи қўлланилганда харажатлар, пули қайси вақтда тўланганидан қатъий назар, улар билан боғланган даромад қайси даврда тан олинса шу даврда эътироф этилади.

3. ОҚИМЛАР, ОПЕРАЦИЯЛАР ВА ТРАНСФЕРТЛАР

«Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма - 2001» тизимида акс эттириладиган барча маълумотлар ёки оқимлар, ёхуд захиралар сифатида ифодаланади. *Оқимлар* – бу институционал бирликлар қатнашаётган иқтисодий тадбирларнинг пулда ифодаланиши ҳамда ҳисобот даври давомида содир бўлган ва институционал бирликларнинг иқтисодий ҳолатига таъсир қиладиган бошқа ҳодисалар. *Захиралар* – бу институционал бирликнинг маълум вақтдаги активлари ва мажбуриятлари ҳамда бу бирликнинг активлари соф қиймати. Институционал бирлик активларининг соф қиймати – бу муайян институционал бирлик активларининг умумий суммаси билан унинг мажбуриятлари умумий суммаси ўртасидаги фарқ.

Оқимлар иқтисодий қийматнинг яратилишини, ўтказилиши, айирбошлаши, берилиши ёки йўқ бўлиб кетишини ифодалайди. Барча оқимлар ёки операция сифатида, ёхуд бошқа иқтисодий оқимлар сифатида таснифланади.

Операциялар – бу ўзаро келишув асосида икки институционал бирлик ўртасидаги муносабатнинг ифодасидир. Ҳар бир институционал бирлик ичида амалга оширилган ҳаракатни аналитик жиҳатидан опе-

рация сифатида қабул қилинади ва бу операциялар ички операциялар деб аталади.

Ҳар қандай операция ёки айирбошлашни, ёхуд трансфертни ифодалайди.

Айирбошлаш – бу бир институционал бирлик бошқа институционал бирликка товарлар берса, хизматлар кўрсатса, активларини берса ва бу берганлари қийматига эквивалент бўлган товарларни, хизматларни ёки меҳнатни у институционал бирликдан олиш операциясидир. Институционал бирлик ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш, товарлар ва хизматларни сотиш, ўз мулкини сотиш ҳамда барча ички операциялар айирбошлаш ҳисобланади.

Трансферт – бу бир институционал бирлик бошқа институционал бирликка товарлар берса, хизматлар кўрсатса, активларини берса, лекин бир вақтнинг ўзида уларнинг эвазига ҳеч қандай товар, хизмат, актив ёки меҳнат олмаслик операциясидир. Айрим ҳолларда операциялар айирбошлашга ўхшайди, аммо ҳақиқатда эса улар айирбошлаш билан трансфертнинг қўшилишидан иборат бўлади. У ҳолда операция иккига бўлиниши лозим. Унинг бири айирбошлаш, бошқаси эса трансферт ҳисобланади. Масалан, давлат бошқарув сектори бирлиги активини бозор қийматидан паст баҳода сотди. Бу операция активнинг бозор баҳоси бўйича амалга оширилган айирбошлашга ҳамда операциянинг ҳақиқий қиймати билан активнинг бозор қиймати ўртасидаги қиймат фарқи бўлган трансфертга бўлиниши лозим.

Бошқа иқтисодий оқим – бу операция натижасида ҳажмда ёки активнинг қийматида ёхуд мажбуриятда содир бўлган ўзгаришлардир. Ҳажмдаги ўзгаришлар актив ҳажмидаги бошқа ўзгаришлар деб, актив қий-

матидаги ўзгаришлар эса холдинг фойдаси ёки холдинг зарари деб аталади. Юқорида ҳажмдаги ёки актив қийматидаги ўзгаришлар тўғрисида айтилганлар мажбуриятдаги ўзгаришларга ҳам тегишлидир.

Активларнинг ҳажмларидаги бошқа ўзгаришларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. *Биринчи гуруҳга* активнинг миқдори ёки сифатини ўзгартирмасдан мавжуд актив ёки мажбуриятни балансга қўшишга ёки балансдан чиқаришга олиб келадиган ҳодисалар киритилади. *Иккинчи гуруҳга* активларнинг миқдори ёки сифатининг ўзгаришига олиб келадиган ҳодисалар киритилади. *Учинчи гуруҳга* активларнинг таснифидаги ўзгаришларга олиб келадиган ходисалар киритилади.

Активнинг бозор қиймати нолга тенг бўлганлиги сабабли давлат бошқарув сектори бирлиги активлари ва пассивлар балансида бу актив акс эттирилмайди. Масалан, қидириб топилган ер ости ресурсларининг захираларини ҳозирги технология ва нисбий баҳоларда қазиб олиш иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлса, у ҳолда бундай ер ости ресурлари захиралари институционал бирликнинг активлар ва пассивлар балансида акс эттирилмаслиги мумкин. Агар технологияда ёки нисбий баҳолардаги ўзгаришлар натижасида бу захираларнинг бозор қиймати ижобий бўлиб қолса, у ҳолда бу ҳажмдаги бошқа ўзгаришлар ҳисобда ўз аксини топади ва мазкур объект институционал бирлик балансига қўшилади. Бу ҳолатнинг тескариси ҳам бўлиши мумкин.

Иккинчи гуруҳ активларнинг ҳажмларида бошқа ўзгаришларнинг сабаби бўлиб топиб олиш, яратилиш, тугатиш, йўқ қилиниш, тугатилиш ёки бир институционал бирлик бошқа институционал бирликнинг активларини мусодара қилиши ҳисобланади. Масалан,

табиий ўсиш натижасида ўрмонларнинг ва балиқ захиралари миқдорининг кўпайиши, активларнинг физик жиҳатдан олиш натижасида минерал хом ашёлар захираларининг ҳажмини ва табиий ўрмон миқдорининг камайиши ва бошқалар.

Учинчи гуруҳ активларнинг ҳажмларидаги бошқа ўзгаришларнинг сабаби бўлиб институционал бирликларнинг бир сектордан бошқа секторга ўтказилиши ёки айрим активлар ва мажбуриятларнинг бир категориядан бошқа категорияга ўтказилиши ҳисобланади. Масалан, агар давлат бирлиги ўзининг маҳсулотларига иқтисодий муҳим ўрин тутган баҳолар қўйбошласа, у ҳолда давлат бирлиги давлат корпорациясига айланиб қолади. Унинг барча активлари ва пассивлари давлат бошқарув секторидан ёки номолиявий корпорацияга, ёхуд молиявий корпорацияга ўтказилади. Бунга олтиннинг номонетар категориядан монетар олтин категориясига ўтказилиши ҳам мисол бўлиши мумкин.

4. ҲОДИСАЛАРНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИШНИНГ АЛТЕРНАТИВ МЕТОДЛАРИ

Ҳодисаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш вақтини белгилаш методлари: (1) ҳисобнинг ҳисоблаш методи; (2) ҳисобнинг ҳодисаларни тўлов муддати етиб келиши асосида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш методи; (3) ҳисобнинг операцияларни мажбуриятлар асосида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш методи ва (4) ҳисобнинг касса методи[1].

[1] Руководство по статистике государственных финансов 2001 года/Статистическое управление – (2-е изд.), USA, 2001, стр. 34-35.

Ҳисобнинг ҳисоблаш методи бўйича ҳисоб юритилганда иқтисодий ҳодисаларнинг натижалари бухгалтерия ҳисобида пуллар олинганлиги ёки тўланганлиги ёки улар олиниши ёки тўланиши кераклигидан қатъий назар бу иқтисодий ҳодисалар содир бўлган пайтда акс эттирилади.

Ҳисобнинг ҳодисаларни тўлов муддати етиб келиши асосида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш методи қўлланилганда пул тўловлари келтириб чиқарган оқимлар ҳисобда қўшимча йиғимлар ёки жарималар ҳисобламасдан тўланиши мумкин бўлган энг охирги санада ёхуд муддати етиб келмасдан тўлов амалга оширилган бўлса, у ҳолда ҳақиқатда тўлов амалга оширилган санада акс эттирилади. Агар тўлов тўлов муддати ўтгандан сўнг амалга оширилган бўлса, у ҳолда тегишли вақт оралиғида, худди ҳисобнинг хисоблаш методи бўйича бухгалтерия ҳисоби юритишдаги каби дебитор қарз сифатида акс эттирилади. Агар тўлов уни тўлаш муддати етиб келгунга қадар амалга оширилса, у ҳолда бу қарзни дебитор қарз сифатида акс эттиришнинг ҳожати бўлмайди.

Ҳисобнинг операцияларни мажбуриятлар асосида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш методи қўлланилганда муайян операцияни амалга ошириш бўйича давлат бошқарув сектори институционал бирлиги ўзига мажбурият олган пайтдаёқ бу операция ҳисобда акс эттирилади. Одатда, ҳисобнинг бу принципи фақат активлар, товарлар ва хизматлар сотиб олинишига ҳамда ходимларга меҳнат ҳақи тўланишига нисбатан қўлланилади. Бунда операцияни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш пайти бўлиб давлат бошқарув сектори институционал бирлиги томонидан етказиб беришга буюртма берган пайт ҳисобланади. Бу гуруҳга кирмай-

диган операциялар ҳисоби юқорида келтирилган ҳисоблашнинг учта методининг бирортасини қўллаб бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши лозим.

Ҳисобнинг касса методи қўлланилганда операциялар пул маблағларини олиш ёки тўлаш пайтида акс эттирилади. Ҳисобнинг бу методи пул-кредит операцияларига тегишли бўлмаган операцияларни ҳам акс эттиришда қўллаш мумкин бўлса ҳам касса методини қўллайдиган бухгалтерия ҳисобларининг кўпчилик тизимларида бу операцияларни акс эттирмайди.

5. ИҚТИСОДИЙ АКТИВЛАР

Давлат молияси статистикаси тизимида *(ДМС-2001 контекстида)* акс эттириладиган барча активлар иқтисодий активлар ҳисобланади. Иқтисодий активлар молиявий активларга ва номолиявий активларга бўлинади.

Молиявий активларга[1] молиявий талаблар, олтин (тилла) пул (русча – «монетарное золото») ва Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) томонидан тақсимлаш тартибида бериладиган махсус ўзлаштириш ҳуқуқига бўлинади.

Молиявий талабларнинг типик турларига пул маблағлари, депозитлар, кредитлар ва қарзлар, облигациялар, ҳосилавий молиявий воситалар (русча – «производные финансовые инструменты») ва дебитор қарзлар киради.

Олтин пул ва Халқаро Валюта Фонди томонидан тақсимлаш тартибида бериладиган махсус ўзлаштириш ҳуқуқлари молиявий талаблар ҳисобланмайди. Аммо,

---

[1] Руководство по статистике государственных финансов 2001 года/Статистическое управление – (2-е изд.), USA, 2001. стр.132 и 142.

улар жамғарма воситалари сифатида иқтисодий наф келтиради ва улар молиявий талабларни тартибга солиш ва операцияларнинг бошқа турларини молиялаштириш учун тўлов воситаси сифатида фойдаланилади. Шунинг учун ҳам уларни бухгалтерия ҳисобида молиявий актив каби акс эттириш тартиби қабул қилинган.

Олтин (тилла) пулга софлиги 995/1000 дан кам бўлмаган пул-кредитни тартибга солувчи органлар функциясини бажарувчи институционал бирликларга қарашли бўлган ва расмий давлатнинг активлар захираси таркибига кирадиган танга-чақа (ёки тилла), ёмби ва бўлак олтин пул киради. Софлиги 995/1000 дан кам бўлган ва институционал бирликда ҳисобга олинадиган ҳар қандай олтин номолиявий актив ҳисобланади ва у ёхуд материал айланма маблағлар захираларига, ёхуд қимматбаҳо бойликларга киритилади.

Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) томонидан тақсимлаш тартибида бериладиган махсус ўзлаштириш ҳуқуқи бошқа Халқаро Валюта Фонди аъзоси бўлган давлатлардан чет эл валютасини ёки бошқа активлар захираларини тўла олиш ҳуқуқини ифодалайди. Халқаро Валюта Фонди томонидан тақсимлаш тартибида бериладиган махсус ўзлаштириш ҳуқуқи сотилиши, қарз берилиши ёки молиявий мажбуриятларни тартибга солиш учун фойдаланиши мумкин.

Шартли активлар молиявий активлар сифатида қабул қилинмайди.

Номолиявий активлар[1] – бу молиявий активлардан ташқари барча иқтисодий активлар. Номолиявий

[1] Руководство по статистике государственных финансов 2001 года/Статистическое управление – (2-е изд.), USA, 2001. стр. 135-138.

активлар молиявий активлар каби жамғариш воситаси ҳисобланади. Номолиявий активлар ишлаб чиқариш жараёни натижасида яратилиши, табиатда бор бўлиши ёки жамоат тузуми маҳсулоти сифатида бўлиши мумкин.

Номолиявий активлар ишлаб чиқарилган активларга ва ишлаб чиқарилмаган активларга бўлинади. Ишлаб чиқарилган активлар асосий фондлар, материал айланма маблағлар захиралари ва қимматбаҳо бойликларга бўлинади..

Асосий фондлар – бу ишлаб чиқариш жараёнларида қайта-қайта ёки бир йилдан ортиқ давр мобайнида узлуксиз фойдаланиладиган ишлаб чиқарилган активлардир. Асосий фондларни ажратиб турадиган ўзига хос хусусияти қандайдир моддий маънода уларнинг кўпга чидаши эмас, балки уларнинг ишлаб чиқаришда қайта-қайта ёки узлуксиз узоқ вақт давомида фойдаланиш имконияти ҳисобланади.

Асосий фондлар (ДМС-2001 контекстида) бинолар ва иншоотлар, машиналар ва асбоб-ускуналар ҳамда бошқа асосий фондларга бўлинади.

«Асосий воситалар» 17-ДСБҲХСда берилган таъриф бўйича асосий воситалар – бу институционал бирлик эгалигида бўлган ишлаб чиқаришда ёки товарларни етказиб беришда (ёки хизмат кўрсатишда) фойдаланиш учун ёки маъмурий мақсадларда ҳамда бир ҳисобот даврига нисбатан кўпроқ давр мобайнида фойдаланиши кутилаётган материал активлардир. Бу стандарт асосий воситани тан олиш учун ўлчов бирликларини, яъни, асосий воситалар бирлиги таркибига нима киришини белгиламайди.

Бошқа асосий фондлар (ДМС-2001 контекстида) эса, ўз навбатида, ўстириладиган активлар ва номате-

риал асосий фондларга бўлинади. *Ўстириладиган активларга* бошқа товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш учун қайта-қайта ёки бир йилдан ортиқ давр мобайнида узлуксиз фойдаланиладиган ўстирилган ҳайвонлар ва ўсимликлар киради. Бу категориядаги ҳайвонлар турларига наслдор ҳайвонлар, сут берадиган чорва моллари, улов ҳайвонлари, жун ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган қўй ва бошқа ҳайвонлар ҳамда транспорт воситалари сифатида, пойга ёки сайр-томоша учун фойдаланиладиган ҳайвонлар киради. Бу категориядаги ўсимликлар турларига дарахтлар, ток новдаси ва мева ҳамда ёнғоқлар ўстириш, олимлар, пўстлоқ ва барглар олиш учун ўстириладиган буталар киради.

Номатериал асосий фондларга (ДМС-2001 контекстида) фойдали қазилмаларни қидириш натижалари, компьютерлар учун дастурий таъминот, кўнгил очар жанрдаги адабиёт ва санъат оригинал асарлар ҳамда турли бошқа номатериал асосий воситалар киради.

Материал айланма маблағлар захиралари (ДМС-2001 контекстида) — бу ишлаб чиқарувчилар томонидан сотиш, ишлаб чиқаришда ишлатиш ёки келажакда бошқача қўлланиши учун сақланаётган товарлар ва хизматлардир.

Қимматбаҳо бойликлар (русча —«ценности») (ДМС-2001 контекстида) — бу асосан жамғариш воситаси сифатида сотиб олинадиган ва сақланадиган ва, асосан, ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш мақсадлари учун ишлатилмайдиган сезиларли даражада улкан қийматли ишлаб чиқарилган товарлардир.

Ишлаб чиқарилмаган активлар (ДМС-2001 контекстида) эса табиат активлари ва жамоат тузуми маҳсулотларига бўлинади

Табиат активлари (ДМС-2001 контекстида) — бу ер, ер ости фойдали қазилмалар конлари, очиқ ҳудудий сувларга тегишли бўлган балиқ ресурслари ҳамда унга мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ҳуқуқий санкция билан таъминланган электромагнит спектри. Табиат активларига ер, ер ости бойликлари ва бошқа табиат активлари киради.

Ер аслини олганда тупроқ қатлами билан ернинг ўзи, у билан алоқадор ер устки сувлари ҳамда ердан ажратиш мумкин бўлмаган ернинг жиддий яхшиланишини ифодалайди.

Ер ости бойликларига (ресурсларига) (ДМС-2001 контекстида) исботланган ва улардан иқтисодий фойдаланиш мумкин бўлган нефт, табиий газ, кўмир (антрацит, битумга оид ва қўнғир кўмир ҳам қўшилган ҳолда) захиралари, металл рудалар (қора, рангли ва қимматбаҳо металл рудалари ҳам қўшилган ҳолда) захиралари, руда бўлмаган фойдали қазилмалар (тош майдалаш, лой қазиладиган ва очиқ қум конлари, кимёвий моддалар ва ўғитлар конлари ҳамда туз, кварц, гипс, табиий қимматбаҳо тошлар, асфальт, битум ва торф конлари) захиралари киради.

Бошқа табиат активларига (ДМС-2001 контекстида) ўстирилмайдиган биологик ресурслар, сув ресурслари ва электромагнит спектри киради. Тижорат мақсадида фойдаланилиши мумкин бўлган бокира ўрмонлар ва балиқ захиралари ўстирилмайдиган биологик ресурслар ҳисобланади. Сув ресурсларига ернинг сувли қатламлари ва ер ости сувларининг бошқа ресурслари киради. Электромагнит спектри товушли ва телевизион сигналларни ва маълумотларни узатиш учун фойдаланиладиган радиочастота тўпламидан иборат бўлади.

Жамоат тузуми маҳсулотлари (ДМС-2001 контекстида) — бу номатериал ишлаб чиқарилмаган активлардир. Номатериал ишлаб чиқарилмаган активларга патентланган объектлар, ижара шартномалари ва бошқа контрактлар ҳамда сотиб олинган гудвилл киради.

6. ДАВЛАТ СЕКТОРИ УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИНГ ТАРКИБИ

2000 йил «Бухгалтерларнинг халқаро уюшмаси» Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари» (ДСБҲХС) нашрини бошлаган.

«Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари» (ДСБҲХС) давлат сектори институционал бирликлари томонидан кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган йиллик молиявий ҳисоботларни давлат бошқарув органларининг индивидуал ҳисоботларини ёки давлат бошқарув органлари бўйича умумий ҳисоботни) тайёрлашда фойдаланиш учун ишлаб чиқилган. Институционал бирлик — бу ўз номидан активларга эга бўла оладиган, мажбуриятлар қабул қила оладиган, иқтисодий фаолият ва бошқа таркиблар билан операцияларни амалга ошира оладиган субъектдир. Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари ишлаб чиқиш билан ҳозир «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари бўйича бошқарув» шуғулланмоқда. Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари хусусий сектор учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозиргача давлат секторида ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга мўлжал-

лаб ишлаб чиқилган «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари» (ДСБҲХС):

1. «Молиявий ҳисоботнинг тақдим этилиши» 1-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (1-ДСБҲХС),

2. «Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳисоботлар» 2-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (2-ДСБҲХС),

3. «Ҳисоб сиёсати, ҳисобдаги баҳолашда ўзгаришлар ва хатолар» 3-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (3-ДСБҲХС),

4. «Валюта курслари ўзгаришларининг таъсири» 4-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (4-ДСБҲХС),

5. «Қарзлар бўйича сарфлар» 5-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (5-ДСБҲХС),

6. «Йиғма ва алоҳида (қўшимча) молиявий ҳисобот» 6-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (6-ДСБҲХС),

7. «Уюшган субъектларга инвестициялар» 7-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (7-ДСБҲХС),

8. «Қўшма фаолиятда қатнашуви тўғрисида молиявий ҳисобот» 8-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (8-ДСБҲХС),

9. «Айирбошлаш операцияларидан ялпи даромад» 9-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (9-ДСБҲХС),

10. «Иқтисодиёти гиперинфляцияга дучор бўлган мамлакатларда молиявий ҳисобот» 10-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (10-ДСБҲХС),

11. «Қурилиш шартномалари» 11-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (11-ДСБҲХС),

12. «Материал айланма маблағлар захиралари» 12-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (12-ДСБҲХС),

13. «Ижара» 13-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (13-ДСБҲХС),

14. «Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар» 14-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (14-ДСБҲХС),

15. «Молиявий воситалар (молиявий инструментлар): маълумотларни очиб бериш ва тақдим этиш» 15-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (15-ДСБҲХС),

16. «Инвестицияланган мулк» 16-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (16-ДСБҲХС),

17. «Асосий воситалар» 17-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (17-ДСБҲХС),

18. «Сегмент бўйича ҳисобот» 18-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (18-ДСБҲХС),

19. «Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» 19-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (19-ДСБҲХС),

20. «Алоқадор томонлар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш» 20-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (20-ДСБҲХС),

21. «Пул маблағларини вужудга келтирмайдиган активларнинг қадрсизланиши» 21-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (21-ДСБҲХС),

22. «Давлат бошқарув сектори тўғрисидаги молиявий маълумотларни очиб бериш» 22-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (22-ДСБҲХС),

23. «Айирбошлашга тааллуқли бўлмаган операциялардан ялпи даромад (солиқлар ва трансфертлар)» 23-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (23-ДСБҲХС),

24. «Молиявий ҳисоботда бюджет маълумотларини тақдим этиш» 24-сон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (24-ДСБҲХС).

Юқорида келтирилган давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш методини қабул қилаётган барча давлат сектори институционал бирликлари (давлат корпорацияларидан ташқари) қўллаши учун ишлаб чиқилган.

Давлат сектори институционал бирликлари ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтишдан аввал ўтиш давринининг стандарти ҳисобланган «Касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот» ДСБҲХС бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтиб олишлари зарур бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда 2003 йили «Касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот» касса методи бўйича давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (касса методи бўйича ДСБҲХС) ишлаб чиқилган.

7. ҲИСОБЛАШ МЕТОДИ БЎЙИЧА «ДАВЛАТ СЕКТОРИ УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ»НИНГ (ДСБҲХС) МАҚСАДЛАРИ ВА АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ

«Молиявий ҳисоботнинг тақдим этилиши» 1-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари барча давлат сектори институционал бирликларига тааллуқлидир.

Мазкур Стандарт давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ ҳисоблаш методидан фойдаланиб тузиладиган ва тақдим этиладиган кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган барча молиявий ҳисоботларни тақдим этишда қўлланилади.

Мазкур Стандартнинг мақсади институционал бирликнинг ўтган даврлар учун тузган молиявий ҳисоботи билан ҳамда бошқа институционал бирликларнинг молиявий ҳисоботи билан солиштириш мумкинлигини таъминлаш учун кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибини ўрнатиш ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун мазкур Стандартда ҳисоблаш методидан фойдаланиб тайёрланган молиявий ҳисоботни тақдим этиш бўйича бир қатор умумий мулоҳазалар, молиявий ҳисоботнинг таркиби бўйича тавсиялар ва молиявий ҳисобот мазмунига минимал талаблар белгиланган.

Кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган молиявий ҳисобот — ўзларининг аниқ маълумотларга бўлган талабларига мувофиқ ҳисоботларнинг шаклларини ўзгартиришни талаб қила олмайдиган молия-

вий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини қондириш учун тайинланган ҳисоботдир.

Мазкур Стандарт молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботда ҳисобот давридаги институционал бирликнинг фойдалари ёки зарарлари ҳақидаги маълумотларни «назорат қиладиган институционал бирликнинг эгасига тегишли фойдалар ёки зарарлар» ва «камчиликни қизиқишига тегишли фойдалар ёки зарарлар» ўртасида бўлинган ҳолда алоҳида тақдим этишни талаб қилади.

«Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳисоботлар» 2-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари барча давлат сектори институционал бирликларига тааллуқлидир.

Мазкур Стандартнинг мақсади институционал бирликнинг пул маблағларидаги ва пул маблағларига эквивалентларидаги ретроспектив ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар ёрдамида тақдим этишни талаб қилади. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларда муайян давр ичида операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятдан олинган пул маблағларининг тушуми тасниф қилинади.

Ҳисоблаш методи бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиб молиявий ҳисоб тайёрлаётган ва тақдим этаётган институционал бирлик мазкур Стандарт талабларига мувофиқ пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлашга мажбур ва уни ўзининг ҳар бир молиявий ҳисобот тақдим даври учун тайёрлаган мо-

лиявий ҳисоботининг асосий қисми сифатида тақдим этади.

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар бу маълумотлардан фойдаланувчиларга давлат сектори институционал бирлиги ўз фаолиятини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағларини қандай қилиб топишини ва бу пул маблағлари қандай усуллардан фойдаланиб сарфланганлигини аниқлашга имкон беради.

Операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар тушунтирилишининг тўғри ва эгри методлари мавжуд.

Операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар тушунтирилишининг тўғри методи қўлланилганда ялпи пул тушумлари ва тўловларининг асосий турлари тўғрисидаги маълумотлар очиб берилади.

Операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар тушунтирилишининг эгри методи қўлланилганда операцион фаолият бўйича қар қандай кечиктириб қўйилган ёки ҳисобланган аванслари ёки келгусидаги пул тушумлари ёки тўловларининг пул характерига эга бўлмаган операцияларнинг натижаларини ҳамда инвестицион ёки молиявий фаолият муносабати билан пул маблағларнинг ҳаракатига алоқадор ялпи даромадлар ёки харажатларнинг моддаларини ҳисобга олган ҳолда соф фойда ёки зарар корректировка қилинади.

Пул маблағлари - кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олинадиган депозитлар, шунингдек, банкнинг депозит, валюта ва бошқа ҳисобварақларидаги маблағлар.

Пул маблағларининг эквивалентлари — маълум миқдордаги пул маблағларига конвертация қилишга тайёр қисқа муддатли ва уларнинг қиймати унча катта

бўлмаган таваккалчиликка мойил юқори ликвидли инвестиция.

Пул маблағлари оқими – пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг келиши ва кетиши (ҳаракати).

«Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» ҳисобот даври давомида пул маблағларининг келиш манбаларини, пул маблағлари қайси моддалар бўйича харажат қилинганлигини ва ҳисобот санасига пул маблағлари қолдиқларини кўрсатиб беради.

«Ҳисоб сиёсати, ҳисобдаги баҳолашда ўзгаришлар ва хатолар»
3-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари барча давлат сектори институционал бирликларига тааллуқлидир.

Мазкур Стандарт ҳисоб сиёсатини танлаганда ва уни қўллаганда ҳамда ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни ҳисобга олишда, ҳисоб баҳосидаги ўзгаришларни ҳисобга олишда ва ўтган даврларнинг хатолари тўғриланганда қўлланилиши зарур.

Мазкур Стандартнинг мақсади ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш тартиби ва очиб берилиши билан бир қаторда, ҳисоб сиёсатини танлаш ва ўзгартириш критериясини аниқлаш ҳисобланади.

Мазкур Стандарт институционал бирликнинг молиявий ҳисоботининг ишончлилиги ва кераклилиги даражасини ҳамда бу молиявий ҳисоботни маълум давр давомида бошқа институционал бирликларнинг молиявий ҳисоботлари билан таққослана олиш даражасини кўтариш учун тайинланган.

Ҳисоб сиёсати – бу бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун институционал бирлик қўллайдиган усулларнинг жамламасидир.

Ҳисоб баҳосининг ўзгариши деганда активнинг балансдаги қийматини ёки мажбуриятни, ёхуд активнинг доимий ишлатилиш суммасини корректировка қилиш тушунилади. Ҳисоб баҳосидаги ўзгаришлар янги маълумотлар ёки янги ҳолатлар пайдо бўлиши сабабли содир бўлади.

Ўтган давр хатолари –бир ёки кўпроқ даврда институционал бирликнинг ишончли маълумотларини тўғри ёки ғайриқонуний фойдаланиш натижасида институционал бирликнинг молиявий ҳисоботида ташлаб кетишлар ёки бузиб кўрсатишлар.

Бундай хатоларга ноаниқ математик ҳисоб-китоблар қўллаш, бухгалтерия ҳисоби сиёсатини қўллашдаги хатолар, маълумотларни ташлаб кетиш ёки нотўғри тушунтириш ва маълумотларни сохталаштириш натижасида содир бўлган хатолар киради.

«Валюта курслари ўзгаришларининг таъсири» 4-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандартнинг мақсади институционал бирликнинг молиявий ҳисоботига валюта операциялари ва чет элдаги фаолиятини қўшиш ҳамда молиявий ҳисобот тақдим этилаётган валютада қайта ҳисоблаш тартибини аниқлашдир.

Мазкур Стандартни ҳисоблаш методидан фойдаланиб молиявий ҳисобот тайёрлайдиган ва тақдим этаётган институционал бирликлар қуйидаги ҳолатларда қўллашлари зарур:

- чет эл валютасидаги операцияларни ва маблағларнинг қолдиқларини ҳисобга олишда (молиявий инструментларни тан олиш ва ўлчаш тартибини белгилайдиган тегишли халқаро ёки миллий стандартлар ҳаракати доирасида бўлган ясама операциялар ва маблағлар қолдиқларидан ташқари);

- йиғиш, мутаносиб равишда йиғиш ёки ҳисса билан қатнашиш бўйича йиғиш йўли билан институционал бирликнинг молиявий ҳисоботига қўшилган чет элдаги фаолият бўйича фаолият натижасининг ва молиявий ҳисоботнинг кўрсаткичларини қайта ҳисобланганда;

- институционал бирликнинг фаолият натижаси ва молиявий ҳолати кўрсаткичларини валютада тақдим этишда қайта ҳисобланганда.

Мазкур Стандартда хорижий валютадаги ва чет эл фаолиятидаги операциялар ҳисобини юритиш берилган. Бу стандартда қандай алмаштириш курсидан фойдаланиш ва алмаштириш курслари ўзгаришининг молиявий таъсирини молиявий ҳисоботда қандай қабул қилишни ҳал қилиш талаби қўйилган. Алмаштириш курсининг ўзгариши натижасида пайдо бўладиган фарқ, давр давомида биринчи бор ёзилган ёки тегишли ўтган даврнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган курсдан фарқ қиладиган институционал бирликнинг пул моддалари бўйича ҳисоб-китобларида ёки пул моддалари бухгалтерия ҳисобида кўрсатилишида даромад ёки харажат сифатида бундай фарқ пайдо бўлган даврида тан олиниши керак.

Чет эл валютаси билан боғлиқ фаолиятни субъект икки усулда олиб бориши мумкин. Институционал бирлик операцияларни чет эл валютасида амалга ошириши ёки чет эл фаолиятини олиб бориши мумкин. Бундан ташқари, институционал бирлик ўзининг мо-

лиявий ҳисоботини чет эл валютасида тақдим этиши ҳам мумкин.

Бу ерда асосий масала бўлиб қандай айирбошлаш курсларидан фойдаланиш ва айирбошлаш курсларидаги ўзгаришларининг молиявий таъсирини институционал бирликнинг молиявий ҳисоботида қандай тан олишни аниқлаш ҳисобланади.

«Қарзлар бўйича сарфлар» 5-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт қарзлар бўйича сарфларни ҳисобга олишда қўлланилиши керак.

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари барча давлат сектори институционал бирликларига тааллуқлидир.

Мазкур Стандартнинг мақсади қарзлар бўйича сарфларнинг бухгалтерия ҳисобини олиб бориш тартибини аниқлашдир.

Мазкур стандартда ҳисобнинг асосий тартибида қарзлар бўйича сарфларни дарҳол харажат сифатида қабул қилиниши талаб қилинади. Бироқ, бу стандартда, ҳисобнинг алтернатив тартиби сифатида активни сотиб олиш, қуриш ёки ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган қарзлар бўйича сарфларни капиталлаштиришга йўл қўйилади.

Қарзлар бўйича сарфларга:

- банк овердрафтлари ва қисқа муддатли ва узоқ муддатли ссудалар бўйича фоизлар;
- ссудалар билан боғлиқ бўлган амортизация чегирмалари ёки мукофотлар;
- молиявий лизингга нисбатан тўловлар; ва
- чет эл валютасидаги қарзлар натижасида фоизлар тўлаш бўйича сарфларни корректировка қилиш

мумкинлиги даражасида айирбошлаш курсидаги ўзгаришлар оқибатида пайдо бўладиган фарқлар қўшилиши мумкин.

«Йиғма ва алоҳида (қўшимча) молиявий ҳисобот» 6-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари барча давлат сектори институционал бирликларига тааллуқлидир.

Мазкур Стандарт йиғма молиявий ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича ҳамда назорат қиладиган институционал бирликнинг, биргаликда олиб бориладиган фаолият қатнашчисининг ва инвесторнинг мустақил молиявий ҳисоботида назорат қилинадиган институционал бирликларнинг, биргаликда назорат қилинадиган институционал бирликларнинг ва уюшган институционал бирликларнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича талабларни белгилайди.

Мазкур Стандарт мустақил молиявий ҳисоботга нисбатан маълумотларни қўшимча очиб беришни талаб қилади.

Мазкур Стандартни ҳисоблаш методи бўйича молиявий ҳисобот тузадиган ва тақдим этадиган институционал бирлик иқтисодий субъект учун йиғма молиявий ҳисобот тайёрлаганда ва тақдим этганда қўллаш керак.

Иқтисодий субъект – назорат қилувчи институционал бирлик ва бир ёки бир нечта назорат қилинадиган институционал бирликларни ўз ичига олувчи институционал бирликлар гуруҳи. Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларида «иқтисодий субъект» термини молиявий ҳисоботда назорат

қилувчи институционал бирлик ва назорат қилинадиган институционал бирликларни ўз ичига олувчи институционал бирликлар гуруҳини белгилаш учун қўлланилади. Иқтисодий субъект ўз ичига ижтимоий мақсадларни кўзловчи институционал бирликларни ҳам, тижорат мақсадларини кўзловчи институционал бирликларни ҳам олиши мумкин.

Мазкур Стандарт барча назорат қилувчи институционал бирликлардан йиғма молиявий ҳисоботни ҳамма назоратдаги институционал бирликларнинг ҳисобот маълумотларини қаторма-қатор йиғиш асосида тайёрлашни талаб қилади.

Мазкур Стандартда давлат секторига нисбатан назорат концепцияси тўла ёритилган ва молиявий ҳисобот мақсади учун назоратни ўрнатиш бўйича таклифлар берилган.

«Уюшган субъектларга инвестициялар» 7-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт фақат институционал бирлик мулкий улушга эга бўлган, уюшган институционал бирликларга нисбатан қўлланилади.

Уюшган институционал бирликларга инвестициялар мулкнинг бир қисмига акция ёки капиталнинг бошқа расмий белгиланган тузилмавий элементлари кўринишида эгалик қиладиган молиявий ҳисоботни ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни инвесторнинг уюшган институционал бирликларга инвестициялари бухгалтерия ҳисобини юритиш учун қўллаши лозим. Мазкур Стандарт уюшган институционал бирликларда улушли иштирок этиш ҳисобини

юритиш учун асос бўлади. Мазкур Стандарт фақат инвестиция объектини капиталнинг расмий белгиланган тузилмавий элементларига (ёки унинг эквивалентларига) қилинган инвестицияларга қўлланилади.

Капиталнинг расмий белгиланган тузилмавий элементларига акционерлик капитали ёки траст фонди пайлари каби пай капиталининг эквивалент шаклини киритиш мумкин.

Йиғма (жамланма) молиявий ҳисобот – бу алоҳида тақдим этилган ҳисобот кўринишидаги иқтисодий субъектнинг молиявий ҳисоботидир.

Институционал бирликнинг молиявий ҳисоботи агар у назорат институционал бирликка, уюшган институционал бирликка ёки уюшган институционал бирлик сифатида қўшма фаолиятда улуши бўлмаса, унинг молиявий ҳисоботи алоҳида (қўшимча) молиявий ҳисобот ҳисобланмайди.

Алоҳида (қўшимча) молиявий ҳисобот (мазкур Стандарт контекстида) – бу йиғма молиявий ҳисоботга қўшимча ҳисобот сифатида тақдим этиладиган ҳисоботдир, бу молиявий ҳисоботда инвестициялар улушли иштирок этиш ҳисоби методи бўйича ҳисобга олинади, шунингдек, бу молиявий ҳисоботда қўшма фаолиятда иштирок этувчининг улуши мутаносиб равишда келтирилади.

Сезиларли таъсир (мазкур Стандарт контекстида) – инвестициялар объектлари бўйича сиёсат юзасидан назорат ҳуқуқига ёки қўшма назоратга эга бўлмаса ҳам бу сиёсат бўйича молиявий ва операцион қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ваколати.

Инвестор томонидан сезиларли таъсирнинг бўлиши: (1) директорлар кенгашида ёки инвестиция объектини бошқаришда шунга ўхшаш бошқарув органида

вакиллик ёки (2) сиёсатни ишлаб чиқишда иштирок этиш, шу жумладан, дивидендлар ва бошқа тақсимотлар бўйича қарорлар қабул қилиш бўйича жараёнларда иштирок этиш ёки (3) инвестор ва инвестиция институционал бирлиги ўртасидаги сезиларли операцияларни амалга ошириши ёки (4) бошқарув персонали билан алмашув ёки (5) мухим техник информацияни тақдим этиш каби бир ёки бир нечта усуллар ёрдамида тасдиқланади.

Агар инвестор акция кўринишидаги мулкий улушга тўғридан-тўғри ёки эгри кўринишда (масалан, назорат органлари орқали) инвестиция объектларида 20 ёки ундан ортиқ овоз бериш фоизларига эга бўлса, у ҳолда бу инвестор сезиларли таъсирга эга деб ҳисобланади. Агар инвестор тўғридан-тўғри ёки эгри кўринишда (масалан, назорат қилувчи хўжалик субъектлари орқали) инвестиция объектларида 20 ёки ундан кам овоз бериш фоизларига эга бўлса, у ҳолда бу инвестор сезиларли таъсирга эга эмас деб ҳисобланади.

«Қўшма фаолиятда қатнашуви тўғрисидаги молиявий ҳисобот» 8-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Мазкур Стандарт қўшма фаолиятда улушли иштирок этишнинг ҳисоби учун асос бўлиб ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисобида ҳисобланиш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни, қўшма фаолият қандай шаклда ва тузилишда амалга оширили-

шидан қатъий назар, қўшма фаолиятда улушлар бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳамда қўшма фаолият қатнашувчилари ва инвесторларнинг активлар, мажбуриятлар, ялпи даромад ва харажатлар бўйича молиявий ҳисоботларида қўллаши лозим.

Қўшма фаолият – шартномавий келишувга мувофиқ икки ва ундан ортиқ томонлар биргаликда бошқариладиган фаолиятни амалга оширишлари мажбуриятидир.

Қўшма фаолият қатнашчиси - қўшма фаолият устидан биргаликда назоратни амалга оширувчи қўшма фаолиятдаги томон.

«Айирбошлаш операцияларидан ялпи даромад» 9-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Мазкур Стандартнинг мақсади айирбошлаш операциялари ва ҳодисалари натижасида пайдо бўладиган ялпи даромадни ҳисобга олиш тартибини аниқлашдан иборатдир.

Молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни хизмат кўрсатиш, товар сотиш ва институционал бирликнинг активларидан бошқа тарафларнинг фойдаланиши натижасида улардан олинадиган фоизлар, роялти, дивидендлар каби айирбошлаш операциялари ва ҳодисалари натижасида пайдо бўладиган ялпи даромадни ҳисобга олиш учун қўллаши лозим.

Ялпи даромадни ҳисобга олишда юзага келадиган асосий муаммо бу ялпи даромадни тан олиш вақтини

аниқлашдан иборат. Институционал бирлик томонидан келажакда иқтисодий нафни ёки сервис имкониятини олиш эҳтимоли мавжуд бўлса ва улар ишончли баҳолаш имконияти бўлсагина ялпи даромад бухгалтерия ҳисобида тан олинади.

«Иқтисодиёти гиперинфляцияга дучор бўлган мамлакатларда молиявий ҳисобот» 10-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни амалдаги валюта иқтисодиёти гиперинфляцияга дучор бўлган мамлакатнинг валютаси бўлган институционал бирликнинг бошланғич молиявий ҳисоботи (унинг йиғма молиявий ҳисоботи учун ҳам) учун қўллаши лозим.

Мазкур Стандарт ҳар қандай институционал бирликнинг молиявий ҳисоботига нисбатан у ҳисобот тушётган валюта иқтисодиётида гиперинфляция мавжуд мамлакатнинг валютаси бўлган ва гиперинфляция мавжудлиги аниқланган ҳисобот давридан бошлаб қўлланилади.

Мазкур Стандартга мувофиқ молиявий ҳисоботни қайта тақдим этиш маълум процедураларни қўллашни ҳамда мулоҳазалар чиқаришни талаб қилади.

Мамлакат иқтисодиётида гиперинфляция пайдо бўлди деб тан олинганда ҳам мазкур Стандарт

гиперинфляциянинг мутлақ кўрсаткичини белгилаймайди.

Мазкур Стандартга кўра молиявий ҳисоботни қайта топшириш зарурияти тўғрисидаги қарор мулоҳазалар асосида қабул қилинади. Гиперинфляциянинг мавжудлиги қараб чиқилаётган мамлакатдаги иқтисодий конъюнктура кўрсаткичлари: (1) аҳолининг асосий қисми ўз жамғармаларини иқтисодиёти гиперинфляцияга дучор бўлган мамлакатнинг пул активларида эмас ёки нисбатан барқарор чет эл валютасида сақлашни маъқул ҳисоблайди. Нақд маҳаллий валюта дарҳол истеъмол қобилиятини қўллаб-қувватлаш учун инвестиция қилинади; (2) аҳолининг асосий қисми пул маблағларини маҳаллий валютада эмас, балки нисбатан барқарор чет эл валютасида баҳолайди. Нархлар шундай нисбатан барқарор чет эл валютасида кўрсатилиши мумкин; (3) кредитга харидлар ва сотувлар кредитлаш давридаги (ҳатто бу давр қисқа бўлса ҳам) кутилаётган истеъмол қобилиятининг пасайишини қоплайдиган нархларда амалга оширилади; (4) фоиз ставкалари, иш ҳақи ва нархлар, нархлар индексига боғлиқ қилинади; (5) инфляциянинг уч йил давомидаги кумулятив кўрсаткичи 100 фоизга яқинлашади ёки ундан ошиб кетади; (6) бошқа кўрсаткичлар ҳисобланади

«Қурилиш шартномалари» 11-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Мазкур Стандартнинг мақсади қурилиш шартномалари билан боғлиқ харажатлар ва ялпи даромад ҳисобини юритиш тартибини ўрнатишдан иборат.

Мазкур Стандарт: (1) қурилиш шартномаси сифатида таснифланадиган келишувни аниқлайди; (2) давлат секторида вужудга келиши мумкин бўлган қурилиш шартномалари турлари бўйича кўрсатмаларга эга; (3) шартнома бўйича харажатларни ҳамда, агар мумким бўлса, шартнома бўйича ялпи даромадни ҳам тан олиш ва очиб бериш учун асосни аниқлайди.

Қурилиш шартномаларига нисбатан мазкур Стандартнинг мақсадларига: (1) активларни қурилиш бошқа бевосита боғлиқ хизматлар кўрсатишга доир шартномалар (масалан, лойиҳа раҳбарлари ёки архитекторларнинг хизматлари); (2) активларни бузиш ёки тиклаш ҳамда капитал объектларни бузишдан сўнг атроф-мухитни тиклашга доир шартномалар киради. Қурилиш шартномаларига нисбатан мазкур Стандартнинг мақсадларига, шунингдек келишган томонлар учун мажбур бўлган, лекин расмий шартнома сифатида расмийлаштирилмаган барча келишувлар ҳам киради.

Одатда, мазкур Стандартнинг талаблари ҳар бир қурилиш шартномасига алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган пудратчи мазкур Стандартни қурилиш шартномалари бўйича ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш учун қўллаши лозим.

«Материал айланма маблағлар захиралари» 12-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисобида ҳисоб лаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадига институционал бирлик мазкур Стандартни барча ма териал айланма маблағлар захиралари ҳисобини оли бориш учун қўллаши лозим.

Мазкур Стандартнинг мақсади материал айланм маблағлар захиралари ҳисобини юритиш тартибин белгилаб бериш ҳисобланади. Материал айланма маб лағлар захираларини ҳисобга олишнинг асосий маса ласи бўлиб актив сифатида тан олиниши лозим бўлга таннарх суммаси ва тегишли ялпи даромадлар тан олин гунга қадар унинг актив сифатида ҳисобга олиниш ҳисобланади. Мазкур Стандарт таннархни аниқлаш в уларнинг кейинчалик харажат сифатида тан олиниш (шу жумладан, сотиш мумкин бўлган соф баҳоси миқ доригача қийматини ҳар қандай камайтирилишин ҳисобга олган ҳолда) бўйича *амалий қўлланма* бўли ҳисобланади. Шунингдек, мазкур Стандартда материа айланма маблағлар захиралари таннархини аниқлаш учун фойдаланиладиган таннархни ҳисоблаш форму ласи бўйича кўрсатмалар ҳам берилган.

Мазкур Стандартда материал айланма маблағла захираларини сотиш харажатлари уларнинг оқилон қийматидан чегирилган ҳолда ҳисобга олинган мате риал айланма маблағлар захираларининг баланс қий матини ҳамда давр харажатлари сифатида тан олин ган барча материал айланма маблағлар захираларини ҳар қандай ҳисобдан чиқариш суммасининг очиб бе рилиши ҳақида талаблар ҳам бор.

Давлат секторида материал айланма маблағлар за хираларига: ҳарбий аслаҳа-анжомлар; истеъмол қили надиган захиралар; таъмирлаш ва хизмат кўрсатишд сарфланадиган материаллар; «Асосий воситалар» стан

дартида кўрсатиб ўтилмаган асосий воситалар учун эҳтиёт қисмлар; материал айланма маблағларнинг стратегик захиралари (масалан, энергоресурс захиралари); муомалага чиқарилмаган қоғоз пул захиралари; сотишга мўлжалланган почта ашёлари (масалан, почта маркалари); тугалланмаган ишлаб чиқариш, шу жумладан, ўқув ва йўриқнома материаллари ҳамда мижозга хизмат кўрсатиш (масалан, аудиторлик хизматлари); сотишга мўлжалланга ер/мулк киради.

«Ижара»
13-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни ижаранинг барча турлари ҳисобини олиб бориш учун қўллаши лозим.

Мазкур Стандартнинг мақсади молиявий ва операцион ижарага нисбатан ижарачи ва ижарага берувчи фойдаланиши учун тегишли ҳисоб сиёсатини ва маълумотларни очиб беришни аниқлашдан иборат.

Ижара таърифи активга эгалик қилиш ҳуқуқини сотиб олиш имкониятини ижарага олувчига берилишини таъминлайдиган келишилган шартларнинг бажарилиши бўйича қоидалар кўзда тутилган активни прокатга (ижарага) бериш шартномаларини ўз ичига олади. Бундай шартномалар баъзан бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан харид қилиш шартномалари деб ҳам номланади.

Ижара – бу ижарага берувчи ижарачига тўлов ёки бир қатор тўловлар эвазига келишилган муддатга активдан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган келишув.

Мазкур Стандартда молиявий ижарадан олинган ялпи молиявий даромад ҳисобини юритиш тартиби баён қилиб берилган.

Молиявий ижара – бу активга эгалик билан боғлиқ бўлган барча таваккалчиликни ва олинадиган ҳақни сезиларли даражада ўтказиб берадиган ижарадир. Эгалик ҳуқуқи охир-оқибатда берилиши ёки берилмаслиги мумкин.

Ижарага берувчилар операцион ижарага берилган активларни активнинг хусусиятига кўра ўзларининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларида кўрсатишлари лозим.

Операцион ижарадан олинган ялпи даромад ижара муддати давомида бир маромда ялпи даромад сифатида тан олинищи лозим.

«Ҳисобот санасидан кейин содир бўлган ҳодисалар» 14-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни ҳодисаларнинг ва ҳисобот санасидан кейин содир бўлган ҳодисаларнинг ҳисобини олиб бориш ва очиб бериш учун қўллаши лозим.

Мазкур Стандартнинг мақсади институционал бирлик ўзининг молиявий ҳисоботини ҳисобот санасидан

кейин содир бўлган ҳодисалар бўйича қачон ўзгартириш қилиши зарурлиги ҳамда молиявий ҳисобот нашр қилиш учун тасдиқланган санаси тўғрисида ва ҳисобот санасидан кейин содир бўлган ҳодисалар тўғрисида институционал бирлик бериши лозим бўлган маълумотларни очиб бериш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатишдир.

Мазкур Стандарт, агар ҳисобот санасидан кейин содир бўлган ҳодисаларда фаолиятнинг узлуксизлиги ҳақидаги тахминни қабул қилиб бўлмаслигига кўрсатма бўлса, у ҳолда институционал бирлик ўзининг молиявий ҳисоботини фаолиятининг узлуксизлиги ҳақидаги фараз асосида тайёрламаслигини талаб қилади.

Ҳисобот санасидан кейин содир бўлган ҳодисалар - ҳисобот санаси билан молиявий ҳисоботни нашр қилиш учун рухсат олинган сана орасида рўй берадиган қулай ва ноқулай ҳодисалардир.

Ҳисобот санасидан кейин содир бўлган ҳодисаларни: (1) ҳисобот санасида мавжуд бўлишига шароитлар борлигига кўрсатма бўлган ҳодисалар (ҳисобот санасидан кейин ўзгартириш қилинадиган ҳодисалар) ва (2) ҳисобот санасидан кейин келиб чиқишига шароитлар борлигига кўрсатма бўлган ҳодисалар (ҳисобот санасидан сўнг ўзгартириш қилинмайдиган ҳодисалар) турларига ажратиш мумкин.

Ҳисобот санаси - бу молиявий ҳисобот тегишли бўлган ҳисобот даврининг охирги куни санаси.

«Молиявий воситалар (молиявий инструментлар): маълумотларни очиб бериш ва тақдим этиш» 15-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни молиявий воситалар (молиявий инструментлар) бўйича маълумотларни тақдим этиш ва очиб бериш учун қўллаши лозим.

Мазкур Стандартнинг мақсади молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг баланс ва балансдан ташқари молиявий воситаларни (молиявий инструментлар) давлат бошқарув органларининг институционал бирликларини ва давлат секторининг бошқа институционал бирликнинг молиявий ҳолати, натижалари ва пул маблағлари оқими учун қанчалик аҳамиятлилигини тушунишини чуқурлаштиришдан иборат.

Мазкур Стандарт балансдаги молиявий воситалар (молиявий инструментлар) ҳақида маълумотларни тақдим этиш бўйича маълум талаблар қўяди ва балансдаги (тан олинган), шунингдек, балансдан ташқаридаги (тан олинмаган) молиявий воситалар (молиявий инструментлар) бўйича очиб берилиши керак бўлган маълумотларни аниқлайди. Стандартларда маълумотларни тақдим этиш бўйича молиявий воситаларнинг (молиявий инструментларнинг) қарзлар ва соф актив/капитал бўйича таснифи, иштирокнинг боғлиқ улушлари таснифи, дивидендлар, даромадлар ва харажатлар, шунингдек, молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар ўзаро ҳисобга олиниши лозим бўладиган шартлар таснифи берилади.

Молиявий восита (молиявий инструмент) — бу бир институционал бирликнинг молиявий активини ва бошқа институционал бирликнинг молиявий мажбурияти ёки капитал воситасининг пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай шартнома.

Молиявий мажбурият – бу шартнома бўйича бошқа институционал бирликка пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни етказиб бериш ёки бошқа институционал бирлик билан фойдали бўлмаган шартлар асосида ҳам молиявий воситалар (молиявий инструментлар) билан алмашиш вужудга келадиган ҳар қандай мажбурият.

Мазкур Стандартдаги мавжуд маълумотларни очиб беришга қўйилган талабларнинг мақсади балансдаги ва балансдан ташқаридаги молиявий воситаларнинг институционал бирликнинг молиявий ҳолатига, унинг молиявий фаолияти натижаларига ва пул маблағларининг ҳаракатига таъсирини тушунишга кўмаклашадиган, шунингдек, бу воситалар билан боғлиқ келажакдаги пул маблағлари оқимларининг аниқлигини ва вақт бўйича тақсимланганлигини, катталигини баҳолашга ердам берадиган маълумотларни тақдим этишдан иборатдир.

«Инвестицияланган мулк» 16-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Мазкур Стандартнинг мақсади инвестицияланган мулк учун ҳисоб юритиш тартибини ва маълумотларни очиб бериш билан боғлиқ бўлган талабларни белгилаб беришдан иборатдир.

Инвестицияланган мулк – рентадан даромад олиш учун ёки капитал қийматини ошириш учун ёки иккаласи учун ҳам эгалик қилинаётган мулк (ер ёки бино ёки бинонинг бир қисми- ёки иккаласи ҳам). Бунга

ишлаб чиқаришдаги, товарлар ва хизматлар етказиб беришдаги ёки маъмурий мақсадларда фойдаланишдаги ҳамда оддий операциялар жараёнида сотувдаги мулк кирмайди. Айрим ҳолатларда, давлат сектори институционал бирликлари ижара ҳақи олиш ва капиталнинг кўпайишидан даромад олиш учун мулкка эгалик қилиши мумкин.

Инвестицияланган мулк фақат инвестицияланган мулк билан боғлиқ ҳолда институционал бирликка келажакда иқтисодий нафни ёки сервис имконияти нинг келиш эҳтимоли мавжуд бўлганда ҳамда инвестицияланган мулк қийматини ёки оқилона қиймати ни ишонарли баҳолаш мумкин бўлганда актив ҳисобланиши лозим.

«Асосий воситалар» 17-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни асосий воситаларни (махсус ҳарбий асбоб-ускуналарни ва инфратузилма активларини ҳам қўшган ҳолда) ҳисобга олиш учун қўллаши лозим.

Мазкур Стандартнинг мақсади молиявий ҳисоботнинг фойдаланувчилари институционал бирлик ўзининг асосий воситаларига қилган инвестициялари ҳақида ва бу инвестициядаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни ажратиб олишларига кўмаклаша ола-

ниган асосий воситаларнинг ҳисобини олиб бориш тартибини белгилаб беришдан иборатдир.

Мазкур Стандарт институционал бирликка демонтаж, активни асосий воситалар элементи сифатида чиқариб кетиш ва тиклаш бўйича харажатларини, актив сотиб олинаётганда ва кейинги даврларда фойдаланилаётганда юзага келадиган мажбуриятларни (фақат у материал айланма маблағлар ишлаб чиқариш учун ишлатилмаса) баҳолаш харажатларига киритишни талаб қилади.

Баланс қиймати (мазкур Стандарт контекстида) актив қийматидан ҳар қандай йиғилган амортизация қиймати ва қадрланишидан йиғилган зарар айириб ташлангандан кейин қолган қийматдир.

Оқилона қиймат – бу активни айирбошлаш ёки яхши хабардор, ҳақиқатдан ҳам бу битимни амалга оширишни хоҳлайдиган бир-биридан шартли мустақил бўлган тарафларнинг мажбуриятларини бажариш учун етарли сумма.

Инфратузилма активлари асосий воситалар таърифига тўғри келади ва ушбу стандартга асосан ҳисобга олиниши лозим. Инфратузилма активларига йўл тармоқлари, канализация тармоқлари, сув ва электроэнергия тизими ва маълумотлар узатиш тармоқлари кабиларни киритиш мумкин.

«Сегмент бўйича ҳисобот» 18-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни сегмент маълумотларини тақдим этишда қўллаши лозим.

Мазкур Стандартнинг мақсади сегментлар бўйича молиявий маълумотларни ҳисоботда тақдим этиш принципларини белгилашдан иборатдир.

Сегмент - бу ажратиладиган фаолият ёки фаолият турлари гуруҳи бўлиб, унинг учун ўтган даврлар мобайнида институционал бирлик томонидан ўз мақсадларига эришганлигининг самарадорлигини баҳолаш ва келажакда захираларни жойлаштириш бўйича қарор қабул қилиш учун молиявий маълумотлар бўйича алоҳида (қўшимча) ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш маъқул ҳисобланади.

Институционал бирлик ҳар бир сегмент учун сегмент даромадлари ва сегмент харажатларини очиб бериши лозим. Бюджет ажратмалари ва шунга ўхшаш тақсимотлар бўйича сегмент даромадлари, бошқа ташқи манбалардан сегмент даромадлари ва бошқа сегментлар билан боғлиқ операциялардан сегмент даромадлари ҳисоботда алоҳида кўрсатилиши лозим.

Институционал бирлик ҳар бир сегмент учун сегмент активларининг ялпи баланс қийматини очиб бериши лозим.

Институционал бирлик ҳар бир сегмент учун сегмент мажбуриятларининг ялпи баланс қийматини очиб бериши лозим.

Институционал бирлик ҳар бир сегмент учун бир даврдан кўп муддат давомида фойдаланиши кутилаётган сегмент активларини сотиб олиш учун давр мобайнида қилган умумий харажатларини очиб бериши лозим.

«Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» 19-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларнинг бухгалтерия ҳисобини олиб боришда қўллаши лозим.

Мазкур Стандартнинг мақсади захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларга таъриф бериш, бу резервларнинг тан олиниши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш, уларнинг қандай ўлчанишини белгилаш ва улар бўйича қандай маълумотлар очиб берилиши кераклигини аниқлаш ҳисобланади. Мазур Стандартда, шунингдек, маълумотлардан фойдаланувчиларга ёрдам сифатида шартли мажбуриятлар ва шартли активларнинг характерлари, муддатлари ва суммаларининг тушунарли бўлиши учун молиявий ҳисоботларга қилинган изоҳларда шартли мажбуриятлар ва шартли активлар тўғрисидаги маълум маълумотлар очиб берилиши бўйича талаблар мавжуд.

Шартли актив – бу ўтган ҳодисалар асосида вужудга келадиган, институционал бирликнинг тўлиқ назорати остида бўлмаган, мавжудлиги фақат келажакда бир ёки ундан ортиқ ҳодисалар рўй берса ёки рўй бермаса тасдиқланадиган, бўлиши мумкин бўлган активдир.

Шартли мажбурият – бу ўтган ҳодисалар асосида вужудга келадиган, институционал бирликнинг тўлиқ назорати остида бўлмаган, мавжудлиги фақат кела-

жакда бир ёки ундан ортиқ ҳодисалар рўй берса ёки рўй бермаса тасдиқланадиган, бўлиши мумкин бўлган мажбуриятдир.

Мажбурият – бу ўтган ҳодисалар натижаси бўлган уларни тўлаш (қайтариш) институционал бирликдан сервис имконияти ёки иқтисодий наф кўринишидаги ресурсларнинг кетишига олиб келиши кутилаётган институционал бирликнинг жорий мажбуриятларидир.

Захира (мазкур Стандарт контекстида) – бу муддати ёки суммаси ноаниқ мажбурият.

«Алоқадор томонлар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш» 20-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Молиявий ҳисоботни ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни алоқадор томонлар билан муносабатлар ва алоқадор томонлар билан маълум операциялар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш учун қўллаши лозим.

Мазкур Стандартнинг мақсади назорат қилиш мавжуд бўлганда алоқадор томонлар билан муносабатларнинг борлиги тўғрисидаги маълумотларни очиш ва маълум вазиятларда институционал бирлик билан алоқадор томонлар ўртасидаги операциялар тўғрисидаги маълумотларни очиш бўйича талабларни киритишдан иборатдир.

Молиявий ҳисоботни ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик бу стандартни алоқадор томонлар ўртасидаги му-

посабатлар ва маълум операциялар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш учун қўллаши лозим.

Алоқадор томон – агар бир томон бошқа томонни молиявий ва операцион қарорларни қабул қилишда назорат қилишга ёки сезиларли таъсир кўрсатишга имконияти мавжуд бўлса, ёки алоқадор томон институционал бирлиги ва бошқа институционал бирлик умумий назорат объекти ҳисобланса. бундай томонлар алоқадор сифатида қабул қилинади.

Сезиларли таъсир (мазкур Стандарт контекстида) – бу назорат ҳуқуқига эга бўлмасдан туриб институционал бирликнинг молиявий ва операцион қарорлар қабул қилиш сиёсатида иштирок этиш ваколати.

«Пул маблағларини вужудга келтирмайдиган активларнинг қадрсизланиши» 21-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт талаблари давлат корпорацияларидан ташқари давлат секторининг барча институционал бирликларига тааллуқлидир.

Бухгалтерия ҳисоби учун молиявий ҳисоботни ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик бу стандартни пул маблағларини вужудга келтирмайдиган активларнинг қадрсизланиши ҳисоби учун қўллаши лозим.

Мазкур Стандартнинг мақсади пул маблағларини вужудга келтирмайдиган активларнинг қадрсизланишини ва қадрсизланишидан кўрилган зарарларни тан олишни таъминлаш учун институционал бирлик қўллайдиган процедураларни белгилаш ҳисобланади.

Мазкур Стандарт ўз ичига фойдаланиш доирасида пул маблағларини вужудга келтирмайдиган номод-

дий активларни ҳам олади. Институционал бирликлар мазкур Стандарт талабларини номоддий активларга алоқаси бўлган, пул маблағларини вужудга келтирмайдиган, қадрсизланишдан зарарларни ва қадрсизланишдан кўрилган зарарларни тиклашни тан олиш ва ўлчаш учун қўллашади.

Пул маблағларини вужудга келтирадиган активлар – бу тижорат фойдасини яратиш учун институционал бирлик ихтиёрда мавжуд бўлган активлардир.

Қадрсизланиш – бу келажакдаги активнинг иқтисодий наф ёки сервис имкониятини доимий тан олинишидан юқори бўлган даражада активнинг қадрсизланиши натижасида келажакдаги иқтисодий нафнинг ёки сервис имкониятининг йўқотилишидир.

Пул маблағларини вужудга келтирмайдиган активнинг қадрланишидан кўрилган зарарлар - бу активнинг баланс қийматини уни қоплайдиган сервис суммасидан ошиб кетадиган суммадир.

Пул маблағларини вужудга келтирмайдиган активлар – бу пул маблағларини вужудга келтирадиган актив ҳисобланмайдиган активлардир.

Пул кўринишида бўлмаган маблағларни вужудга келтирадиган актив, агар активнинг баланс қиймати уни қоплайдиган сервис суммасидан катта бўлса, қадрсизланади. Қадрсизланишдан потенциал зарар белгисининг йўқлиги ҳолатида, ушбу стандарт институционал бирликдан қопланадиган сервис суммасининг формал баҳоланишини ўтказишни талаб қилмайди.

Институционал бирлик ҳар бир ҳисобот санасида активнинг қадрсизланиши мумкинлиги белгилари мавжудлигини баҳолаши лозим. Бунақа ҳар қандай белгининг мавжудлигида, институционал бирлик активнинг қопланадиган сервис суммасини баҳолаши лозим.

«Давлат бошқарув сектори тўғрисидаги молиявий маълумотларни очиб бериш» 22-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандартнинг мақсади ўзининг йиғма (жамланма) молиявий ҳисоботларида давлат бошқарув сектори тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилишга қарор қилган давлат бошқарув органлари учун маълумотларни очиб бериш бўйича талабларни белгилашдан иборатдир.

Мазкур Стандарт давлат бошқарув сектори ҳақида маълумот тайёрлаш ва бериш бўйича талабларни ўрнатади.

Мазкур Стандарт фақат давлат бошқарув органлари йиғма (жамланма) молиявий ҳисоботига нисбатангина қўлланилади.

Молиявий ҳисоботда давлат бошқарув сектори тўғрисидаги маълумотларни мазкур Стандарт белгилаган талаблар асосида очиб бериш талаб қилинади.

Давлат бошқарув сектори молиявий ҳисобот статистика негизлари таърифларига мувофиқ давлат бошқарув тизимининг барча ташкилий институционал бирликларидан ташкил топади.

Молиявий ҳисобот статистик негизлари доирасида давлат секторига давлат бошқаруви сектори, давлат молиявий корпорациялар сектори ва давлат номолиявий корпорациялар сектори киради.

Мазкур Стандарт молиявий ҳисоботда акс эттирилган активларнинг, мажбуриятларнинг, даромадларнинг ва харажатларнинг асосий синфлари ҳамда пул маблағлари оқимлари тўғрисидаги маълумотларнинг очиб берилишини талаб қилади.

«Айирбошлашга тааллуқли бўлмаган операциялардан ялпи даромад (солиқлар ва трансфертлар)» 23-ДСБҲХСнинг мақсади ва талаблари

Мазкур Стандарт давлат корпорациялари ҳисобланмайдиган давлат секторининг барча институционал бирликларида қўлланилади.

Ҳисоблаш методи бўйича молиявий ҳисоботни тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни айирбошлашга тааллуқли бўлмаган операциялардан даромадларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда қўллаши лозим.

Мазкур Стандартнинг мақсади институционал бирликлар комбинациясининг пайдо бўлишига олиб келадиган айирбошлашга тааллуқли бўлмаган операциялардан фарқ қиладиган айирбошлашга тааллуқли бўлмаган операциялардан келиб чиқадиган ялпи даромад учун молиявий ҳисобот бўйича талабларни белгилашдан иборатдир.

Айирбошлаш операциялари бир институционал бирлик активларни ёки хизматларни олади ёки мажбуриятларни қоплайдиган ва бевосита тахминий қийматини (асосан пул маблағлари, товарлар, хизматлар ёки активлардан фойдаланиш шаклида) бошқа институционал бирликка алмашадиган операцияларни билдиради.

Айирбошлашга тааллуқли бўлмаган операциялар бу айирбошлаш операциялари ҳисобланмайдиган операциялардир. Айирбошлашга тааллуқли бўлмаган операцияда институционал бирлик ёки бошқа институционал бирликка тахминан шундай қийматли нарсани ўрнига бевосита бермасдан институционал бирликдан тегишли қийматни олади ёки бошқа институцио-

нал бирликка тахминан шундай қийматли нарсани ўрнига бевосита олмасдан институционал бирликка тегишли қийматни беради.

«Молиявий ҳисоботда бюджет маълумотларини тақдим этиш» 24-ДСБҲҲСнинг мақсади ва талаблари

Молиявий ҳисоботни ҳисоблаш методи бўйича тайёрлайдиган ва тақдим этадиган институционал бирлик мазкур Стандартни қўллаши лозим.

Мазкур Стандарт давлат корпорациялари ҳисобланмайдиган, ўзининг тасдиқланган бюджетини жамоатчиликка очиб беришга мажбур ёки очиб беришга қарор қилган давлат сектори институционал бирликларига нисбатан қўлланилади.

Мазкур Стандарт ўзининг тасдиқланган бюджетини жамоатчиликка очиб беришга мажбур ёки очиб беришга қарор қилган ҳамда шунинг учун институционал бирликлар жамоатчилик олдида ҳисоб берадиган институционал бирликларнинг молиявий ҳисоботига киритилиши керак бўлган бюджет суммаларини бюджет ижросидан келиб чиқадиган ҳақиқий суммалар билан солиштиришни талаб қилади. Мазкур Стандарт, шунингдек, бюджет суммалари билан ҳақиқий суммалар ўртасидаги жиддий фарқларнинг сабабларини очиб беришни ҳам талаб қилади.

Мазкур Стандарт бошланғич бюджет билан якуний бюджет ўртасидаги фарқларнинг сабабларини эълон қилинаётган маълумотларни очиб беришни ҳам талаб қилади. Бунда, бу фарқлар бюджетлар ўртасида маблағларнинг қайта тақсимланишидан ёки сиёсий ўзгаришлар, табиий офатлар ёки бошқа кўзда тутил-

маган ҳодисалар каби бошқа факторлар ҳисобидан келиб чиққанлигини тушунтириш талаб қилинади.

8. «КАССА МЕТОДИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ» ДСБҲХСНИНГ МАҚСАДИ ВА ТАЛАБЛАРИ

Мамлакатда давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ҳисоблаш методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари»га тўла мос келишига эришгунга қадар ўтиш босқичи сифатида давлат секторида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишнинг «Касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот» ДСБҲХСга мос келишига эришиш зарур бўлади.

Бунинг учун «Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими» тўла амал қилгунга қадар давлат бошқарув секторига кирувчи давлат функцияси билан шуғулланувчи, давлат томонидан назорат қилинадиган ва давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар (бюджет ташкилотлари) тегишли ҳисоботларни касса методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти» билан маълум даражада мослаштирилган ва «Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2001» бўйича таснифланган ахборотларни тақдим этишга ўта бошлаши керак бўлади. «Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими» (ДМБАТ) тўла амал қила бошлагандан сўнг давлат бюджети ижросида қатнашувчи барча институционал бирликларнинг молиявий ҳисоботларини касса методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти»га мувофиқлаштириш таъминланган бўлиши керак.

Касса методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти»га мос равишда давлат секторида бухгалтерия ҳисобини юритишга ва молиявий ҳисоботни тузишга ўтиш учун ҳар бир мамлакат:

(1) ўзининг касса методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби стандарти»ни ишлаб чиқиши;

(2) ўзининг касса методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби стандарти»га мос равишда давлат бошқарув секторига кирувчи давлат функцияси билан шуғулланувчи, давлат томонидан назорат қилинадиган ва давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда (бюджет ташкилотларида) бухгалтерия ҳисобини юритишга доир тегишли йўриқномани ишлаб чиқиши;

(3) давлат бошқарув секторига кирувчи давлат функцияси билан шуғулланувчи, давлат томонидан назорат қилинадиган ва давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда (бюджет ташкилотларида) бухгалтерия ҳисобининг касса методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби стандарти»га мос равишда юритишга ўтишга доир тегишли қарорни қабул қилиши;

(4) давлат бошқарув секторига кирувчи давлат функцияси билан шуғулланувчи, давлат томонидан назорат қилинадиган ва давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларда (бюджет ташкилотларида) бухгалтерия ҳисобининг касса методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби стандарти»га мос равишда юритишга доир ўқув қўлланмани тайёрлаши;

(5) давлат бошқарув секторига кирувчи давлат функцияси билан шуғулланувчи, давлат томонидан назорат қилинадиган ва давлат бюджетидан молиялаш-

тириладиган ташкилотларда (бюджет ташкилотларида) бухгалтерия ҳисобининг касса методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби стандарти»га мос равишда бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтиш масалалари бўйича қайта ўқитишни ташкил қилиш лозим.

«Касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот» ДСБҲХС, асосан, йиллик молиявий ҳисоботларга нисбатан қўлланилади. Бу стандарт икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида касса методи асосида молиявий ҳисобот тайёрловчи институционал бирликлар учун тегишли мажбурий талаблар ўрнатилган. Бу қисмда бухгалтерия ҳисобининг касса методига таъриф берилган, ҳисобот форматлари аниқланган ва маълумотларни очиб бериш бўйича тегишли талаблар ўрнатилган.

Мазкур Стандартга мувофиқ ҳисоботни тақдим этадиган барча давлат сектори институционал бирликлари муайян стандартнинг биринчи қисмида ўрнатилган талабларга албатта риоя қилишлари керак.

Мазкур Стандартнинг иккинчи қисмида давлат сектори институционал бирликлари томонидан қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлган қўшимча ҳисоб сиёсати ва маълумотларнинг очиб берилишига доир талаблар аниқланган. Бу қисмда активлар, мажбуриятлар ва алоқадор томонлар билан операциялар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш бўйича қўшимча қўлланмалар берилган. Шу билан бирга ҳисоблаш методи бўйича бухгалтерия ҳисобига ўтиш нияти бўлган институционал бирликлар учун тегишли тавсиялар ҳам берилган.

Мазкур Стандартга мувофиқ ҳисоботни тақдим этадиган барча давлат сектори институционал бирликлари муайян стандартнинг иккинчи қисмида ўрнатилган талабларга албатта риоя қилиши шарт эмас.

Мазкур Стандартнинг мақсади бухгалтерия ҳисобининг касса методига мувофиқ кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибини ўрнатиш ҳисобланади. Бундай тартиблар давлат бошқарув сектори институционал бирлигининг пул тушумлари, пул тўловлари ва пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар беришга мажбурлигидан келиб чиқиб ўрнатилган. Бу эса институционал бирликнинг имкониятини баҳолаш, келажакда етарли пул маблағларини йиғиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни олишни ҳамда унинг пул маблағларининг бўлиши мумкин бўлган манбаларини ва улардан кейинчалик фойдаланиш имкониятини баҳолашни таъминлайди. Институционал бирликнинг пул ресурсларини жойлаштириш ва фаолиятининг барқарорлиги ҳақида қарор қабул қилинганда ва баҳоланганда маълумотлардан фойдаланувчилар пул тушумларининг ва пул тўловларининг муддатлари ва ишончлилиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши керак бўлади.

Мазкур Стандартнинг талаблари ва тавсияларига мувофиқ ҳисоботларни тузиш институционал бирлик пул тушумлари, пул тўловлари ва пул маблағларининг қолдиқлари бўйича молиявий ҳисоботнинг ёрқинлигини чуқурлаштиради. Бу яна муайян институционал бирликнинг аввалги даврга тузилган молиявий ҳисоботларини ва бухгалтерия ҳисобини юритиш учун касса методини қабул қилган бошқа институционал бирликларнинг молиявий ҳисоботлари билан солиштириш мумкинлиги даражасини оширади.

Мазкур Стандартнинг талаблари кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган йиллик молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишга тааллуқлидир.

Бухгалтерия ҳисоби (ДСБҲХС контекстида) - маълум бир институционал бирлик (давлат бошқарув секторига кирувчи институционал бирлик) тўғрисида молиявий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш ва молиявий ҳисобот шаклида институционал бирликнинг молиявий ҳолатига қизиқувчи фойдаланувчиларга (солиқ тўловчилар, қонунчилик органлари аъзолари, кредиторлар, оммавий ахборот воситалари ва муайян институционал бирлик ходимлари) маълумотни етказиб беришни амалга оширадиган маълумот тизими ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобини муайян институтционал бирлик фаолияти билан барча қизиқувчи фойдаланувчиларнинг институционал бирлик фаолияти тўғрисидаги маълумотга бўлган эҳтиёжини энг кам сарф-харажатлар билан қондирилишини таъминлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса маълумотдан фойдаланувчиларнинг институционал бирлик тўғрисидаги маълумотларни олиш учун қилган харажатлари уларнинг олган маълумотларидан фойдаланиб тегишли қарорларни қабул қилишдан кўрган иқтисодий нафидан ёки сервис имкониятидан кам бўлиши керак. Бухгалтерия ҳисоби қарорларни қабул қилиш учун унинг маълумотларидан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда юритилиши лозим. Демак, бухгалтерия ҳисоби иқтисодий қарорларни қабул қилишда маълумотдан фойдаланувчиларга энг юқори иқтисодий наф ёки сервис имконияти келтирадиган муайян институционал бирлик тўғрисидаги молиявий маълумот билан таъминлаш каби хаётий муҳим вазифани бажаради.

Бухгалтерия ҳисоби институционал бирлик фаолияти ва қарорларни қабул қилувчи шахслар орасида боғловчи бўғин бўлиб ҳисобланади. *Биринчидан*, бух-

галтерия ҳисоби институционал бирлик фаолиятини кейинчалик фойдаланиш мақсадида у тўғрисида маълумотларни рўйхатга олиш йўли билан ўлчайди. *Иккинчидан,* маълумотларни муайян маълумотлардан фойдаланувчилар учун керак бўлган вақт давомидагина сақлайди, сўнг наф келтирадиган маълумотга айлантириш учун унга ишлов беради.

Институционал бирлик фаолияти ҳақида маълумотлар бухгалтерия ҳисоби тизими учун дастлабки маълумот, «хом ашё» бўлса, қарорларни қабул қилувчи шахслар учун иқтисодий наф ёки сервис имконияти келтирадиган маълумот эса бухгалтерия ҳисобининг якуний маълумотидир.

Институционал бирлик фаолияти бўйича молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга мавжуд ва бўлғуси: ҳукумат ва унинг органлари, солиқ тўловчилар, қонунчилик органлари аъзолари, кредиторлар, мол етказиб берувчилар, оммавий ахборот воситалари ва муайян институционал бирлик ходимлари ҳамда жамоатчилик киради.

Мазкур Стандарт айрим олинган институционал бирликларнинг индивидуал ҳамда иқтисодий субъект томонидан умумий мақсадга эга бўлган йиғма молиявий ҳисоботларга татбиқ этилади. Бу Стандарт назорат қилувчи институционал бирлик томонидан тан олинадиган пул маблағларининг пул тушумлари ва тўловлари тўғрисида ҳисоботни тузишни ҳамда қабул қилинган ҳисоб сиёсатини ёритишни ва тушунтириш хатларини тақдим этишни ҳамда пул тушумлари ва тўловлари тўғрисида ҳисоботни ўзида ҳисобот бераётган институционал бирлик номидан учинчи томон тўлаган суммаларни ҳам очиб беришни талаб қилади.

Институционал бирликнинг молиявий ҳисоботи мазкур Стандартнинг барча талабларига мувофиқ тузилган бўлиши керак.

Бухгалтерия ҳисобининг касса методи - бу операциялар ва бошқа ҳодисалар институционал бирлик томонидан фақат пул маблағлари олинганда ёки тўланганда тан олинадиган бухгалтерия ҳисоби методидир. Пул маблағлари - нақд пул маблағлари, талаб қилиб олинадиган депозитлардаги омонатлар ва пул маблағларининг эквивалентларидан иборат бўлади. Пул маблағларининг эквивалентлари – бу маълум пул маблағларига тез ва осон алмаштириладиган ҳамда қийматидаги ўзгаришлар туфайли бўлиши мумкин бўлган хатари унчалик катта бўлмаган қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялардир. Бухгалтерия ҳисобининг касса методига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларда бу ҳисоботлардан фойдаланувчиларга ҳисобот санаси ҳолатига ўтган давр ичида йиғилган пул маблағларининг манбалари, пул маблағларидан фойдаланилиши ва пул маблағларининг қолдиқлари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади. Молиявий ҳисоботларда эътибор, асосан, маблағларнинг қолдиқларига ва улардаги ўзгаришларга қаратилади. Молиявий ҳисоботларга изоҳлар сифатида пассивлар (масалан, кредитор қарзлар ва олинганлар) ва айрим пул маблағлари бўлмаган активлар (масалан, дебитор қарзлар, инвестициялар ва асосий воситалар) тўғрисида қўшимча маълумотлар тақдим этилиши мумкин.

Пул маблағларининг эквивалентлари кўпроқ инвестиция ёки бошқа мақсадлар учун эмас, балки қисқа муддатли пуллик мажбуриятларни бажариш мақсадида сақланади. Инвестицияга пул маблағларининг эквиваленти сифатида баҳо бериш учун инвестиция маъ-

лум пул маблағларига тез ва осон алмаштирилишига тайёр ҳамда қийматидаги ўзгаришлар туфайли бўлиши мумкин бўлган хатари унчалик кўп бўлмаган бўлиши керак. Демак, инвестиция, одатда, пул маблағларининг эквиваленти сифатида фақат уни узиш қисқа муддатга эга, яъни уни сотиб олишдан бошлаб уч ой ёки ундан ҳам кам муддат ичида узиш (қайтариш) имкони бўлсагина ҳисобланади.

Банкдан олинган қарзлар, асосан, пул келишини кўпайтиради. Аммо, айрим давлатларда талаб қилиниши бўйича қайтарилиши керак бўлган банк овердрафтлари институционал бирликнинг пул маблағларини бошқариш тизимининг асосий қисмини ташкил қилади. Бундай ҳолатларда банк овердрафтлари пул маблағларининг таркибий қисми сифатида қўшилади. Банк тадбирларининг бундай ташкил қилинишининг характерли хусусияти шундан иборатки, бунда, банк қолдиғи ижобийдан ўрнатилган лимитдан юқоригача тебраниб туриш ҳолатлари содир бўлиши мумкин. Пул маблағларини ташкил қилган моддалар ўртасида уларнинг ҳаракати пул оқимига киритилмайди. Чунки улар институционал бирликнинг пул маблағлари кўпайиши ёки камайишини кўрсатмайди, балки унинг пул маблағларини бошқариш тизими бўлиб ҳисобланади. Пул маблағларини бошқариш ортиқча бўлган пул маблағларининг пул маблағлари эквивалентлари инвестициясига киритилади.

Пул маблағлари институционал бирлик томонидан назорат қилинади. Муайян институционал бирлик ўзининг мақсадларига эришиш учун пул маблағларидан фойдалана олса ёки бошқа йўллар билан пул маблағларидан наф олса ва бу нафларга бошқаларни қўймаслик тартибини йўлга сола олса, у ҳолда бу пул

маблағлари институционал бирлик томонидан назорат қилинади деб тушунилади. Институционал бирлик йиққан ёки унга ажратилган пул маблағларини институционал бирлик ўзининг операцион мақсадларини молиялаштиришга, асосий фондларни сотиб олишга ёки ўзининг қарзини тўлашга ишлата олса, бу маблағларни институционал бирлик назорат қилади деб тушунилади.

Институционал бирликнинг банкдаги ҳисобварағига қўйилган суммалар институционал бирлик томонидан назорат қилинади. Айрим ҳолларда, давлат бошқарув тизими институционал бирликнинг пул маблағларини:

(а) давлат бошқарув органи (ёки бошқа институционал бирлик) номидан йиғади ва давлат бошқарув секторининг йиғма даромадлар ҳисобварағига ёки бошқа ҳисобварағига ўтказиб берилгунга қадар ўзининг банкдаги ҳисобварағида сақлайди;

(б) давлат бошқарув органларининг номидан учинчи томонга ўтказиб беришдан аввал вакил қилинган олувчиларга ўтказгунга қадар уларни ўзининг банкдаги ҳисобварағига жойлаштиради.

Бу ҳолатларда институционал бирлик пул маблағларини ўзининг банкдаги ҳисобварағида пул маблағлари давлат бошқарув органи назорат қиладиган йиғма даромадлар ҳисобварағига ёки бошқа банк ҳисобварағига ўтказгунга қадар турган давр ичида назорат қилади. Шунинг учун ҳисобот санасига институционал бирликка тегишли бундай пул маблағлари қолдиқлари бўйича маълумотларни очиб бериш талаб қилинади. Чунки, бу пул маблағларидан муайян институционал бирликнинг фойдаланиш ҳуқуқи бўлмайди.

Баъзи давлатларда давлат идора органлари айрим департаментларнинг ва бошқа институционал бирликларнинг харажатларини кўпинча «ягона ҳисобварақ» методи деб номланадиган марказий ғазначилик функцияси томонидан бошқарилади. Бундай ҳолларда айрим департаментлар ва институционал бирликлар ўзларининг банкдаги ҳисобварақларини назорат қилмайди. Кўпинча, давлат идоралари органларининг пуллари марказий институционал бирлик томонидан давлат бошқарув тизимининг «ягона ҳисобварағи» ёки бир қанча шундай ҳисобварақлари орқали бошқарилади. Марказий институционал бирлик айрим департаментлар ва институционал бирликлардан тегишли ҳуқуқ ва ҳужжатлар олингандан сўнг уларнинг номидан тўловни амалга оширади. Бундан кейин айрим департаментлар ва институционал бирликлар уларга ажратилган ёки уларни харажат қилишга бошқа ҳуқуқлари бор пул маблағларни назорат қилмайди. Бундай ҳолатларда айрим департаментлар ёки институционал бирликлар қилган харажатлар ҳисоботларда «ғазна ҳисобварағи» деган алоҳида устунда акс эттирилади.

Айрим ҳолларда марказлаштирилган ғазначилик функциясини айрим департаментлар ва бошқа институционал бирликлар номидан тўловлар амалга ошириладиган банк ҳисобварағини назорат қилувчи институционал бирлик амалга оширади. Бундай ҳолларда бу банк ҳисобварақларидан ўтказишлар ва тўловлар айрим операцион департаментлар ва бошқа институционал бирликлар номидан маъмурий тартибда марказий институционал бирлик бошқарадиган пул тушумлари ва тўловлари акс эттирилади. Маъмурий тартибда бошқа институционал бирликлар номидан бошқараётган институционал бирлик ва бошланғич

молиявий ҳужжатларда тан олинган операцияларнинг натижаси бўлган пул тушумлари ва тўловларини ҳисоботда соф асосда акс эттириши мумкин.

Ҳисобот санасига институционал бирликка қарашли ва фойдаланиш учун институционал бирликнинг имконияти бўлмаган ҳамда ташқи чегаралаш предмети бўлган пул маблағлари қолдиқлари бўйича маълумотларни очиб бериш талаб қилинади.

Молиявий ҳисобот кўп сонли операцияларнинг ишланиши, уларнинг характери ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳларга ажратилиши натижаси бўлиб ҳисобланади. Уларнинг гуруҳланиш ва таснифланиш жараёнининг охирги босқичи бўлиб сиқилган ва таснифлаштирилган маълумотлар бўлади. Булар қатордаги моддалар ёки молиявий ҳисоботларнинг ичида ёки тушунтириш хатидаги маълумотларни ташкил қилади. Агар қатордаги модда унчалик муҳим бўлмаса, у ҳолда бу маълумот молиявий ҳисоботларнинг ичида ёки тушунтириш хатида бошқа моддаларга қўшилиб кетади. Қатордаги модда молиявий ҳисоботлар ичида алоҳида тақдим этилиши учун етарли даражада муҳим бўлмаса ҳам уни тушунтириш хатида алоҳида тақдим этиш учун етарли даражада муҳим бўлиши мумкин. Агар муайян маълумотнинг йўқлиги ёки бузиб кўрсатилиши бу молиявий ҳисобот асосида қарор қиладиган ёки баҳо бераётган шахслар томонидан қабул қилинадиган қарорга ёки баҳога таъсир қилиши мумкин бўлган маълумотлар муҳим маълумот бўлиб ҳисобланади. Муҳимлик модданинг характерига ёки ҳажмига ёки хатонинг қанчалик жиддийлигига боғлиқ бўлади. Бу маълумотнинг йўқлиги ёки нотўғри талқин қилинишининг аниқ шароити ҳисобга олинган ҳолда баҳо берилади. Булар натижасида олинган маъ-

лумот муҳим бўлиб чиқмаса, бу маълумотларни очиб бериш бўйича халқаро стандартларнинг талабларига амал қилиш мажбурий эмас деб ҳисобланади.

Институционал бирлик қуйидаги компонентларни ўз ичига олган кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаши ва тақдим этиши керак:

- пул тушумлари ва тўловлари тўғрисида ҳисобот (бунда (1) назорат қилинаётган институционал бирликнинг барча пул тушумлари, пул тўловлари ва пул маблағлари қолдиқлари тан олинади ва (2) институционал бирлик номидан учинчи томонлар амалга оширган тўловлар алоҳида аниқланади);

- ҳисоб сиёсатининг баёни ва тушунтириш хатлари.

Ҳисобот бераётган институционал бирлик касса методидан фарқ қиладиган метод асосида тайёрлаган маълумотларини очиб бермоқчи бўлганда, бундай маълумотлар молиявий ҳисоботларга тайёрланган тушунтириш хатларида очиб берилиши керак бўлади.

Кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган молиявий ҳисоботлар пул тушумлари ва тўловлари тўғрисида ҳисобот ва бошқа ҳисоботлардан иборат бўлади. Булар назорат қилинаётган институционал бирликларнинг пул тушумлари, тўловлари ва маблағлари қолдиқлари ҳақидаги қўшимча маълумотларини ҳамда тушунтириш хатларини ва ҳисоб сиёсати баёнини очиб беради. Ҳисобот бераётган назорат қилинаётган институционал бирлик томонидан тузилиши мумкин бўлган ўзининг пул тушумлари ва тўловлари тўғрисидаги ҳисоботида ёки бошқа ҳисоботларида пул тушумлари, пул тўловлари ва пул маблағларининг қолдиқларигина тан олинади. Институционал бирликнинг пул тушумлари ва тўловлари тўғрисидаги ҳисоботи назо-

рат қилинаётган институционал бирлик томонидан тан олинган барча пул тушумлари, пул тўловлари ва пул маблағларининг қолдиқлари ва институционал бирлик номидан учинчи томонлар амалга оширган тўловларни алоҳида қилиб, бўлиб акс эттиради.

Мазкур Стандарт пул тушумлари ва тўловлари тўғрисидаги ҳисоботда муайян институционал бирлик номидан учинчи томонлар амалга оширган айрим тўловлар бўйича маълумотларни очиб беришни талаб қилади. Бунда институционал бирликнинг пул тушумлари ва тўловлари тўғрисидаги ҳисоботи назорат қилинаётган институционал бирлик томонидан тан олинган барча пул тушумлари, пул тўловлари ва пул маблағларининг қолдиқлари ва муайян институционал бирлик номидан учинчи томонлар амалга оширган тўловларни алоҳида қилиб бўлиб аниқлаши бўйича стандарт талабига мос келмайдиган учинчи томонлар амалга оширган тўловлари муайян институционал бирлик томонидан тайёрланиши мумкин бўлган пул тушумлари ва тўловлари тўғрисидаги ҳисоботда ёки бошқа ҳисоботларда назорат қилинаётган институционал бирлик уларни пул тушумлари ва тўловлари сифатида тақдим этмайди.

Молиявий ҳисоботларнинг изоҳларига ҳисобот матнидаги тавсифлар ёки тафсилотларни ўз ичига олган графиклар ёки молиявий ҳисоботларда берилган суммаларнинг таҳлили ҳамда қўшимча маълумотлар киради. Институционал бирликлар бу изоҳларга мазкур Стандарт талаб қилган маълумотларни қўшади ва уларни очиб беради. Институционал бирликлар объектив маълумот олиш ва ҳисобот бериш бурчлилик даражасини ошириш учун зарур деб ҳисоблаган бошқа маълумотларни қўшишлари ва очиб беришлари мумкин.

Мазкур Стандарт ҳисобот бераётган институционал бирликка ўзининг кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган молиявий ҳисоботига, пул тушумлари ва тўловлари тўғрисидаги ҳисоботига қўшимча қилиб бошқа ҳисоботларни ҳам қўшишларига қаршилик қилмайди.

Кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларга институционал бирликлар қуйидаги ҳисоботларни ҳам қўшишлари мумкин:

- даромаларнинг йиғма фонди каби фондларнинг асосий категориялари учун пул тушумлари, пул тўловлари ва пул маблағлари қолдиқларини қайд қилиши;

- қарзларнинг манбалари ва жойланиши ҳамда пул маблағлари манбаларининг келиб чиқиши ва типлари тўғрисида қўшимча маълумотларни тақдим этиши мумкин.

Ҳар қандай қўшимча ҳисоботлар фақат назорат қилинаётган институционал бирликнинг пул тушумлари, пул тўловлари ва пул маблағлари қолдиқларини муайян институционал бирликнинг ўзи акс эттириши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг касса методидан фойдаланиб ҳисоботлар тузаётган институционал бирликлар кўпинча бу пул ҳисоби доирасида тан олинмаган моддалар бўйича маълумотлар йиғади. Йиғилиши мумкин бўлган маълумотлар типларининг намуналари қуйидаги маълумотларни ўз ичига олишлари мумкин:

- дебитор қарзлар, кредитор қарзлар, жалб қилинганлар ва бошқа қарзлар, пул бўлмаган активлар деб ҳисобланган даромадлар ва харажатлар;

- мажбуриятлар ва шартли мажбуриятлар;

- самарадорлик индикаторлари ва хизмат кўрсатиш бўйича мақсадларга эришиш.

Мазкур Стандартга мувофиқ кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаётган институционал бирликлар молиявий ҳисоботларнинг тушунтириш хатларида ҳисоботдан фойдаланувчилар учун фойдали бўлган маълумотларнигина очиб беришлари мумкин. Агар шунга ўхшаш очиб бериш қилинганда, бу очиб беришлар аниқ тавсиф бериши ва тушуниш учун енгил бўлиши керак. Бюджет билан солиштиришлар молиявий ҳисоботларнинг ўзида келтирилмаган бўлса, улар тушунтириш хатларига қўшилиши мумкин.

Мазкур Стандартнинг иккинчи қисми пул бўлмаган активлар ва пассивлар тўғрисидаги маълумотларни ва бюджет билан солиштиришларни кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларга қўшишни рағбатлантиради.

Ҳисоб сиёсати (давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари контекстида) — бу молиявий ҳисоботни тайёрлашда ва тақдим этишда институционал бирлик учун қабул қилинган аниқ принциплар, асослар, шартлар, қоидалар ва амалиётлар мажмуасидир.

Мазкур Стандарт ҳисобот берадиган институционал бирликлар муайян институционал бирликнинг ҳисобот даврининг бошига ва охирига бўлган пул маблағларининг қолдиқлари ҳақидаги маълумотларни, ҳисобот даврида пул тушумларининг ҳаммаси ва пул тўловларининг ҳаммаси ҳамда уларнинг асосий кичик таснифларини очиб берадиган пул тушумлари ва тўловлари тўғрисида ҳисоботни тақдим этади. Бу эса ҳисоботдан барча фойдаланувчилар учун ҳаммабоп ва тушунарли бўлган форматда ўтган давр ичида содир бўлган ўзгаришлар ва институционал бирликнинг пул

маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги атрофлича қамраб олинган маълумотлар бўлган барча молиявий ҳисоботларда мавжудлигига кафиллик беради.

Институционал бирликнинг пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш пул маблағлари солиқлардан, жарималардан, йиғимлардан ёки жалб қилинганлар ҳисобидан шаклланганми ва шу пул маблағлари операцион харажатларни қоплаш, капитал активлар сотиб олиш ёки қарзни тўлашга сарфланганлигини аниқлашга ёрдам беради ва шу билан бирга молиявий ҳисоботнинг масъулияти ва очиқойдинлигини оширади. Бундай очиб беришлар институционал бирликнинг пул ресурсларига ва келгусидаги унинг пулининг келиб тушиши доимийлигини ва мумкин бўлган манбаларини баҳолашга ва таҳлил қилишга имконият яратади.

Умумий пул тушумларини алоҳида-алоҳида кўрсатиш учун улар қуйидагича таснифланиши мумкин; (1) солиққа тортишдан ёки ажратмалардан келиб тушган тушумлар; (2) грантлар ва ҳадялар шаклида келиб тушган маблағлар; (3) асосий воситаларни сотишдан келиб тушган тушумлар; (4) жорий характерга эга бўлган бошқа хизматлар кўрсатиш ва савдо фаолиятидан келиб тушган пул маблағлари. Умумий пул тушумларини қайси муносабатлар билан пул тўлови қилинганлигини аниқлаш учун улар қуйидагича таснифланиши мумкин: (1) жорий характердаги хизматлар кўрсатилиши муносабати билан (компонентларга ёки бошқа ҳукуматларга ёки уларнинг институционал бирликларига берилган трансфертларни ҳам ҳисобга олган ҳолда); (2) қарзларни қисқартириш дастурларини амалга ошириш муносабати билан; (3) асосий воситаларни сотиб олиниши муносабати билан; (4) бошқа савдо фао-

лияти муносабати билан содир бўлган пул тушумлари. Умумий пул тушумлари уларнинг манбалари бўйича таснифланиши мумкин. Пул тўловлари эса тўловларнинг келиб чиқиш табиатлари бўйича ёки институционал бирликнинг фаолият доирасида бу тўловларнинг функциялари бўйича ёки дастур бўйича таснифланиши мумкин.

Пул тушумлари, пул тўловлари ва институционал бирликнинг пул маблағларининг қолдиқларини объектив қайд қилиш учун зарур бўлганда қатор моддалари, сарлавҳалар ва типик бўлмаган жамлар (жамланмалар) пул тушумлари ва пул тўловлари тўғрисидаги ҳисоботда қайд қилиниши керак. Қандай қатор моддалари, сарлавҳалар ва типик бўлмаган жамларни (жамланмаларни) ҳар бир кичик тасниф доирасида тақдим этиш кераклигини аниқланганда қуйидаги факторлар: фойдаланувчи учун маълумотларни очиб беришнинг муҳимлилик эҳтимолини аниқлаш ва молиявий ҳисоботларга ёзилган тушунтириш хатларида шунгача киритилган зарурий тушунтиришлар ва маълумотларни очиб бериш даражаси ҳисобга олинади.

Мазкур Стандартда маълумотларни очиб беришнинг қўшимча усуллари белгиланган. Институционал бирликнинг бу усулларни қўллаб молиявий ҳисоботларга ёзилган тушунтириш хатларида ёки молиявий ҳисоботнинг ўзида маълумотларни очиб бериши қўллаб-қувватланади.

Мазкур Стандарт пул тушумлари, пул тўловлари ва пул маблағларининг қолдиқлари бўйича ҳисоботни умумий асосда тақдим этишни талаб қилади. Давлат бошқарув органлари ва уларнинг департаментлари ва бу органларнинг бошқа институционал бирликлари маъмурий тартибда операцияларни бошқариши ва

бошқача тартибда бошқа томонлар номидан агент сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Шундай маъмурий тартибда бошқариладиган ва воситачилик операциялари бошқа институционал бирлик номидан даромадларни йиғиш, компонентлар номидан пулларни хавфсиз сақлаш ва маблағлар трансфертини қамраб олиши мумкин. Бундай фаолиятга мисол қилиб қуйидагиларни олиш мумкин:

(1) давлат бошқарув органларининг бир даражаси томонидан давлат бошқарув органларининг бошқа даражалари учун солиқларни йиғиши (бунга солиқларни бўлиш тўғрисидаги келишувнинг қисми сифатида ўзида сарфлаш учун қоладиган суммалар давлат бошқарув органлари томонидан йиғиладиган солиқларга киритилмайди);

(2) молиявий институтнинг талаби бўйича омонатларнинг қабул қилиниши ва тўланиши;

(3) инвестицион ёки траст институционал бирликлари мижозлари учун сақланаётган маблағлар;

(4) мулк эгалари номидан йиғилган ва кейин уларга тўланадиган рента;

(5) давлат бошқарув тизими департаментининг қонунчиликка ёки бошқа ҳуқуқларга тўғри келадиган, давлат бошқарув органлари номидан берилган ҳуқуқлар асосида учинчи томонларга трансфертлари;

(6) давлат бюджети харажатларини бошқариш учун «ягона ҳисобварақ» асосида марказий институционал бирлик маъмурий бошқарадиган маблағлар.

Кўпгина ҳолатларда бошқа томонлар учун агент сифатида маъмурий тартибда бошқариш учун институционал бирлик томонидан олинадиган пул маблағлари охирида пул маблағларини олувчилар учун очилган траст ҳисобварақларида ёки охирида пул маблағ-

лари олувчиларнинг ўзларининг бевосита банкдаги ҳисобварақларида жойлаштирилади. Бу ҳолатларда институционал бирлик маъмурий тартибда бошқариладиган операциялар бўйича олинган пул маблағларини назорат қилмайди. Шунинг учун бу маблағларнинг ҳаракатига доир маълумотлар институционал бирликнинг пул тушумлари, пул тўловлари ёки пул маблағлари қолдиқларини шакллантирмайди. Бошқа ҳолатларда, агент сифатида ҳаракат қилувчи назорат қиладиган институционал бирликнинг банк ҳисобварақларида келиб тушган пул маблағлари жойлаштирилади ва бу пул маблағларининг олиниши ва трансферти институционал бирликнинг пул тушумлари ва пул тўловлари тўғрисидаги ҳисоботида қайд қилинади.

Айрим ҳолатларда, ҳисобот берадиган институционал бирликнинг банк ҳисобварағи орқали ўтадиган маъмурий тартибда бошқариладиган операциялардан келиб чиқадиган пул оқими суммалари институционал бирликнинг ўз операцияларига маълум даражада алоқаси бўлиши мумкин ва охирида олувчиларга суммалар ўтказиб берилгунга қадар қисқа вақт ичидагина назоратни амалга ошириши мумкин. Бу тартиб бошқа пул оқимларига нисбатан ҳам тўғри бўлиши мумкин. Масалан, (1) инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш учун ҳамда (2) бошқа қисқа муддатли, қайтарилиш муддати уч ой ва ундан кам бўлган, жалб қилинишлар учун бўнаклар.

Бундай операцияларни ялпилик асосида тан олиш, институционал бирликнинг ўз фаолияти натижаси ҳисобланган пул тушумлари ва пул тўловлари тўғрисидаги маълумотларни етказиш, айрим давлат бошқарув тизимларининг молиявий ҳисоботлари қобилиятига путур етказилиши мумкин. Шунинг учун мазкур

Стандарт бошқа томонлар номидан маъмурий тартибда бошқариладиган институционал бирликнинг операцияларидан келиб чиқадиган ва пул тушумлари ва пул тўловлари тўғрисидаги ҳисоботида тан олинган ҳамда улар тез айланишга эга, катта суммалардаги ва қисқа муддат ичида қайтариладиган суммалар моддалари бўйича акс эттириладиган бўлса, пул тушумлари ва пул тўловлари тўғрисидаги ҳисоботларда соф асосда пул тушумлари ва пул тўловлари бўйича ҳисоботлар тузиш ва баланс қилиш имкониятини беради.

Иқтисодий субъект (давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари контекстида) — бу назорат қиладиган институционал бирлик ва бир ёки бир неча назорат қилинаётган институционал бирликларни ўз ичига олган институционал бирликлар гуруҳидир.

Агар ҳисобот даври давомида учинчи томон бевосита институционал бирликнинг мажбуриятларини тўласа ёки унинг учун товарлар ёки хизматларни сотиб олса, у ҳолда институционал бирлик пул тушумлари ва пул тўловлари тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида устунларда қуйидаги маълумотларни очиб бериши керак бўлади:

- иқтисодий субъектнинг қисми ҳисобланган учинчи томонлар амалга оширган умумий тўловлар шу иқтисодий субъектга тегишли бўлган ҳисобот бераётган институционал бирлик умумий тўловларининг манбалари ва уларнинг ишлатилишини кичик тасниф-лар бўйича алоҳида-алоҳида ажратиб тақдим этади ва бунда институционал бирликнинг операцияларига нисбатан ўринли бўлган тасниф базаси қўлланилади;

- иқтисодий субъектнинг қисми ҳисобланмаган учинчи томонлар амалга оширган умумий тўловлар шу

иқтисодий субъектга тегишли бўлган ҳисобот бераётган институционал бирлик умумий тўловларининг манбалари ва уларнинг ишлатилишини кичик тасниф-лар бўйича алоҳида-алоҳида ажратиб тақдим этади ва бунда институционал бирликнинг операцияларига нисбатан ўринли бўлган тасниф базаси қўлланилади.

Бундай очиб бериш фақат ҳисобот даври ичида институционал бирлик учинчи томондан ёки олувчидан шундай тўлов амалга оширилганлиги ҳақида расмий билдириш олса ёки бошқа йўл билан тўлов тасдиқлангандагина амалга оширилади.

Агар давлат бошқарув органлари ўзларининг айрим департаментлари ва бошқа институционал бирликларининг харажатларини марказлашган ғазначилик функциялари ёки «ягона ҳисобварақ» номли тадбирлар мажмуаси орқали бошқараётган бўлса, у ҳолда тўловлар, бу департаментлар ва институционал бирликлар номидан, департаментдан тегишли ваколат ва ҳужжатлар олингандан сўнг амалга оширилади. Бундай ҳолатларда департамент ёки бошқа институционал бирлик пул келиб тушишини, пул кетишини ва пул маблағлари қолдиқларини назорат қилмайди. Бунга қарамасдан, департамент ёки бошқа институционал бирлик унинг номидан амалган оширилган шундай тўловлардан наф кўради. Маълум давр давомида институционал бирлик фаолиятига давлат бошқарув органлари киритган пул ресурсларини аниқлашда молиявий ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланувчиларга бундай тўловларнинг суммасини билиш қўл келади. Аввал айтилганларга мувофиқ, департамент ёки бошқа институционал бирлик пул тушумлари ва пул тўловлари тўғрисидаги ҳисобот ичида алоҳида устунда унинг номидан марказлашган институционал бирлик

амалга оширган тўловлар суммалари ҳақида, харажатларга қилинган суммаларнинг манбалари ва ишлатилиши ҳақида департаментда ёки бошқа институционал бирликда қабул қилинган метод бўйича кичик таснифга мувофиқ тақдим этилиб ҳисобот беради. Маълумотларни бундай очиб бериш молиявий ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланувчиларга амалга оширилган тўловларнинг умумий суммасини ва бу тўловлар қандай мақсадларга мўлжалланганлигини аниқлаш имкониятини яратади. Молиявий ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланувчиларга бу тўловлар ажратилган маблағлар ҳисобидан қилинганми ёки умумий даромадлар ҳисобидан берилганми ёки махсус маблағлар фондлари ҳисобидан қилинганми ёки бошқа манбалар ҳисобидан қилинганми деган саволларга жавоб топиш имкониятини беради.

Айрим давлатларда давлат бошқарув тизими департаментлари ёки бошқа институционал бирликлар ўзларининг банк ҳисобварақлари билан ташкил қилиниши мумкин. Бу ҳолатларда улар маълум даражада пул келиб тушишини, пул кетишини ва пул маблағлари қолдиқларини назорат қилади. Бундай мамлакатларда давлат бошқарув органларининг директивалари ва йўриқномалари давлат бошқарув тизимининг бирор департаментидан ёки бошқа институционал бирлигидан бошқа департаментнинг ёки институционал бирликнинг маълум мажбуриятларини тўлашни ёки бошқа департамент ёки институционал бирлик номидан маълум товарлар ёки хизматларни сотиб олишни талаб қилиши мумкин. Аввал айтиб ўтилганларга мувофиқ, ҳисобот бераётган институционал бирлик пул тушумлари ва пул тўловлари тўғрисидаги ҳисобот ичида алоҳида устунда ҳисобот даври давомида унинг номи-

дан амалга оширилган бундай харажатларнинг суммаси, манбалари ва тайинланиши тўғрисида ҳисобот беради. Бу эса молиявий ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланувчиларга иқтисодий субъектнинг ҳисобот даври давомида ҳисобот бераётган институционал бирлик фаолиятига киритган умумий пул ресурсларини ҳамда бу пул ресурсларининг манбалари ва тайинланишини аниқлашга ёрдам беради.

Айрим ҳолларда, ҳисобот бераётган институционал бирлик муайян иқтисодий субъектнинг қисми бўлмаган учинчи томон институционал бирлик номидан товарлар ёки хизматларни сотиб олади ёки институционал бирликнинг мажбуриятларини тўлайди. Масалан, бош давлат бошқарув органи мустақил провинциал ёки муниципиал бошқарув органининг соғлиқни сақлаш ёки таълим соҳасидаги дастурининг амалга оширилишига хизмат кўрсатаётган томонларга бевосита тўлаб бериши, сотиб олиб бериши ва етарли пул маблағини бошқа бошқарув органига ўтказиб бериши мумкин. Шунга ўхшаш, ёрдам бериш бўйича бош давлат бошқарув органи ёки мустақил идора муайян бошқарув органига бевосита маблағ ажратиш ўрнига аниқ бошқарув органи учун йўл қурилиши харажатларини тегишли қурилиш фирмасига бевосита тўлаши мумкин. Бундай тўловлар грант бериш ёки бошқа ёрдам бериш йўли билан ёки қайтариш шарти билан кредит ва қарз бериш шаклида амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолатлар провинциал ёки муниципиал бошқарув органлари пул маблағларини (пул маблағлари эквивалентларини ҳам) тўғридан-тўғри олмайди ва бошқа институционал бирлик томонидан провинциал ёки муниципиал бошқарув органларига очилган банк ҳисобварағи ёки шунга ўхшаш во-

ситалар билан яратилган фойда устидан назорат қилишга эга бўла олмайди. Демак, шу йўллар билан унинг номидан тўланган суммалар мазкур Стандартда берилган «пул маблағлари» тушунчасини ташкил қилмайди. Лекин, улар номидан амалга оширилган пул тўловларидан давлат бошқарув органлари наф кўради.

Мазкур Стандарт талаби бўйича муайян институционал бирлик кирган иқтисодий субъектнинг қисми ҳисобланмайдиган учинчи томонлар муайян институционал бирлик учун амалга оширган харажатлар суммаси, манбалари ва тайинланиши ҳақида муайян институционал бирлик пул тушумлари ва пул тўловлари тўғрисидаги ҳисобот ичида алоҳида устунда ҳисобот бериши керак. Бу эса молиявий ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланувчиларга ҳисобот даври давомида муайян институционал бирлик фаолиятига киритилган умумий пул ресурсларини ва ҳисобот бераётган институционал бирлик кирган давлат бошқарув тизимининг қисми бўлмаган ва у учун бу ресурслар бошқа томонлардан ажратилаётганлиги даражасини аниқлаш имкониятини беради. Айрим ҳолларда, ҳисобот санаси келган вақтда ҳисобот даври давомида унинг номидан учинчи томонлар қандай тўловларни амалга оширганликларини муайян институционал бирлик билмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар институционал бирлик учинчи томон тўлови ҳақида расмий хабар берилмаганда ёки бошқа йўллар билан қутилаётган тўлов амалга оширилганлигини текшириш мумкин бўлмаганда содир бўлади.

Мазкур Стандартнинг талабига мувофиқ учинчи томон тўловни амалга оширганлиги ҳақида ҳисобот бераётган институционал бирлик расмий равишда

ҳисобот даври давомида хабардор қилинганда ёки муайян институтционал бирлик бошқа йўллар билан тўлов бўлганлигини аниқлагандагина касса тушумлари ва пул тўловлари тўғрисидаги ҳисобот ичида учинчи томон тўловлари очиб берилиши керак.

Кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларда берилган маълумотларнинг сифати бу маълумотларнинг ҳисоботдан фойдаланувчилар учун фойдалилиги билан аниқланади. Молиявий ҳисоботларга киритилган маълумотлар бир қанча сифат тавсифларига жавоб бериши керак. Маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилиши молиявий маълумотларнинг ўринлиги ҳамда ишончлигига таъсир қилиши мумкин. Ҳисобот даври давомида ҳисоб ёзувларини тўла ва аниқ юритилиши кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тайёрлаш учун энг муҳим аҳамият касб этади. Молиявий ҳисоботларнинг тушунтириш хатларида қўшимча маълумотларни очиб бериш тушунарли бўлиши ва молиявий ҳисоботнинг бошқа сифат тавсифларига жавоб бериши керак.

Ҳисобот санаси (ДСБҲХС контекстида) – бу молиявий ҳисобот тегишли бўлган ҳисобот даврининг охирги куни санаси. Фавқулодда ҳолатларда ҳисобот бераётган институционал бирлик ҳисобот циклини бюджет цикли билан мувофиқлаштириш мақсадида ҳисобот санасини ноилож ўзгартириши мумкин. Бундай ҳолларда ҳисобот санасини ўзгартириш сабабларини очиб бериш муҳим ҳисобланади ва молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни жорий даврда кўрсатилган суммаларни бошқа солиштириладиган суммалар билан солиштириб бўлмаслиги ҳақида хабардор қилиши ҳам муҳим ҳисобланади.

Одатда, молиявий ҳисоботлар кетма-кет бир йил давр учун тузилади. Лекин, мазкур Стандарт айрим институтционал бирликларнинг бошқа даврга (чорак, ярим йил) ҳам молиявий ҳисобот тузишига тўсқинлик қилмайди.

Ҳисобот санасидан кейин қабул қилса бўладиган давр давомида ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчиларга ҳисобот етказилмаса молиявий ҳисоботнинг фойдалилик даражаси камаяди. Институционал бирлик ўзининг молиявий ҳисоботларини ҳисобот санасидан кейин олти ой ичида матбуотда эълон қилиш имкониятига эга бўлиши керак. Лекин молиявий ҳисоботларни эълон қилиш ҳисобот санасидан кейин уч ойдан кечикмаслиги қатъий суратда тавсия қилинади. Кўпгина мамлакатларда қонунчилик ва қарорлар билан молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг аниқ муддатлари белгилаб қўйилади.

Молиявий ҳисоботларни нашр этиш учун қайта ишлашга кафолати бўлган алоҳида шахс ёки орган томонидан молиявий ҳисоботлар маъқулланган сана молиявий ҳисобот тасдиқланган сана ҳисобланади. Молиявий ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланувчилар учун муайян молиявий ҳисоботлар нашр этиш учун қачон тасдиқланганлигини билиш муҳим ҳисобланади. Чунки молиявий ҳисоботлар тасдиқланган санадан кейинги содир бўлган ҳодисаларни акс эттирмайди. Камдан-кам учрайдиган ҳолларда айрим шахслар ёки органлар молиявий ҳисобот нашр этилгандан сўнг ҳам молиявий ҳисоботларга ўзгартиришлар киритиш ваколатига эга бўлиши мумкин. Молиявий ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланувчилар бундай ҳолатлар ҳақида ҳам хабар топиши жуда муҳим ҳисобланади. Агар бундай ўзгариш қилинган бўлса, тўғри-

ланган молиявий ҳисобот молиявий ҳисоботларнинг янги комплекти бўлиб ҳисобланади.

Агар нашр қилинган молиявий ҳисоботлар доирасида операциялар институционал бирлик қайси мамлакат ҳудудида фаолият юритаётган бўлса, у ўзининг шу мамлакатдаги доимий жойлашган жойи ва юридик шакли, институционал бирлик амалга ошираётган операцияларнинг характери ва унинг асосий фаолияти, муайян институционал бирликни назорат қилувчи институционал бирликнинг номи ҳамда институционал бирликнинг операцияларини тартибга солувчи тегишли қонунчилик ҳужжати (агар шундай ҳужжат бўлса) очиб берилмаган бўлса, у ҳолда институционал бирлик ўзининг тушунтириш хатида бундай маълумотларни очиб беришга мажбурдир. Бу маълумотларни очиб бериш молиявий ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланувчиларга институционал бирлик амалга ошираётган операцияларнинг моҳиятини аниқлаш ҳамда муайян институционал бирлик фаолият кўрсатаётган ҳуқуқий ва институционал муҳитни тушуниш имкониятини беради. Бу эса институционал бирликнинг ҳисобот бериш мажбуриятини таъминлаш учун керак ва молиявий ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланувчиларга институционал бирлик молиявий ҳисоботларини тушуниш ва баҳолашга ёрдам беради.

Институционал бирлик молиявий ҳисоботларга тушунтириш хатида институционал бирликнинг фойдаланиш учун ихтиёрида бўлмаган пул маблағлари қолдиқларининг нисбатан кўп суммаларини, ташқи чекловларга эга бўлган пул маблағлари қолдиқларининг нисбатан кўп суммаларини ҳамда келажак учун операцион фаолиятда бўладиган ишлатилмаган ўзлашти-

риш (жалб қилиш) ресурсларини очиб бериши керак. Агар муайян институционал бирлик валюта назорати ёки бошқа юридик чекловлар қўлланиладиган мамлакатда фаолият юритаётган бўлса, у ҳолда бу институционал бирликнинг маблағлари қолдиқларини назорат қиладиган институционал бирлик ёки бошқа назорат қиладиган институционал бирликка улардан фойдаланиш мумкин бўлмайди.

Назорат қилинадиган институционал бирликнинг пул маблағлари қолдиқларига фойдаланиш ёки уларни ишлатиш муддатлари учун чегара ўрнатилиб, чекловлар қўйилиши мумкин. Институционал бирлик олган грант ёки ҳадяни аниқ мақсадларга сарфланиши аввалдан белгиланган бўлиши мумкин. Муайян институционал бирлик ҳисобот санасига ўзининг банкдаги ҳисобварақларида агент сифатида бошқа томонлар учун йиғилган ва ҳали у томонларга ўтказиб бериб улгурилмаган пул маблағларини сақлаётган бўлиши мумкин. Бу пул маблағлари қолдиқлари институционал бирлик томонидан назорат қилинади ва муайян институционал бирликнинг пул маблағлари қолдиқлари сифатида молиявий ҳисоботларда акс эттирилса ҳам бундай суммаларни алоҳида очиб бериш молиявий ҳисобот билан танишувчи шахсларга бу маълумотларни тушунишларига ёрдам беради.

Олиб тамомланмаган ўзлаштириш (жалб қилиш) ресурслари институционал бирлик учун пул маблағларининг потенциал манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу суммаларни асосий турлари бўйича очиб бериш молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга бундай пул маблағларининг борлигини ҳамда уларни ҳисобот даври давомида институционал бирлик томонидан ишлатилиш даражасини баҳолаш имкониятини беради.

Одатда, молиявий ҳисоботларда моддаларнинг кетма-кетлиги ва таснифи бир даврдан кейинги даврга ўтганда сақланиб қолади. Айрим ҳолларда бу тартиб сақланмаслиги мумкин. Масалан, институционал бирлик операцияларининг асосий хусусиятларида сезиларли даражада ўзгаришлар содир бўлганда ёки молиявий ҳисоботни тақдим этилишининг таҳлилига кўра ўзгаришлар ҳодисаларни ёки операцияларни янада тўғрироқ тақдим этишга олиб келиши ёки келажакдаги ўзгаришлар мазкур Стандартда тақдим этишда ўзгартириш киритилишини талаб қилиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш тизими таркибининг сезиларли даражада ўзгартирилиши, давлат бошқарув тизимининг янги институционал бирлигининг яратилиши ёки катта мавжуд институционал бирликнинг тугатилиши, катта миқёсда сотиб олиниши ёки сотилиши, ёки институционал бирлик томонидан кўпчилик фойдаланиши учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларнинг умумий тақдим этилиши таҳлили пул тушумлари ва пул тўловлари тўғрисидаги ҳисобот ёки бошқа айрим олинган молиявий ҳисоботларнинг ҳар хил тақдим этилишига олиб келиши мумкин.

Институционал бирлик молиявий ҳисоботларнинг тақдим этилишига ўзгаришларни фақат таркибдаги ўзгаришлар бундан кейин ҳам қолиш эҳтимоли бўлганда ёки бошқача тақдим этишдан наф кўриниб турганда киритиш керак. Молиявий ҳисоботларнинг тақдим этилишига бундай ўзгаришлар киритаётган институционал бирлик ўзининг қиёсий маълумотлари таснифини мазкур Стандарт талабига мувофиқ қайта кўриб чиқади.

Мазкур Стандарт пул маблағлари тушумлари ва пул маблағлари тўловлари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим

этишни талаб қилади ва бу ҳисоботдаги ва ҳисоботга тайёрланган тушунтириш хатидаги маълумотларни очиб беришнинг маълум усулларини белгилайди. Қўшимча молиявий ҳисоботлар тайёрланишига мазкур Стандарт қаршилик қилмайди. Пул маблағлари тушумлари ва пул маблағлари тўловлари тўғрисидаги ҳисоботларга қўшимча қилиб молиявий ҳисоботлар тайёрланганда қиёсланадиган маълумотларнинг очиб берилишини мазкур Стандарт маъқуллайди.

Айрим ҳолларда ўтган даврлар учун тақдим этилган молиявий ҳисоботларда тақдим этилган ва тушунтирилган маълумотлар жорий даврда ҳам долзарб бўлиб қолаверади. Молиявий ҳисоботлар маълумотларидан охирги ҳисобот санасига ноаниқликлар мавжуд бўлган ва давр давомида бу ноаниқликларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилганлигини фойдаланувчиларнинг билиши катта ютуқ бўлади.

Жорий давр билан қиёсланишини таъминлаш учун қиёсланадиган маълумотларни қайта таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда қиёсланадиган суммаларнинг тўғрилаш тартибини очиб берилиши керак бўлади.

Молиявий ҳисобот аниқ таърифланган бўлиши ва бошқа маълумотлардан фарқ қилиниши керак. Мазкур Стандарт фақат молиявий ҳисоботларга нисбатан қўлланилади. Йиллик ҳисоботда ёки бошқа ҳужжатда тақдим этилган бошқа маълумотларга мазкур Стандарт қўлланилмайди. Демак, маълумотлардан фойдаланувчилар мазкур Стандартни қўллаб тайёрланган маълумотларни фойдаланувчиларга фойдали ҳамда мазкур Стандарт қўлланилмасдан тайёрланган маълумотлардан мазкур Стандартни қўллаб тайёрланган маълумотлар фарқ қила олсин.

Молиявий ҳисоботнинг ҳар бир компоненти аниқ қилиб белгиланган бўлиши керак. Молиявий ҳисоботнинг компоненти сифатида ҳисобот бераётган институционал бирликнинг номи ёки унинг бошқа идентификаторлари; молиявий ҳисобот айрим олинган институционал бирликни ёки иқтисодий субъектни қамраб олганлиги; ҳисобот санаси ёки молиявий ҳисобот қамраб олган давр; ҳисоботда қабул қилинган валюта ҳамда молиявий ҳисоботда рақамларнинг тақдим этилишидаги нуқсонлар даражаси аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг тушунарли бўлишини кўпинча маълумотларни минг ёки миллион валюта бирлигида тақдим этиш йўли билан таъминланади. Бундай тартиб маълумотларнинг йўқолиши билан боғлиқ хатолик унчалик катта бўлмаганда маъқулдир.

Бир ёки кўпроқ аввалги даврларда молиявий ҳисоботларни тайёрлашда йўл қўйилган ноаниқликлар жорий давр давомида аниқланиши мумкин. Хатолар арифметик хатолар, ҳисоб сиёсатини нотўғри қўллаш, фактларни нотўғри талқин қилиш, алдамчилик ёки эътиборсизлик натижасида содир бўлиши мумкин. Аввалги даврга нисбатан хато аниқланганда хатони тўғрилаш учун давр бошига бўлган пул маблағлари қолдиқлари корректировка қилинади. Ўтиб кетган давр учун тузилган молиявий ҳисоботлар ва қиёсланадиган маълумотлар худди қўйилган хатолар ўз вақтида тўғрилангандек қилиб тақдим этилади. Институционал бирлик молиявий ҳисоботларга тайёрланган тушунтириш хатида қўйилган хатоларнинг табиати, корректировка қилинган сумма ва қиёсланадиган маълумотлар қайта ифодаланганлиги ёки қайта ифодланишнинг зарур эмаслигини очиб бериши керак. Демак, хатоларнинг

тушунтирилиши ва уларнинг тўғриланиши тафсилотлари молиявий ҳисоботларга тайёрланган тушунтириш хатига қўшилади.

Қиёсланадиган маълумотларни қайта таърифлаш давлат бошқарув органи томонидан тасдиқланган ёки тартибга солувчи орган томонидан рўйхатга олинган ёки протоколлаштирилган молиявий ҳисоботларга ўзгартиришлар киритишга олиб келиши шарт эмас. Шунга қарамай, миллий қонунчилик бундай молиявий ҳисоботларга ўзгартиришлар киритишни талаб қилиши мумкин.

Мазкур Стандарт пул маблағлари тушумлари ва пул маблағлари тўловлари тўғрисида ҳисобот тақдим этишни талаб қилади ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг тақдим этилишига қаршилик қилмайди.

Иқтисодий субъектга ижтимоий-сиёсий ҳамда тижорат мақсадида фаолият кўрсатаётган институционал бирликлар кириши мумкин. Иқтисодий субъект деганда (ДСБҲХС контекстида) назорат қиладиган институционал бирлик ва битта ёки кўпроқ назорат қилинадиган институционал бирликларни ўз ичига олган институционал бирликлар гуруҳи тушунилади. Институционал бирликнинг назорати деганда институционал бирликнинг фаолиятидан наф олиш учун бошқа субъектнинг молиявий ва амалиёт сиёсатини бошқариш ваколати тушунилади.

Давлат бошқарув органлари ёки давлат секторининг бошқа назорат қиладиган институционал бирликнинг молиявий ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланувчиларни кўпинча назорат қилинадиган иқтисодий субъект бўйича умумий пул ресурслари тўғрисидаги маълумотлар қизиқтиради ва уларга бу маълумотларни етказиш керак. Назорат қилинадиган инсти-

туционал бирлик – назорат қиладиган институционал бирлик деб аталадиган бошқа институционал бирлик назоратида бўлган институционал бирликдир. Молиявий ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланувчиларнинг бу эҳтиёжини худди битта институционал бирлик тўғрисидаги иқтисодий субъект томонидан молиявий маълумотлар сифатида ҳамда алоҳида олинган юридик институционал бирликларнинг қонуний чегаралари ҳисобга олинмаган ҳолда тақдим қилинган йиғма молиявий ҳисобот таъминлайди. Йиғма (жамланма) молиявий ҳисобот – бу худди битта институционал бирликнинг молиявий ҳисоботлари сифатида тақдим этилган иқтисодий субъектнинг молиявий ҳисоботидир.

Назорат қиладиган институционал бирлик ҳисобланган давлат бошқарув органи ёки бошқа ҳисобот берадиган давлат секторининг институционал бирлиги томонидан тайёрланган пул маблағлари тушумлари ва пул маблағлари тўловлари тўғрисидаги ҳисобот унинг назорати остида бўлган барча институционал бирликларнинг пул тушумлари, пул тўловлари ва пул маблағлари қолдиқлари бўйича маълумотларини умумлаштиради. Назорат қиладиган институционал бирлик - бир ёки ундан кўпроқ институционал бирликлар устидан назоратни амалга оширадиган институционал бирлик. Тушунтириш хатларида маълумотларни очиб бериш ҳам йиғма асосда тақдим этилади.

Мазкур Стандарт пул маблағлари тушумлари ва пул маблағлари тўловлари тўғрисидаги ҳисоботга қўшимча молиявий ҳисоботлар тузилишига қаршилик қилмайди. Бу қўшимча ҳисоботлар фондларнинг маълум гуруҳига тегишли бўлган тушумлар ва тўловлар ҳақида қўшимча маълумотларни очиб бериши ёки пул оқим-

ларининг айрим турлари ҳақида қўшимча тафсилотлар бўлиши мумкин. Ўринли бўлса, қўшимча ҳисоботлар ва маълумотларнинг очиб берилиши ҳам ҳисобот йиғма ҳужжатлари бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисобот мақсадлари учун ҳисобот бераётган институционал бирлик (молиявий ҳисобот институционал бирлиги) бир қанча назорат қилинадиган институционал бирликлардан ҳамда давлат бошқарув тизими департаментлари, идоралари ва давлат корпорацияларидан иборат бўлиши мумкин. Потенциал институционал бирликларнинг кўп сонли бўлиши сабабли молиявий ҳисобот институционал бирлигини *қўллаш доирасини аниқлаш жуда қийин* бўлиши мумкин. Шу сабабли молиявий ҳисобот институционал бирлиги кўпинча қонунчилик билан белгиланади. Шунинг учун ҳам айрим ҳолларда қонунчилик билан белгиланган молиявий ҳисобот институционал бирлиги мазкур Стандарт талабларига мувофиқ аниқланган молиявий ҳисобот институционал бирлик молиявий ҳисоботидан фарқ қилиши ва маълумотларни қўшимча очиб бериш талаб қилиниши мумкин.

Бошқа институционал бирликнинг тўла мулки бўлган назорат қиладиган институционал бирликдан (масалан, давлат бошқарув тизимининг тўла мулки бўлган давлат бошқарув тизимининг идораси) йиғма молиявий ҳисоботлар тақдим этиш талаб қилинмайди. Аммо, давлат секторида кўпгина назорат қиладиган институционал бирликлар ёки давлат бошқарув органининг тўла мулки ҳисобланади ёки ҳақиқатда тўла мулки бўлади ва улар давлат бошқарув органларининг асосий секторлари ёки асосий фаолияти ҳисобланади. Бундай ҳолатларда, молиявий ҳисоботлардан айрим фойдаланувчиларнинг маълумотларга бўлган эҳтиёжи-

ни давлат бошқаруви барча тизими учун йиғма молиявий ҳисобот тақдим этиш йўли билан қондириб бўлмайди ва мазкур Стандартнинг мақсади ҳам шундай институционал бирликларни йиғма молиявий ҳисобот тузувчилар қаторидан чиқармасликдир. Кўпгина мамлакатларда мазкур Стандартнинг мақсадини ҳисобга олиб юқорида келтирилган институционал бирликлар учун қонунчилик асосида молиявий ҳисобот бўйича талаблар ўрнатилган.

Айрим мамлакатларда бошқа институционал бирликнинг (озгина қисми хусусий секторнинг мулки бўлган давлат корхонасининг) ҳақиқатда тўла мулки ҳисобланадиган назорат қиладиган институционал бирлик ҳам, агар озгина манфаати бўлган эгаларнинг маъқуллашини назорат қиладиган институционал бирлик олса, йиғма молиявий ҳисоботлар тайёрлашдан озод қилинади.

Айрим ҳолларда иқтисодий субъектга бир қанча бевосита назорат қилинадиган институционал бирликлар кириши мумкин. Масалан, соғлиқни сақлаш департаменти назорат қиладиган институционал бирлик бўлиши билан бирга соғлиқни сақлаш тизимининг маҳаллий ёки минтақавий даражаларида бевосита назорат қиладиган институционал бирликлари бўлиши мумкин. Ҳар бир мамлакат ҳисобот беришга мажбурлик ва ҳисобот бўйича йиғма молиявий ҳисобот тайёрлаш талабларини қайси институционал бирликларга берилганлигини ўрнатиб қўйиши мумкин (ёки қайси институционал бирликлар йиғма молиявий ҳисобот тузишдан озод қилиниши белгилаб қўйилади). Бевосита назорат қиладиган институционал бирликка йиғма молиявий ҳисоботлар тузиш бўйича талаблар қўйилмаган бўлса, лекин иқтисодий субъектнинг кўпчилик

фойдаланиши учун мўлжалланган ҳисоботлардан фойдаланувчилар бўлиши эҳтимоли юқори бўлса, у ҳолда бевосита назорат қиладиган институционал бирликларнинг бундай ҳисоботни тайёрлаш ва эълон қилиши қўллаб-қувватланади.

Йиғишнинг (бирлаштиришнинг) қуйидаги тартиби қўлланилади:

(а) иқтисодий субъектлар ўртасидаги пул маблағларининг қолдиқлари ва пул операциялари тўлалигича бекор қилиниши керак;

(б) йиғишда (бирлаштиришда) фойдаланилаётган молиявий ҳисоботлар турли ҳисоботлар санасига чиқарилаётган бўлса, бу саналар ва назорат қиладиган институционал бирликнинг молиявий ҳисобот санаси ўртасида бўлган катта миқдордаги пул маблағларининг натижалари бўйича корректировка қилиш зарур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳисобот саналари ўртасидаги фарқ уч ойдан ошиб кетмаслиги керак;

(в) йиғма (жамланма) молиявий ҳисоботлар бир хилдаги пул операциялари бўйича ягона ҳисоб сиёсатини қўллаб тайёрланиши керак. Йиғма молиявий ҳисобот тайёрлашда ягона ҳисоб сиёсатини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаса, бу ҳолда ҳисоб сиёсатининг ҳар хил турлари қўлланилган йиғма молиявий ҳисоботлардаги моддаларнинг ўлчамлари очиб берилиши керак.

Йиғишнинг (бирлаштиришнинг) юқорида келтирилган тартибига мувофиқ иқтисодий субъект доирасида ягона иқтисодий бирлик сифатида барча институционал бирликлар учун йиғма молиявий ҳисоботлар тайёрланади.

Йиғма молиявий ҳисоботлар иқтисодий субъект ва унинг таркибига кирмайдиган бошқа институцио-

нал бирликлар ўртасидаги операцияларнигина акс эттириши зарур. Демак, икки маротаба ҳисобга олинишига йўл қўймаслик учун иқтисодий субъект ичида институционал бирликлар ўртасидаги операциялар тегишлича чиқариб ташланади. Масалан, давлат бошқарув тизимининг бир департаменти ўзининг активини бошқа департаментга сотиши мумкин. Бунда, бутун давлат бошқарув сектори учун ҳисобот бераётган институционал бирликнинг соф пул эффекти нольга тенг бўлади. Шунинг учун бутун давлат бошқарув секторига ҳисобот бераётган институционал бирликнинг пул маблағлари тушумлари ва пул маблағлари тўловлари орттириб кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида бу операциялар чиқариб ташланади.

Йиғма (жамланма) молиявий ҳисоботларда қуйидаги маълумотлар очиб берилиши зарур:

(а) муҳим назорат қилинадиган институционал бирликларнинг рўйхати (муайян институционал бирликнинг номи; муайян институционал бирлик фаолият кўрсатаётган мамлакатнинг номи, агар бу мамлакат назорат қиладиган институционал бирликнинг мамлакатидан фарқ қилса);

(б) назорат қилинадиган институционал бирликнинг йиғма ҳисоботга қўшилмаганлигининг сабаблари.

Чет эл валютаси (ДСБҲХС контекстида) – институционал бирлик ҳисобот юритадиган валютадан фарқ қиладиган валюта. Давлат бошқарув тизимлари ва давлат бошқарув тизимининг институционал бирликлари чет эл валютасида операциялар амалга оширишлари, яъни, чет эл валютасида ўзлаштириши (жалб қилиши) ёки сотиб олиш баҳоси чет эл валютасида кўрсатилган товарлар ва хизматлар сотиб олиши мум-

кин. Улар хорижда операцияларни амалга оширишлари ва хорижга пул маблағларини ўтказишлари ва амалга оширилган операциялардан хориждан пул маблағларини олишлари мумкин. Чет эл валютасида амалга оширилган операцияларни ва хориждаги операцияларни молиявий ҳисоботга қўшиш учун институционал бирлик пул маблағлари тушумлари, пул маблағлари тўловлари ва пул маблағлари қолдиқларини ҳисобот валютасида ифодалаши керак. Ҳисобот валютаси (ДСБҲХС контекстида) – молиявий ҳисобот тақдим этиш учун фойдаланиладиган валюта. Алмаштириш курси – икки валютани айирбошлашда фойдаланилган коэффициент. Алмаштириш курсининг ўзгариши натижасидаги фарқ – ҳисобот валютасида ҳисоботдаги чет эл валютаси бирлиги миқдорининг турли айирбошлаш курслари бўйича ифодаланган суммалари орасидаги фарқ.

Чет эл валютасининг айирбошлаш курсларининг ўзгариши натижасида пайдо бўладиган олинмаган фойда ва зарарлар пул маблағлари тушумлари ва пул маблағлари тўловлари ҳисобланмайди. Аммо, чет эл валютасидаги пул маблағларига айирбошлаш курсларининг ўзгаришлари натижаси пул маблағлари тушумлари ва пул маблағлари тўловлари тўғрисидаги ҳисоботда даврнинг бошига ва охирига пул маблағларини солиштириш учун кўрсатилади. Бу сумма пул маблағлари тушумлари ва пул маблағлари тўловларидан алоҳида кўрсатилади.

Мазкур Стандартни қабул қилаётган назорат қиладиган институционал бирликлар назорат қилинадиган институционал бирликлар ўртасида амалга ошириладиган кўпгина операциялари бўлган назорат қилинадиган институционал бирликлар анча кўп бўлиши

мумкин. Иқтисодий субъектнинг йиғма молиявий ҳисоботларини тайёрлаш мақсадида чиқариб ташланадиган барча операцияларни ва пул маблағлари қолдиқларини аниқлаш анчагина мушкул бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда иқтисодий субъектлар ўртасидаги пул маблағларининг қолдиқлари ва пул операциялари тўлалигича бекор қилиниши бўйича мазкур Стандарт талабининг бажарилиши мазкур Стандрт қабул қилинган санадан бошлаб уч йил давомида таъминланмаслиги мумкин. У ҳолда институционал бирликлар иқтисодий субъект доирасида пул маблағларининг барча қолдиқлари ва институционал бирликлар ўртасидаги барча операцияларнинг ҳаммаси ҳам чиқариб ташланмаганлигини очиб беришлари керак.

9. ДАВЛАТ СЕКТОРИ УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ МЕТОДЛАРИ

Жаҳон амалиётида давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг касса методи, модификациялаштирилган касса методи, модификациялаштирилган ҳисоблаш методи ва ҳисоблаш методи мавжуд.

Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг касса методи. Мазкур методда барча ҳодисаларни пул маблағларининг ҳаракати бўйича қайд қилиш кўзда тутилади. Бунда активлар ва мажбуриятларга доир кўпгина ҳодисалар бухгалтерия ҳисоби доирасида ҳисобга олинмай қолади. Мазкур метод шароитида сотиб олинган асосий воситалар сотиб олиб келингандан сўнг бир йўла харажатларга қўшиб юборилади.

Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг модификациялаштирилган касса методи. Мазкур методда ҳисобот йили тугагандан сўнг кейинги йилнинг би-

ринчи ойида содир бўлган ва аввалги ҳисобот йилига доир барча ҳодисалар тугаган ҳисобот йилига тегишли деб қабул қилинади, бу давр ичида аввалги ҳисобот йилида қабул қилинган барча мажбуриятларни давлат тўлав беради ва давлат бюджети аввалги ҳисобот йилида олиши керак бўлган даромадларини олади. Бу тартиб ҳисоботлар давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш методи бўйича тузилганда ҳам сақланиб қолади. Бу эса қандайдир даражада активлар ва мажбуриятларни баҳолаш имконини яратади. Мазкур метод шароитида ҳам сотиб олинган асосий воситалар сотиб олиб келингандан сўнг бир йўла харажатларга қўшиб юбориш тартиби сақланиб қолади.

Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг модификациялаштирилган ҳисоблаш методи. Мазкур методда содир бўлган барча ҳодисалар содир бўлиши билан даромадлар даромад деб, харажатлар харажат деб ҳамда айрим активлар ва мажбуриятлар ҳам содир бўлган пайтда тан олинади. Мазкур метод шароитида касса методидаги каби сотиб олинган асосий воситалар сотиб олиб келингандан сўнг бир йўла харажатларга қўшиб юбориш тартиби сақланиб қолади. Бу эса ҳисобни осонлаштириш имконини беради ҳамда давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш методига ўтишни анча осонлаштиради.

Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш методи. Мазкур методда содир бўлган барча ҳодисалар содир бўлган пайтда тан олинади. Бу метод қўлланилганда асосий воситалар сотиб олиб келингандан сўнг бир йўла харажатларга қўшиб юбориш тартиби амал қилмайди. Барча активлар қиймати улардан фойдаланиш даври давомида уларнинг хизмат қилиш муддатига мутаносиб равишда эскириш ҳисоб-

ланиб, бу эскириш суммаси харажатларга амортизация сифатида қўшиб борилади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, давлат секторида касса методига асосланган бухгалтерия ҳисоби юритилганда содир бўлган ҳодисалар бўйича пул маблағларининг келиб тушиши ёки пул маблағларининг тўланиши пайтида тан олинса, давлат секторида ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисоби юритилганда эса содир бўлган ҳодисалар активларнинг қиймати ва мажбуриятларнинг суммаси пайдо бўлган ёки уларнинг иқтисодий қиймати ўзгарган пайтда тан олинади.

Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш методида активларнинг соф қийматини кўпайтирувчи ҳодисалар даромадлар деб, активларнинг соф қийматини камайтирувчи ҳодисалар эса харажатлар деб тан олинади.

Давлат бошқарув секторининг активлари соф қиймати ҳамда улар фаолиятининг натижалари бўлиб давлат бошқарув секторининг активлари қиймати билан мажбуриятлари суммаси ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

10. ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ҲИСОБЛАШ МЕТОДИГА АСОСЛАНГАН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШГА ЎТИШ МОДЕЛЛАРИ

Давлат секторида ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтишнинг жаҳон амалиётида икки модели бор. Унинг биринчи модели «Катта шок» методи деб номланса, иккинчи модели эса «Босқичма-босқич» метод деб номланади.

Ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтишнинг «Катта шок» методи қўлланилганда давлат бошқарув секторининг барча субъектлари қисқа вақт ичида давлат секторида ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтказилади. Бу тартибда ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтишнинг афзалликлари ва ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд. Унинг афзалликлари бўлиб давлат бошқарув секторининг барча институционал бирликларида ўзгаришларнинг қўллаб-қувватланиши, тезда натижаларга эришиш ва аввалги ҳолатга қайтмасликнинг олдини олиш ҳисобланади. Ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтиш ушбу моделининг камчиликлари бўлиб, пайдо бўлаётган масалаларни ҳал қилиш учун вақтнинг етишмаслиги ва сиёсий ишончга путур етиш хавфи ҳисобланади.

Ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтишнинг «Босқичма-босқич» методи қўлланилганда бухгалтерия ҳисобида аввалдан қўлланиб келинган усуллар асосида босқичма-босқич тегишли тайёргарлик ишлари амалга оширилади, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта ишланади ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланади, молиявий ҳисоботнинг тегишли форматлари аниқланади ва кейингина давлат бошқарув секторининг барча институционал бирликларида ҳисоблаш методи бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтилади. Бу тартибда ўтишнинг афзалликлари бўлиб ҳисоблаш методини бир неча йил давомида синаб кўриш, бу синаш давомида аниқланган камчилик ва муаммоларни ҳал қилиш ҳамда параллел давлат секторининг барча институционал бирликларида касса методига асосланган

бухгалтерия ҳисобини юритиш мумкинлиги ҳисобланади. Ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтишнинг «Босқичма-босқич» методининг камчилиги бўлиб икки тизимнин бир вақтда юритилиши, ўзгаришларнинг барчасини қамраб ололмаслиги ва ҳисоблаш методига ўтиш жараёни узоқ йилларга чўзилиб кетганда ҳаракат кучини йўқотиб қўйиш хавфи борлиги ҳисобланади. Шунга қарамасдан, кўпгина мамлакатларда ўтишнинг шу методи қўлланиб келинмоқда.

Ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтиш учун тегишли бухгалтер кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш талаб қилинади. Ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтишда давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимини қайта ташкил қилиш зарурияти туғилади. Бу иш ҳам кўп йилга чўзилиши мумкин.

11. ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ҲИСОБЛАШ МЕТОДИГА АСОСЛАНГАН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШГА ЎТИШ БОСҚИЧЛАРИ

Давлат секторида касса методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишдан ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтиш тўрт босқичда амалга оширилиши мумкин.

Биринчи босқич - «Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими»ни қўллашдан олдин олиб бориладиган тайёргарлик ишлари. Мазкур босқичда «Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими» қўллашга тайёрланади. Давлат бошқарув секторининг айрим институционал бирликлари тегишли молиявий

ҳисоботларни ДСБҲХС билан маълум даражада мослаштирилган ва «Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2001» бўйича таснифланган ахборотларни тақдим этила бошланади.

Иккинчи босқич - «Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими» (ДМБАТ) амал қила бошлайди. Мазкур босқичда «Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими»ни консолидациялаштириш бўйича имкониятлари давлат бошқарув секторининг барча институционал бирликлари ва консолидациялаштирилган ҳисобот бирлигининг молиявий ҳисоботларини «Касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот» ДСБҲХСга қисман мувофиқлаштиришга эришилади. «Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими»ни қўллаш ҳисоблаш методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари»га ва «Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2001»га мувофиқ молиявий ҳисоботларга қўшимча тушунтириш берилишини таъминлайди.

Учинчи босқич - «Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2001»га мослиги эришилади. Мазкур босқичда «Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2001»га қандайдир даражада мослигига эришилади. Аммо, бу босқичда ишлаб чиқарилмаган активларнинг тўла баҳоланишига эришиш тугалланмай қолиши мумкин.

Тўртинчи босқич - мамлакатда давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари»га тўла мослигига эришилади. Мазкур босқичда мамлакатда давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш методи учун «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари»га ва «Дав-

лат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2001»га тўла мослигига эришилади. Мамлакатнинг давлат секторида «Касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот» ДСБҲХС бўйича молиявий ҳисоботлар тайёрлаш тўхтатилади. Пул маблағлари тушуми, пул маблағлари тўлови ва пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ҳисоблаш методи учун «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари»нинг молиявий ҳисоботлари таркибида ҳам давом этади.

ГЛОССАРИЙ

Активлар (ДСБҲХС контекстида) – ўтган ҳодисалар натижасида ва улардан келажакда субъектга иқтисодий наф ёки сервис имконияти кутилаётган, субъект томонидан назорат қилинадиган ресурслар.

Активнинг баланс қиймати – ҳар қандай йиғилган амортизация қиймати ва қадрсизланишдан кўрилган зарарлар йиғиндиси чегириб ташлангандан кейин актив молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган актив қиймати.

Алмаштириш курси – икки валютани алмаштиришда фойдаланиладиган коэффициент.

Алмаштириш курси ўзгариши натижасидаги фарқ – турли алмаштириш курслари бўйича ҳисоботда ифодаланган хорижий валютанинг бирлигини ҳисоботда кўрсатилиши шартланиши билан содир бўлган фарқ.

Алмаштириш операциялари (ДСБҲХС контекстида) – бир субъект активларни ёки хизматларни қабул қилиб олади ёки мажбуриятини тўлайди ва бунинг эвазига тўғридан-тўғри тахминан шундай қийматни бошқа субъектга беради.

Асосий воситаларнинг баланс қиймати (ДСБҲХС контекстида) – ҳар қандай йиғилган амортизация қиймати ва қадрсизланишидан кўрилган зарарлар йиғиндиси чегириб ташлангандан кейин активнинг тан олинган қиймати.

Асосий воситалар синфи (ДСБҲХС контекстида) – молиявий ҳисоботларда маълумотларни тушунтириш мақсадида бир модда сифатида кўрсатиладиган табиатан ёки субъектнинг операциясидаги вазифа бўйича бир хил бўлган активларнинг гуруҳланиши.

Амортизация қилинадиган сумма (ДСБҲХС контекстида) – молиявий ҳисоботда активнинг таннархи ёки таннархнинг ўрнини босадиган бошқа суммадан унинг тугатиш суммаси айирилиши натижасида топилган сумма.

Амортизация (ДСБҲХС контекстида) – актив ҳаётининг фойдалилик даври давомида унинг амортизация қилинадиган суммасини систематик равишда ажратилиши.

Баланс қиймати (ДСБҲХС контекстида) – молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда активнинг тан олинган қиймати.

Бозор қиймати (ДСБҲХС контекстида) - актив бозорда сотишдан олинадиган ёки молиявий инструментни сотиб олиш бўйича кредитор қарз сумма.

Бозорнинг бекилиш пайтидаги валюта курси (ДСБҲХС контекстида) – ҳисобот санага валютанинг спот курси.

Бошланғич бюджет (ДСБҲХС контекстида) – бюджет даврига дастлаб тасдиқланган бюджет.

Бухгалгерия баланси тузилганидан кейин содир бўладиган хўжалик фаолиятидаги ҳодисалар (ДСБҲХС контекстида) - бу ҳам кўнгилли ҳам кўнгилсиз ҳодисаларки, улар бухгалтерия балансини тузиш санаси билан молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун тасдиқлаш санаси ўртасидаги оралиқда юз беради.

Бухгалтерия ҳисоби методи (ДСБҲХС контекстида) – ҳисоблаш методи бўйича давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларида ва касса методи бўйича давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартида берилган тарифга кўра ҳисоблаш ёки касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг асоси.

Бюджет методи (ДСБҲХС контекстида) - қонунчилик органи томонидан тасдиқланиб, бюджет учун қабул қилинган ҳисоблаш, касса ёки бошқа метод бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби.

Давлат бошқарув сектори – молиявий ҳисоботнинг статистика базалар операцияларига кўра давлат бошқарувининг барча ташкилий субъектлари. Давлат бошқарув сектори ўзининг асосий фаолияти сифатида давлат функцияси билан шуғулланувчи, давлат томонидан назорат қилинадиган ва давлат бюджетидан молиялаштирилган барча институтционал бирликларни ўз ичига олади.

Давлат корпорацияси — ўз номидан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга, бизнес олиб бориш учун молиявий ва операцион ҳуқуқлар берилган, ўзининг бизнесини олиб бориш жараёнида фойда олиш ёки таннархини тўла қоплаш асосида товарлар сотадиган ва хизматлар кўрсатадиган, доимо фаолият кўрсатувчи субъект ҳисобланиб давлатдан доимий маблағ ажратилишига асосланмайдиган ва давлат сектори субъекти томонидан назорат қилинадиган субъект.

Давлат сектори - давлат бошқарув секторини ва давлатга қарашли субъектлар, яъни давлат корпорацияларини (ташкилотларини) ўз ичига олади.

Жиддий хатолар (ДСБҲХС контекстида) - жорий даврда аниқланган хатолар бўлиб, улар шу қадар муҳим бўладики, олдинги даврлар учун тузилган молиявий ҳисоботларнинг маълумотларини ишончли деб ҳисобланмаслигига олиб келадиган хатолардир.

Жорий алмаштириш курси (ДСБҲХС контекстида) — дарҳол фойдаланиш учун алмаштириш курси.

Жорий қиймат (ДСБҲХС контекстида) - маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича товар-моддий захираларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма.

Жорий нархлардаги қиймат (ДСБҲХС контекстида) - актив сотилиши ёки мажбурият қопланиши мумкин бўлган қиймат.

Ижара - ижарага берувчи томонидан ижарачига ҳақ тўлаш шарти билан келишилган муддат давомида активдан фойланиш ҳуқуқи берилган келишув.

Ижара муддати - бекор қилинмайдиган ижара келишуви амал қиладиган давр, шунингдек, ҳар қандай кейинги даврлар бўлиб, бу даврлар мобайнида ижарачи ижара шартномаси тузилганда айтиб ўтилгандек, мазкур келишувни узайтириши мумкин.

Ижара муддатининг бошланиши - ижара шартномасининг шартларига мувофиқ ижарачи ижарага олинган ижара объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаган сана. Бу ижарани дастлабки (бошланғич) тан олиш санаси (яъни ижарани амалга ошириш натижасида тегишли актив ва мажбуриятларнинг тан олиниши).

Иқтисодий субъект (ДСБҲХС контекстида) – назорат қилувчи субъект ва бир ёки бир нечта назорат қилинадиган субъектларни ўз ичига олувчи субъектлар гуруҳи. Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларида «иқтисодий субъект» термини молиявий ҳисоботда назорат қилувчи субъект ва назорат қилинадиган субъектларни ўз ичига олувчи субъектлар гуруҳини белгилаш учун қўлланилади.

Инвестицион фаолият - пул эквивалентларига киритилмаган узоқ муддатли активлар ва бошқа инвестиция объектларини сотиб олиш ва сотиш жараёни.

Институционал бирлик (ДСБҲХС контекстида) – бу ўз номидан активларга эга бўла оладиган, мажбуриятлар қабул қила оладиган, иқтисодий фаолият ва бошқа тарқиблар билан операцияларни амалга ошира оладиган субъектдир.

Йиғма молиявий ҳисобот (ДСБҲХС контекстида) – иқтисодий субъект томонидан алоҳида субъект ҳисоботи сифатида тақдим этиладиган молиявий ҳисобот.

Йиллик бюджет – бир йилга тасдиқланган бюджет.

Кафолатланган қолдиқ қиймат (ДСБҲХС контекстида) - ижара шартномасининг бошланишида аниқланган ижара объекти қийматининг бир қисми бўлиб, ижарачи томонидан ёки унга боғлиқ учинчи тараф томонидан кафолатланадиган (мажбурият қилиб беркитилади) қиймат.

Курс бўйича фарқ - миллий валютага нисбатан чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан чет эл валютасида амалга оширилган операцияларда вужудга келадиган (ижобий, салбий) фарқ сумма.

Кутилмаган вазият - бу шундай вазиятки, унинг пировард натижаси (фойда ёки зарар) келгусида битта ёки бир нечта номуайян вазиятларнинг содир бўлиш ҳолати билангина тасдиқланади. Яъни бундай ҳолатда бухгалтерия баланси тузилганидан кейин номуайян вазиятларнинг содир бўлиши натижасида субъект фойда олиши ёки зарар кўриши мумкин.

Кўп йиллик бюджет – бир йилдан ортиқ давр учун тасдиқланган бюджет.

Кўчмас мулкка инвестиция (ДСБҲХС контекстида) - инвестиция қилувчи субъектнинг ёки инвестиция қилувчи субъект гуруҳига кирувчи бошқа субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти давомида фойдаланилмайдиган ер участкаларига ёки иморатларга инвестициялари.

Маблағ ажратиш - қонунчилик ёки бошқа шундай орган томонидан тасдиқланган мақсадлар учун қонунчилик органи томонидан маблағ ажратилишининг кафолатланиши.

Мажбуриятлар (ДСБҲХС контекстида) – ўтган ҳодисалар оқибати ҳисобланган ва уларнинг тўланиши натижасида иқтисодий наф ёки сервис имконият сифатида субъектдан ресурснинг кетиши кутилаётган субъектнинг жорий мажбуриятлари.

Мажбуриятнинг баланс қиймати – молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган мажбурият қиймати.

Материал айланма маблағлар захиралари (ДСБҲХС контекстида) - кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар.

Молиявий актив – пул маблағлари, бошқа субъектдан пул маблағларини ёки бошқа молиявий активни олишига шартнома ҳуқуқи, бошқа субъект билан энг қулай шартларга молиявий инструментларни айирбошлашга шартно-

ма ҳуқуқи, ёки бошқа субъект томонидан берилган имкониятли қимматли қоғозлар.

Молиявий инвестициялар (ДСБҲХС контекстида) - субъект тасарруфидаги даромад олишга (фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи шаклида) мўлжалланган, инвестиция қилинган маблағ қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи компаниянинг бошқа наф олиш учун фойдаланадиган активлари.

Молиявий восита (русча – «финансовый инструмент») (ДСБҲХС контекстида) – бир субъектнинг молиявий активини ва бошқа субъектнинг молиявий мажбуриятини ёки капитал инструментининг пайдо бўлишига олиб борувчи ҳар қандай шартнома.

Молиявий мажбурият (ДСБҲХС контекстида) – бошқа субъектга пул маблағларини ёки бошқа молиявий активларни етказиб бериш тўғрисидаги ёки имконият жиҳатдан ноқулай бўлган шартлар асосида бошқа субъект билан молиявий инструментларни алмаштириш тўғрисидаги ҳар қандай мажбурият. Молиявий мажбурият – бу товарнинг берилганлиги, ишнинг бажариб топширилганлиги, хизматни қилиб берилганлиги, иш ҳақи ҳисобланиши натижасида ходимларга ҳақ тўланиши, суд қарорига мувофиқ тўловни амалга оширилиши ва бошқаларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида иккинчи тараф олдида пайдо бўлган мазкур юридик шахснинг мажбурияти.

Муҳим (ДСБҲХС контекстида) – агар молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар томонидан бу молиявий ҳисобот асосида қабул қилинаётган қарорларга ёки берилаётган баҳоларга модданинг ташлаб юборилиши ёки бузиб кўрсатилиши таъсир қилиши мумкин бўлса, бу муҳим ҳисобланади.

Назорат қилинадиган субъект - бошқа (назорат қилувчи субъект деб аталувчи) субъект назоратида бўлган субъект.

Назорат қилувчи субъект - битта ёки кўп субъектларни назорат қилувчи субъект.

Оқилона қиймат - шартли равишда бир-бирларига боғлиқ бўлмаган, яхши билган, ҳақиқатда шу битимга келишни хоҳловчи томонлар ўртасида келишув амалга оширил-

ганда активларни алмаштириш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма.

Операцион ижара - молиявий ижара шартномаси бўлмаган мулкий ижара (ижарага бериш) шартномаси асосида молмулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш.

Операцион фаолият (ДСБҲХС контекстида) – субъектнинг инвестиция ёки молиявий фаолиятига кирмайдиган фаолияти.

Пул бўлмаган маблағларни барпо этувчи активнинг қадрланишидан кўрилган зарарлар (ДСБҲХС контекстида) – активнинг баланс қийматини унинг қоплайдиган сервис суммасидан юқори бўлган сумма миқдори.

Пул эквивалентлари - маълум пул маблағига тез ва осон алмаштириладиган ҳамда қийматидаги ўзгаришлар туфайли бироз хатари бўлган қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялар (молиявий қўйилмалар).

Пул маблағлари - кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олинадиган депозитлар, шунингдек, банкнинг депозит, валюта ва бошқа ҳисобварақларидаги маблағлар.

Пул маблағлари барпо этувчи активлар (ДСБҲХС контекстида) – тижорат фойдасини яратиш учун субъект ихтиёрида бўлган активлар.

Пул маблағлари бўлмаганларни барпо қилувчи активлар (ДСБҲХС контекстида) – пул маблағлари барпо қилувчи активлар бўлмаган активлар.

Пул маблағлари оқими – пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг келиши ва кетиши (ҳаракати).

Пул маблағларининг эквивалентлари – маълум миқдордаги пул маблағларига конвертация қилишга тайёр қисқа муддатли ва уларнинг қиймати унча катта бўлмаган тавакалчиликка мойил юқори ликвидли инвестиция.

Солиқлар - солиқ кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари.

Соф актив (ДСБҲХС контекстида) – субъектнинг активини қийматидан барча мажбуриятлари суммасини айириб ташлангандан кейин қолган қолдиқ қисм, яъни, соф актив тенг актив минус мажбуриятлар.

Тасдиқланган бюджет – кутилган ялпи даромад ёки бюджет давридаги тушумлар муносабати билан қонунлар, маблағ ажратиш бўйича қонун лойиҳалари, ҳукумат қарорлари ва бошқа қарорлардан келиб чиқиб берилган харажатларни амалга оширишга рухсатнома.

Трансфертлар (ДСБҲХС контекстида) – алмаштириш характерига эга бўлмаган операциялардан (солиқлардан ташқари) келгуси иқтисодий нафлар ёки сервис имкониятнинг келиб тушиши.

Фавқулодда ҳолатлар - тарафларнинг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, табиат ҳодисалари (зилзила, кўчкилар, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), бошқа табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (уруш ҳолати, қамал ҳолати, давлат манфаатларини кўзлаб импортни ҳамда экспортни тақиқлаш ва бошқалар) келтириб чиқарган муайян шароитлардаги фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар бўлиб, қабул қилинган мажбуриятлар шулар туфайли бажарила олмайди.

Функционал валюта – субъект фаолият кўрсатаётган бошланғич иқтисодий муҳитнинг валютаси.

Харажатлар (ДСБҲХС контекстида) – соф активларнинг камайишига олиб келувчи активларнинг кетиши ёки сарфланиши ёки мажбуриятларнинг пайдо бўлиши кўринишида ҳисобот даврида иқтисодий нафларнинг ёки сервис имкониятининг қисқариши.

Хизмат қилиш муддати – активдан бир ёки бир неча фойдаланувчилар учун иқтисодий наф ёки сервис имконият олиш кутилаётган давр ёки активдан бир ёки бир неча фойдаланувчилар олиши кутилаётган ишлаб чиқариш ёки шунга ўхшаш бирликлар миқдори.

Хорижий валюта – субъектнинг функционал валютасидан фарқ қиладиган валюта.

Хорижий валютада операцияни амалга ошириш санаси - қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ чет эл валютасидаги операциянинг натижаси ҳисобланадиган активлар ва мажбуриятларни субъектнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш ҳуқуқи юзага келган кун.

Шартли актив (ДСБҲХС контекстида) — агар келажакда битта ёки аниқ бўлмаган, субъект назоратида тўла бўлмаган фақат ҳодисалар содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги асосида аввалги ҳодисалар ва унинг бўлиши тасдиқланиши билан юзага келиши мумкин бўлган актив.

Шартли мажбурият (ДСБҲХС контекстида) — агар келажакда битта ёки аниқ бўлмаган, субъект назоратида тўла бўлмаган фақат ҳодисалар содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги асосида аввалги ҳодисалар ва уни бўлиши тасдиқланиши билан юзага келиши мумкин бўлган мажбурият.

Юридик мажбурият - бу тузилган хўжалик шартномаси (контракт) ва тегишли давлат органининг қарори натижасида юридик шахснинг иккинчи тараф олдида пайдо бўлган мажбурияти. Юридик мажбурият — шартномадан ёки қонунчиликдан ёки қонуннинг бошқа ҳаракатидан келиб чиқадиган мажбурият.

Якуний бюджет (ДСБҲХС контекстида) — бюджет даврига тўғри келадиган қонунчилик органи томонидан тасдиқланган ёки шунга ўхшаш органнинг ҳаракатидан келиб чиқадиган ўзгаришларни ҳисобга олиниб барча резервлар, ўтадиган суммалар, трансфертлар, ажратмалар, қўшимча маблағлар ва бошқалар бўйича ўзгартириш киритилган бошланғич бюджет.

Ўрнини тўлдириш бўйича жорий харажатлар (ДСБҲХС контекстида) — ҳисобот санага активни сотиб олиш учун субъект қилиши керак бўлган харажатлар.

Ўтган давр хатолари — бир ёки кўпроқ даврда субъектнинг ишончли маълумотларини нотўғри ёки ғайриқонуний фойдаланиш натижасида субъектнинг молиявий ҳисоботида ташлаб кетишлар ёки бузиб кўрсатишлар.

Қадрсизланиш (ДСБҲХС контекстида) – активнинг қадрланиши натижасида систематик равишда келгуси иқтисодий нафларнинг ёки сервис имкониятининг йўқотилиши тан олинадиган ҳажмдан юқори келгуси иқтисодий нафларнинг ёки сервис имкониятининг йўқотилиши.

Қўшиб олиш ((ДСБҲХС контекстида)- бир ёки бир нечта субъект фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа субъектга бериш.

Ҳисоб баҳосининг ўзгариши (ДСБҲХС контекстида) – активнинг ёки мажбуриятнинг баланс қийматини ёки активнинг даврий ишлатиш суммасининг ўзгартирилиши.

Ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун субъект қўллайдиган усулларнинг жамламасидир.

Ҳисоблаш методи – операциялар ва бошқа ҳодисалар улар содир бўлган пайтда тан оладиган бухгалтерия ҳисобини юритиш методи.

Ҳисобот валютаси – молиявий ҳисобот тақдим этилаётган валюта.

Ҳисобот санаси – молиявий ҳисобот тегишли бўлган ҳисобот даврининг охирги куни санаси.

Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар (ДСБҲХС контекстида) – ҳисобот санаси билан молиявий ҳисоботни эълон қилишга рухсат олинган сана ўртасида содир бўладиган ижобий ва салбий ҳодисалар. Бундай ҳодисаларни икки турга бўлиш мумкин: (1) ҳисобот санасига бўлиши мумкинлигига тегишли кўрсатмалар бўлган ҳодисалар, яъни ҳисобот санасидан кейин тўғриланадиган ҳодисалар; (2) ҳисобот санасидан кейин содир бўлиши мумкинлигига тегишли кўрсатмалар бўлган ҳодисалар, яъни ҳисобот санасидан кейин тўғриланмайдиган ҳодисалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Руководство по статистике государственных финансов 2001 года/Статистические управление. (2-е изд.). USA, 2001.

2. МСБУГС[1] 1 «Представление финансовой отчетности».

3. МСБУГС 2 «Отчеты о движении денежных средств».

4. МСБУГС 3 «Учетная политика, изменения в учетной оценках и ошибки».

5. МСБУГС 4 «Влияние изменений валютных курсов».

6. МСБУГС 5 «Затраты по займам».

7. МСБУГС 6 «Сводная и раздельная финансовая отчетность».

8. МСБУГС 7 «Инвестиций в ассоциированные субъекты».

9. МСБУГС 8 «Финансовая отчетность об участии в совместной деятельности».

10. МСБУГС 9 «Валовой доход от обменных операций».

11. МСБУГС 10 «Финансовая отчетность в странах с гиперинфляционной экономикой».

12. МСБУГС 11 «Строительные договоры».

13. МСБУГС 12 «Запасы материальных оборотных средств».

14. МСБУГС 13 «Аренда».

15. МСБУГС 14 «События после отчетной даты».

16. МСБУГС 15 «Финансовые инструменты: раскрытие и представление информации».

17. МСБУГС 16 «Инвестируемое имущество».

18. МСБУГС 17 «Основные средства».

---

[1] Международный Стандарт бухгалтерского учёта в Государственном секторе (МСБУГС)

19. МСБУГС 18 «Сегментная отчетность».
20. МСБУГС 19 «Резервы, условные обязательства и условные активы».
21. МСБУГС 20 «Раскрытие информации о связанных сторонах».
22. МСБУГС 21 «Обесценение активов, создающих неденежные средства».
23. МСБУГС 22 «Раскрытие финансовой информации о секторе государственного управления».
24. МСБУГС 23 «Валовой доход от необменных операций (налоги и трансферты)».
25. МСБУГС 24 «Представление бюджетной информации в финансовой отчётности».
26. МСБУГС «Финансовая отчетность при бухгалтерском учете по кассовому методу».
27. ГЛОССАРИЙ терминов по международным стандартам бухгалтерского учёта для государственного сектора и их определения.
28. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами —Т.: «Norma», 2006.
29. *Остонақулов М.* Бюджет ҳисоби. (дарслик) —Т.: «Iqtisod-Moliya», 2007.
30. *Ostonaqulov M.* Budjet hisobi. (darslik) —T.: «Talqin», 2008.
31. *Остонақулов М. ва бошқалар.* Ғазначилик органларида маҳаллий бюджетлар ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби. —Т.: «Iqtisod-Moliya», 2008.
32. *Остонақулов М., Остонақулова Г.* Маҳаллий бюджетлар ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби. —Т.: «Iqtisod-Moliya», 2009.

МУНДАРИЖА

1 Мамлакат иқтисодиётининг секторлари 3
2 Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот 7
3 Оқимлар, операциялар ва трансфертлар 29
4 Ҳодисаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг алтернатив методлари 32
5 Иқтисодий активлар 34
6 Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг таркиби 39
7 Ҳисоблаш методи бўйича «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари»нинг (ДСБҲХС) мақсадлари ва асосий талаблари 43
9. Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби методлари 112
10. Давлат секторида ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтиш моделлари 114
11. Давлат секторида ҳисоблаш методига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтиш босқичлари 116

Глоссарий 119
Фойдаланилган адабиётлар 129

МУҲАММАДЁҚУБ ОСТОНАҚУЛОВ

ДАВЛАТ СЕКТОРИ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Муҳаррир Э. Бозоров

Босишга рухсат этилди 26.10.2009 й. Қоғоз бичими 60x84 $^{1}/_{16}$.
Оператив нашр. Шартли босма табоғи 8.3. Нашр табоғи 8.25.
Адади 300. Буюртма 30

«Iqtisod-moliya» нашриётида тайёрланди.
100084, Тошкент ш., Х. Асомов кўчаси, 7-уй.

«HUMOYUNBEK - ISTIQLOL MO'JIZASI» босмахонаси.
100000, Тошкент ш., Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй

11400-00

65,052
0760

ISBN 978-9943-13-126-2

